

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Ш. Холмўминов, И. Хотамов, А. Қобилов,
А. Раҳмонов, Н.Саидов**

**ФАКУЛЬТЕТ ВА КАФЕДРАЛАРДА
ИШ ЮРИТИШНИНГ АСОСИЙ
ҲУЖЖАТЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

Услубий қўлланма

УДК:

ББК:

**Холмўминов Ш., Хотамов И., Қобилов А., Раҳмонов А., Саидов Н.
Факультет ва кафедраларда иш юритишнинг асосий ҳужжатларини
расмийлаштириш. Услубий қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2019. – 187 б.**

Услубий қўлланмада университетнинг факультет ва кафедраларида олий таълимга доир асосий меъёрий-хуқукий, ўкув, ўкув-услубий, маънавий-маърифий, илмий тадқиқот ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш борасида иш режалар, баённомаларнинг тузилиши, мазмуни, расмийлаштириш тартиби намуналари ишлаб чиқилган.

Ушбу услубий қўлланмада келтирилган ҳужжатлар намуна сифатида тавсия этилади, ҳар бир факультет ёки кафедра ўз фаолияти хусусиятларидан келиб чиқиб, маълум ўзгартиришлар киритиши мумкин. Бу, ўз навбатида, ижро ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлашга амалий ёрдам беради.

Мазкур қўлланма факультет деканлари ва муовинлари, кафедра мудирлари, бўлим бошликлари ва иш юритиш бўйича масъул шахсларга мўлжалланган.

Масъул мұхаррир и.ф.д. профессор Ходиев Баҳодир Юнусович

Тақризчилар:

- и.ф.н. доцент Худойқулов Садриддин Каримович
- и.ф.н. доцент Собиров Абдурасул Абдугафарович

*Услубий қўлланма Университет Кенгашида
муҳокама қилинган ва чоп этишига тавсия этилган
(9-сонли кенгаши қарори, 2019 йил 30 марта).*

© Тошкент давлат иқтисодиёт
университети, 2019

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I БЎЛИМ. ФАКУЛЬТЕТ БЎЙИЧА	5
1. Факультет кенгаши иш режаси намунаси.....	5
2. Факультет кенгаши баёни намунаси.....	11
3. Факультет деканининг фармойиши намунаси	25
4. Факультет илмий тадқиқот ишлари намунавий режаси.....	28
5. Факультет иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш намунавий режаси.....	32
6. Факультет маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар намунавий режаси	35
7. Факультет таълим-тарбия маслаҳатчисининг намунавий режаси.....	47
8. Факультет касаба уюшмасининг намунавий иши режаси.....	60
9. Факультет хотин-қизлар кенгашининг намунавий иши режаси.....	63
10. Факультет Ёшлар иттифоқининг намунавий иш режаси.....	69
11. Факультетнинг халқаро ҳамкорлик бўйича намунавий иш режаси	73
II БЎЛИМ. КАФЕДРА БЎЙИЧА	75
12. Кафедра мажлисларининг намунавий режаси	75
13. Кафедра мажлисининг намунавий баённомаси	87
14. Кафедра профессор-ўқитувчиларининг ўкув юкламаси, ўқув-услубий, илмий тақиқот ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш қоидалари.....	94
15. Кафедрада курс ишларини бажариш бўйича услубий кўрсатма намунаси.....	112
16. Амалиёт ҳисботларини ёзиш ва ҳимоя қилиш тартиби.....	130
17. Кафедра ўкув адабиётларини нашр этиш намунавий режаси.....	146
18. Кафедра илмий тадқиқот ишлари ва инновациялар намунавий йиллик режаси	147
19. Кафедранинг иқтидорли талабалари илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш намунавий режаси	176
20. Кафедра маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар намунавий режаси	179
21. Кафедранинг халқаро ҳамкорлик бўйича намунавий иш режаси.....	185

КИРИШ

Олий таълим муассасаларида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун “Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги ПҚ-2881-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сонли қарорлари асосида иш юритиш бўйича меъёрий-хукуқий ҳужжатлар расмийлаштирилади ва уларнинг ижроси таъминланади.

Университетнинг факультет ва кафедраларида олий таълимга доир асосий меъёрий-хукуқий, ўқув, ўқув-услубий, маънавий-маърифий, илмий тадқиқот ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда уларнинг ижросини таъминлашда маълум қийинчиликлар ва тушунмовчиликлар юзага келмокда.

Бунинг асосий сабабларидан бири олий таълим тизимида иш юритиш ҳужжатларини расмийлаштириш тартибларининг етарлича такомиллаштирилмаганлигидир. Бу эса олий таълимга оид ўқув-услубий, маънавий-маърифий, илмий тадқиқот ва бошқа йўналишлар бўйича фаолиятларни комплекс ва мақсадли таҳлил этишда жиддий қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш ижро интизомини мустаҳкамлашга, яъни иш юритиш ҳужжатларини сифатли ва белгиланган муддатларда расмийлаштиришга ижобий шарт-шароитлар яратади.

Ушбу услубий қўлланма университетнинг факультет ва кафедраларида олий таълимга оид меъёрий-хукуқий ҳужжатларни тўғри тайёрлаш расмийлаштиришга, уларнинг ижросини самарали ва натижали бўлишига амалий қўмаклашишга бағишлиланган.

I бўлим. ФАКУЛЬТЕТ БЎЙИЧА
1. ФАКУЛЬТЕТ КЕНГАШИ ИШ РЕЖАСИ НАМУНАСИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
 Тошкент давлат иқтисодиёт
 университети ректори
Б. ХОДИЕВ
 “___” **20** ____ й.

**ИҚТИСОДИЁТДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ КЕНГАШИННИНГ
 2018-2019 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ИШ РЕЖАСИ НАМУНАСИ**

Сана	Муҳокама этиладиган масалалар			Ижро учун масъул шахс лавозими
1	2	3	4	
Август				
29.08.18 й.	1.	Факультетда Ўзбекистон Республикаси мустақиллегистининг 27 йиллигини нишонлаш тўғрисида	Факультет декани	
	2.	Иқтисодиётда ахборот тизимлари факультети Кенгашининг янги таркибини тасдиқлаш тўғрисида	Факультет декани	
	3.	Факультет кафедралари томонидан янги ўқув йилида ўтиладиган фанлар бўйича ўқув ва ишчи дастурларни қайта кўриб чиқиш ва уларнинг янгиланиш ҳолати тўғрисида	Факультет декани ва кафедра мудирлари	
	4.	Академик гуруҳларга бириктирилган таълим-тарбия маслаҳатчилари таркиби ҳамда уларнинг иш режаларини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш тўғрисида	Таълим-тарбия маслаҳатчи-лари кенгаши раиси	
	5.	Кафедраларнинг янги ўқув йилига тайёргарлик ҳолати тўғрисида	Кафедра мудирлари	
	6.	Университетда “Биринчи курс мактаби” семинар-тренингларини ташкил этишда факультет ва кафедраларнинг вазифалари тўғрисида	Декан мувовини	
	7.	Иккинчи, учинчи ва тўртинчи курсларда фанлардан академик қарздор бўлган талабалар билан ишлишни ташкил этиш тўғрисида	Факультет декани	
	8.	Турли масалалар	Факультет декани	
Сентябрь				
19.09.18 й.	1.	Университет Кенгаши қарорлари ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича факультет жамоаси олдida турган асосий вазифалар тўғрисида	Факультет декани	
	2.	Академик гуруҳларда таълим-тарбия маслаҳатчilarининг маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишларини яхшилаш тўғрисида	Таълим-тарбия маслаҳатчи-лари кенгаши раиси	
	3.	Иқтисодиётда ахборот тизимлари факультетига тегишли бўлган ҳудудларда шанбаликларни ўtkазиш тўғрисида	Декан мувовини	
	4.	Мутахассис кафедралар бўйича битирувчи курс талабаларига амалиёт базаларини ташкил этиш тўғрисида	Факультет декани	
	5.	2017-2018 ўқув йилида факультетни битирган	Факультет	

1	2	3	4
		битирувчиларни ишга жойлаштириш ҳолати тўғрисида	декани ва кафедра мудирлари
	6.	Ўқитувчи ва мураббийлар куни байрамини факультетда нишонлаш тўғрисида	Декан мувовини
	7.	Турли масалалар	Факультет декани
Октябрь			
24.10.18 й.	1.	Университет Кенгаши қарорлари ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича факультет жамоаси олдида турган асосий вазифалар тўғрисида	Факультет декани
	2.	Факультетда меҳнат ва ўқув интизомларини кучайтириш тўғрисида	Факультет декани
	3.	Факультетда иқтидорли талабаларни Давлат стипендиялари танловида иштирок этишларини ташкил этиш тўғрисида	Декан мувовини
	4.	Мутахассис кафедралар бўйича битирувчи курс талабаларининг битирув малакавий иш мавзулари тўғрисида	Кафедра мудирлари
	5.	Кафедра миқёсида ташкил этилган илмий тўгаракларни такомиллаштириш ва иқтидорли талабаларни жалб этиш тўғрисида	Декан мувовини
	6.	Турли масалалар	Факультет декани
Ноябрь			
14.11.18 й.	1.	Факультетда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллигини нишонлаш тўғрисида	Факультет декани
	2.	Университет Кенгаши қарорлари ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича факультет жамоаси олдида турган асосий вазифалар тўғрисида	Факультет декани
	3.	Ўқув адабиётлари нашр этиш режасининг бажарилиши тўғрисида	Декан мувовини
	4.	Эконометрика кафедрасининг фаолияти бўйича ҳисоботи тўғрисида	Кафедра мудири
	5.	Университетнинг талабалар уйидаги кафедра кунларининг мунтазам ўtkазилиб боришини таъминлаш тўғрисида	Декан мувовини
	6.	Илмий тадқиқот ишларининг самарали боришини таъминлашда кафедралар томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида	Кафедра мудирлари
	7.	Факультет кафедраларида хўжалик шартномалари асосида илмий тадқиқот ишлари ва пулли таълим хизматларини кўрсатиш тўғрисида	Декан мувовини
	8.	Турли масалалар	Факультет

1	2	3	4
			декани
Декабрь			
19.12.18 й.	1.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллигига бағишиланган маърузаси ва ундағи топшириқлар бўйича факультет жамоасининг асосий вазифалари тўғрисида	Факультет декани
	2.	Университет Кенгаши қарорлари ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича факультет жамоаси олдида турган асосий вазифалар тўғрисида	Факультет декани
	3.	Факультет илмий тадқиқот ишлари режасининг бажарилиши тўғрисида	Декан мувовини
	4.	Битирув малакавий ишлари мавзуларини қайта кўриб чиқиши тўғрисида	Кафедра мудирлари
	5.	Фанлардан курс ишларининг ҳимоясини ташкил этиш тўғрисида	Декан мувовини
	6.	Янги йил байрамига тайёргарлик кўриш ва уни мазмунли ўтказишни ташкил этиш тўғрисида	Декани мувовини
	7.	Турли масалалар	Факультет декани
Январь			
23.01.19 й.	1.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, факультет жамоаси олдида турган асосий вазифалар тўғрисида	Факультет декани
	2.	Университет Кенгаши қарорлари ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича факультет жамоаси олдида турган асосий вазифалар тўғрисида	Факультет декани
	3.	1, 2, 3, 4-курс талабаларнинг қишик якуний назоратлари-ни ташкил этиш тўғрисида	Кафедра мудирлари
	4.	Факультетда меҳнат ва ижро интизоми тўғрисида	Факультет касаба уюшмаси раиси
	5.	Иқтисодиётда ахборот технологиялари кафедрасининг фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокамаси	Кафедра мудири
	6.	4-курс талабаларининг малакавий амалиётга тайёргар-лиги тўғрисида	Кафедра мудирлари
	7.	Халқаро ҳамкорлик ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида	Факультет декани
	8.	Турли масалалар	Факультет

1	2	3	4
декани			
Февраль			
20.02.19 й.	1.	Университет Кенгаши қарорлари ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича факультет жамоаси олдида турган асосий вазифалар тўғрисида	Факультет декани
	2.	1, 2, 3, 4-курс талабаларининг қишки якуний рейтинг баҳоланиш натижалари тўғрисида	Кафедра мудирлари
	3.	4-курс талабаларининг малакавий амалиётлари бориши мониторинги тўғрисида	Кафедра мудирлари
	4.	Ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий конференцияга тайёргарлик кўриши тўғрисида	Декани мувовини
	5.	Факультетда “8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами, “Наврўз” умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори даражада ўтказиш тўғрисида	Хотин-қизлар кенгаши раиси, декан мувовини
	6.	Талабалар турар жойларида маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш тўғрисида	Декани мувовини
	7.	Турли масалалар	Факультет декани
	Март		
20.03.19 й.	1.	Университет Кенгаши қарорлари ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича факультет жамоаси олдида турган асосий вазифалар тўғрисида	Факультет декани
	2.	Факультет йўналишларида таълим сифатини ошириш тўғрисида	Факультет декани ва кафедра мудирлари
	3.	Олий математика кафедрасининг фаолияти бўйича ҳисоботи мухокамаси	Кафедра мудири
	4.	Иқтидорли талабалар билан ишлаш ва улар иштирокида илмий анжуманлар ўтказишни ташкил этиш тўғрисида	Факультет декани ва кафедра мудирлари
	5.	Факультетда ўтказиладиган дарс машғулотлари сифати таҳлили натижалари тўғрисида	Кафедра мудирлари
	6.	Талабалар турар жойларида маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда кафедраларнинг фаоллигини ошириш тўғрисида	Декани мувовини
	7.	Турли масалалар	Факультет декани
	Апрель		
24.04.19 й.	1.	Университет Кенгаши қарорлари ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича факультет жамоаси олдида турган	Факультет декани

1	2	3	4
		асосий вазифалар тўғрисида	
	2.	Факультет йўналишларида таълим сифатини ошириш тўғрисида	Факультет декани ва кафедра мудирлари
	3.	Иқтидорли талабалар билан ишлаш ва улар иштирокида илмий анжуманлар ўтказишни ташкил этиш тўғрисида	Кафедра мудирлари
	4.	Факультетда ўтказилаётган дарс машғулотлари сифати таҳлили натижалари тўғрисида	Факультет декани ва кафедра мудирлари
	5.	Турли масалалар	Факультет декани

Май

22.05.19 й.	1.	Университет Кенгаши қарорлари ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича факультет жамоаси олдида турган асосий вазифалар тўғрисида	Факультет декани
	2.	Факультет йўналишларида таълим сифатини ошириш тўғрисида	Факультет декани ва кафедра мудирлари
	3.	Касбий таълим (иктисодиёт) кафедрасининг фаолияти бўйича ҳисоботи тўғрисида	Кафедра мудири
	4.	Иқтидорли талабалар билан ишлаш ва улар иштирокида илмий анжуманлар ўтказишни ташкил этиш тўғрисида	Кафедра мудирлари
	5.	Факультетда ўтказилаётган дарс машғулотлари сифати таҳлили натижалари тўғрисида	Факультет декани ва кафедра мудирлари
	6.	Турли масалалар	Факультет декани

Июнь

19.06.19 й.	1.	Университет Кенгаши қарорлари ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича факультет жамоаси олдида турган асосий вазифалар тўғрисида	Факультет декани
	2.	Битирувчи бакалавриат талабаларининг ДАК, БМИ сифатли ташкил этилиши тўғрисида	Кафедра мудирлари
	3.	Факультетнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича ҳисоботини тайёрлаш тўғрисида	Декан мувонини
	4.	Факультет Кенгашининг янги ўқув йили учун иш режасини тайёрлаш тўғрисида	Кенгаш котиби
	5.	Турли масалалар	Факультет декани

Июль

3.07.19 й.	1.	Университет Кенгаши қарорлари ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича факультет жамоаси олдида турган асосий вазифалар тўғрисида	Факультет декани
	2.	Факультетнинг 1, 2, 3-курс талабаларининг ёзги якуний	Факультет

1	2	3	4
		назорати натижалари тўғрисида	декани ва кафедра мудирлари
3.		Кафедралар томонидан ўтилган фанлар бўйича ўқув ва ишчи дастурлари, маъруза матни ва ўқув қўлланмаларининг топшириш ҳолати тўғрисида	Кафедра мудирлари
4.		Факультет янги ўқув йилига тайёргарлигини ташкил этиш тўғрисида	Факультет декани
5.		Ёзги таътилда профессор-ўқитувчилар ва талабаларни мазмунли дам олишларини ташкил этиш тўғрисида	Касаба уюшмаси раиси
6.		Кафедра профессор-ўқитувчиларининг йиллик фаолияти мониторинги натижалари тўғрисида	Факультет декани ва кафедра мудирлари
7.		Бакалавриат талабаларининг битириув малакавий ишлари ҳимоялари натижалари тўғрисида	Кафедра мудирлари
8.		Турли масалалар	Факультет декани

Ушбу режса факультеттинг 2018 йил 10 июлдаги (11-сонли баённома) кенгашида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Факультет Кенгashi раиси

А. Собиров

(имзо)

Факультет Кенгashi котиби

Н. Шоахмедов

(имзо)

Факультет кенгаши режасига ўқув, ўқув-услубий, маънавий-маърифий, илмий тадқиқот ва бошқа фаолиятларининг асосий масалаларини киритиши лозим. Бунинг учун факультет фаолиятларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш зарур. Ижро учун масъул шахслар ҳар бир масала бўйича қарор лойиҳасини кенгаш ўтказиладиган санадан бир ҳафта аввал кенгаш котибига тақдим этиши лозим. Кенгаш аъзоларининг қўпчилиги овоз бериши орқали кенгаш кун тартибига ўзгартиришлар киритиш мумкин.

2. ФАКУЛЬТЕТ КЕНГАШИ БАЁНИ НАМУНАСИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ИҚТИСОДИЁТДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ КЕНГАШИНинг БАЁНИ

2019 йил 23 январь

6-сонли

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

Кенгаш аъзолари:

Факультет декани, доцент А. Собиров

Эконометрика кафедраси мудири, профессор Д. Расулов; Иқтисодиёта ахборот технологиялари кафедраси мудири, доцент И. Жуковская; Олий математика кафедраси мудири, доцент А. Гулямов; Касб таълими (иқтисодиёт) кафедраси мудири, доцент Н. Лутфуллаева; декан мувонини, катта ўқитувчи Д. Бегматов; доцент Д. Салимов; катта ўқитувчи Д. Хашимова; катта ўқитувчи Ж. Каримов; катта ўқитувчи Р. Мажидов; Ёшлар иттифоки етакчisi С. Юлдашев; катта ўқитувчи Н. Шоахмедова (кенгаш котиби); факультет таълим-тарбия маслаҳатчиси М. Анварова

Кун тартиби:

**I. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий
Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб,
факультет жамоаси олдида турган долзарб масалалар мухокамаси**

(А. Собиров)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномаси бўйича факультет декани доцент А. Собиров кенгаш аъзоларига ахборот берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида қатор янги вазифа ва мақсадлар режалаштирилди ҳамда белгилаб берилди.

Мурожаатномада белгилаб берилган устувор йўналишлар, таққослама таҳлиллар сабабли боғлиқликда чиқарилган хulosаларни кенг жамоатчиликка тарғиб этиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-хуқуқий тафаккурини юксалтириш, тасаввур доирасини кенгайтиришга қаратилган бўлиб, ундан нафақат талабалар, балки педагог-ўқитувчilar, тарғибот-ташвиқот гурухи вакиллари ҳам фойдаланишлари айтиб ўтилди.

Маъruzada 2018 йил «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб ном берилгани, давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга teng 76 мингта лойиҳа амалга оширилгани, ўтган йили яхши ният билан бошлаган ишларнинг натижасини кўрсатиб тургани яна бир бор ёдга олинди.

Шунингдек, саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, транспорт-коммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларида салмоқли ютуқлар қўлга киритилгани, айниқса, аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида жорий йилда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори ўтган йилларга нисбатан сезиларли равишда оширилгани ҳақида маълумот берилди.

Иқтисодиёт соҳасида кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар негизида қўйидаги мақсадлар мужассам эканини қайд этилгани айтиб ўтилди:

- очик иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция мухитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитлар яратиш;
- иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш;
- иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш;
- валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш;
- иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш.

Маърузада яна амалга оширилган ишлар бўйича педагог ходимларнинг иш ҳақи сўнгги 10 йилда биринчи маротаба 50 фоизгача кўпайтирилгани ва ҳар бир соҳа ишчилари ихлос ҳамда ўз ишларига масъулият билан қарашлари ўқтирилди.

Маълумки, бугунги кунда юртимизда хориж инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард АҚШ долларилик 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Албатта, йил мобайнида амалга оширилган ишлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Бироқ бундай мисолларни келтириш, қайд этишдан мақсад “Кўкракка уриб мақтаниш” эмас. Биз бундан мутлақо йироқмиз. Бизнинг мақсадимиз ўтган бир йиллик тараққиёт йўлимизни холисона ва танқидий баҳолашдан иборат эканлиги йиғилишда қатнашганларга яна бир бор эшиттирилди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди.

Ташқи иқтисодий соҳада ҳали ишга солинмаган катта имконият ва захиралар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Бу борада Марказий Осиё мамлакатлари ва йирик шерикларимиз – Хитой, Россия, Жанубий Корея, АҚШ, Туркия, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришни давом эттириш лозимлиги тушунтирилди.

Шунингдек, миллий юқ ташувчиларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга қўшимча шароитлар яратиш мақсадида “Миллий логистика портали”ни ташкил этиш лозимлиги ҳам айтиб ўтилди.

Хозирги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшайди. Бироқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 17 фоиздан ошмайди. Агарар соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш

лозимлиги ҳам айтиб ўтилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини самарали реализация қилиш жуда муҳим масаладир. Шу мақсадда фермер хўжаликларида етиширилган маҳсулотлар ҳажми ва миқдори ҳақидаги маълумотларнинг ягона базасини яратиш зарурлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Келгуси йилда Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо юкларини жаҳондаги ва минтақадаги асосий бозорларга олиб чиқадиган ишончли транспорт ва транзит йўлакларини изчил шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бинобарин, бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижаси жаҳондаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлаш лозимлигини Президент мурожаатномасида айтиб ўтган эди. Шуни инобатга олган ҳолда 2019 йил – «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб эълон қилингани бежиз эмас. Қолаверса, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш учун аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамлар ва оиласарнинг даромадини ошириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, ушбу масала бўйича Президент фармони қабул қилинганлиги ва унга кўра, 2019 йил 1 январдан бошлаб, ишлайдиган барча пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланиши белгиланди ҳамда пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробаригача ошириш бўйича янги тизим жорий этилаётгани ҳақида маърузада маълумот бериб ўтилди.

Аҳолини телекоммуникация хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш мақсадида узоқ туманларда 2 минг километр оптик толали алоқа тизимлари қуриш, Интернет ўтказувчанлигини 2,5 баробар ошириш ва 4 мингдан ортиқ таянч мобиль алоқа станциясини ишга тушириш кўзда тутилмоқда. Мазкур чора-тадбирлар натижасида 600 дан зиёд аҳоли пункти Интернет ва мобиль алоқа билан таъминланиши бўйича ҳам фикрлар билдирилди.

А. Собиров: Хурматли касбдошлар, сизларга етказадиган маълумотлар шулардан иборат эди, марҳамат кимда савол, қўшимча ва таклифлар бор?

Марҳамат – Эконометрика кафедраси мудири, профессор Д. Расулов.

Проф. Д. Расулов: Бугун биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшамоқдамиз. Дунё миқёсида манфаатлар кураши, рақобат тобора авж олиб, халқаро вазият кескинлашиб бормоқда.

Биз келгуси йил учун амалий режалар тузар эканмиз, халқаро майдондаги ана шундай мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда, тараққиётимизнинг устувор йўналишларини аниқ-равshan белгилаб олишимиз зарур.

Ўтаётган йилда ҳаётимизнинг бошқа соҳаларида, жумладан, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш йўлида ҳам муҳим қадамлар қўйилди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган.

Шу сабабли ҳам инвестиция иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги десак, муболаға бўлмайди.

Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади.

Шу ўринда бир савол туғилади: инвестиция деймиз, ислоҳотлар деймиз, модернизация деймиз.

Лекин бу ўзгаришлардан кўзланган асосий мақсад нима ўзи?

Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшashi бизнинг бош мақсадимиздир.

Бу йўналишда олдимизда улкан вазифалар туриди. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги, биринчи навбатда, ижтимоий соҳадаги ислоҳотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ.

Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришимиз керак. Шу мақсадда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришимиз, ўрта ва олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини, илмий ва ўқув жараёнлари сифатини тубдан яхшилашимиз керак.

А. Собиров: Ҳурматли профессор Дилмурод Мирзаахмедович, қўшимча қилганингиз учун раҳмат. Марҳамат яна кимда савол, қўшимча ва таклифлар бор?

Марҳамат – Иқтисодиётда ахборот тизимлари кафедраси мудири, доцент И. Жуковская.

Доцент И. Жуковская: Менинг таклифим бор. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги маърузаларида: “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур”, – деб такидлаб ўтган эди.

Шунинг учун биз ҳам факультет ва кафедраларда рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш режасини тузишимиз зарур.

А. Собиров: Ҳурматли Ирина Евгеньевна, таклифингиз учун раҳмат. Марҳамат кимда яна фикр-мулоҳазалар бор. Агар ҳеч кимда йўқ бўлса, мазкур масала бўйича факультет кенгаши қарори лойиҳаси билан таништиришга рухсат беришингизни сўраймиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, факультет кенгаши қарор қилади:

1. Факультет декани доц. А. Собировнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Эконометрика кафедраси мудири, проф. Д. Расулов; Иқтисодиётда ахборот технологиялари кафедраси мудири, доц. И. Жуковская; Касб таълими (иқтисодиёт) кафедраси мудири, доц. Н. Лутфуллаева; Олий математика кафедраси мудири, доц. А. Гулямов; факультет таълим-тарбия маслаҳатчиси М. Анваровага:

бир хафта муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги маърузаси мазмуни билан профессор-ўқитувчилар ва талабаларни таништириш вазифаси юклансин.

3. Ушбу қарорлар ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

II. Университет Кенгаши қарорлари ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича факультет жамоаси олдида турган вазифалар тўғрисида

(А. Собиров)

2018 йил 25 декабрь куни бўлиб ўтган Университет Кенгаши қарорлари ва уларнинг ижроси бўйича факультетнинг асосий вазифалари юзасидан факультет декани доцент А. Собировнинг ахбороти тингланди.

Кенгаш кун тартибида кўрилган масалалар режаси билан таништириб чиқди:

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар орасида кенг тарғиб қилиш ва бу борада белгиланган вазифалар тўғрисида (*Б. Ходиев, Б. Махсудов*).

II. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан ватанпарварлик ойлигини ўtkазиш тўғрисида (*Б. Махсудов*)

III. 2018 йил – “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” давлат дастури доирасида университетда амалга оширилган ишлар тўғрисида (*Б. Махсудов*).

IV. 2018 йилда олиб борилган илмий тадқиқот фаолияти натижалари ва 2019 йилга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари бажарилиши тўғрисида (*Ш. Мустафакулов*).

V. Университет факультет ва кафедраларининг фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграцияси доирасида амалга оширилган ишлар ва устувор вазифалар тўғрисида (*Ш. Мустафакулов*).

VI. 2018/2019 ўкув йили биринчи семестрида 4-курс талабаларининг биринчи семестр бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари, 1,2,3-курсларда жорий ва оралиқ баҳолашнинг сифати таҳлили ҳамда якуний баҳолашга тайёргарлик тўғрисида (*F. Зоҳидов*).

Кенгаш биринчи масаласи юзасидан университет Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори Б. Махсудовнинг ахбороти тингланганлигини эслатиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллиги муносабати билан 7 декабрь куни “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида тантанали маросим бўлиб ўтганлиги ва унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ҳаётининг ўтган бир йилида рўй берган ижобий ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида маъруза қилганлигини маълум қилди. Мазкур масала бўйича Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Б. Махсудовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинганлиги ва ўкув ишлари проректори F. Захидовга: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Билимли

авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир” деб номланган маърузасида илгари сурилган назарий ва амалий фикрлар, ғоялар ва тамойиллар ҳамда кўрсатмалар асосида ўқитилаётган фанлар бўйича ишчи дастурларнинг мазмунини бойитиш вазифаси юқлатилганлигини маълум қилди.

Кенгашда кўрилаётган иккинчи масалада: “Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан ватанпарварлик ойлигини ўтказиш тўғрисида Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Б. Махсудовнинг ахбороти тингланганлиги маълум қилинди. 14 январь куни Куролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда кенг нишонланади. Байрамни кўтаринки руҳ ва юксак савияда ўтказиш университетимиз жамоасининг муҳим вазифаси лигини эслатиб ўтди. Университет деканларига университетда меҳнат қилиб нафақага чиққан ва меҳнат қилаётган кекса ёшдаги профессор-ўқитувчиларнинг ҳолидан хабар олиш бўйича тизимли ишларни давом эттириш вазифалари юқлатилганлигини маълум қилди.

Учинчи масала юзасидан ҳам университет Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори Б. Махсудовнинг ахбороти тингланиб ва муҳокама қилинганлиги эслатиб ўтилди. Барча факультет деканлари, кафедра мудирлари, бўлим бошлиқлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда “2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, талаба-ёшларимизни тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ўз ўрнини топишда кўмак бериш тадбирларини амалга ошириб бориш вазифалари юқлатилганлигини маълум қилди.

Кенгашдаги тўртинчи масалада илмий тадқиқот фаолияти натижалари ва 2018 йилда қўлга киритилган натижалар бўйича Ш. Мустафакуловнинг ахбороти тингланганлигини маълум қилинди. Илмий-тадқиқотлар режалари, фундаментал, амалий, инновацион лойиҳалар ва хўжалик шартномаларининг кафедралар томонидан бажарилишини доимий мониторинг қилиб бориш ва ушбу ҳисоботларни ўз вақтида топширилишини назоратга олиш вазифаси юқлатилиб, факультет кафедраларида фаолият кўрсатаётган фан тўгаракларининг фаолияти ва иқтидорли талабаларнинг илмий семинарлари самарадорлигини янада ошириш бўйича назоратни кучайтириш масаласи юқлатилганлигини билдириб ўтди.

Кенгаш бешинчи масаласида илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ш. Мустафакуловнинг ахбороти тингланганлигини маълум қилди. Факультетнинг иқтидорли талабаларини йўналишлар ва кафедралар кесимида инновацион корпоратив ҳамкорлик жараёнига саралаш натижасида жалб этишни кучайтириш; инновацион корпоратив ҳамкорлик жараёнига жалб этилган талабалар малакавий амалиётини ҳамкор ташкилотлар ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши чораларини кўриш ва фаолиятини назорат қилиш зиммаси юқлатилганлигини эслатиб ўтди.

Мазкур масалалар юзасидан доц. Н. Лутфуллаева, доц. А. Гулямов сўзга чиқишиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, факультет кенгаши қарор қиласи:

1. Факультет декани, доц. А. Собировнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Эконометрика кафедраси мудири, проф. Д. Расулов, Иқтисодиётда ахборот технологиялари кафедраси мудири, доц. И. Жуковская, Олий математика кафедраси мудири, доц. А. Гулямов, Касб таълими (иқтисодиёт) кафедраси мудири, доц. Н. Лутфуллаева, факультет декани мувонини Д. Бегматовга:

бир ҳафта муддатда:

университет Кенгаши қарорлари билан профессор-ўқитувчиларни таништириш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ва Ватан химоячилар кунини муносаб нишонлашга тайёргарлик кўриш;

ўқув йили давомида:

кафедрада фаолият юритаётган фан тўғаракларининг фаолияти самарадорлигини янада оширишга эришиш ва иқтидорли талабалар билан ишлашни фаоллаштириш;

кафедрада илмий даражага эга бўлмаган ўқитувчиларни мустақил тадқиқотчилик асосида диссертация ишларини бажаришга жалб этиш ва уларнинг химоя қилиш муддатларини қатъий белгилаш ҳамда назоратга олиш;

кафедра профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳиятини кучайтириш ва хориж илмий журналларида илмий мақолаларини чоп этиш бўйича рўйхат тузиш вазифалари юклансин.

3. Ушбу қарорлар ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдирман.

III. 1,2,3,4-курс талабаларининг қишики якуний назоратларинг ташкил этиш тўғрисида

(Кафедра мудирлари: Д. Расулов, А. Гулямов, Н. Лутфуллаева, И. Жуковская)

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Эконометрика кафедраси мудири, проф. Д. Расулов; Иқтисодиётда ахборот технологиялари кафедраси мудири, доц. И. Жуковская; Олий математика кафедраси мудири, доц. А. Гулямов; Касб таълими (иқтисодиёт) кафедраси мудири, доц. Н. Лутфуллаеваларнинг ахбороти тингланди.

Иқтисодиётда ахборот технологиялари кафедраси мудири доцент И. Жуковская сўзга чиқди. Биринчи семестр бўйича фанлардан якуний назорат ишлари ташкил этилганлиги ва ҳар бир фан бўйича ёзма якуний назоратлари ва оғзаки якуний назоратларини ташкил этиш ҳолатига тайёргарлик бўйича ахборот берди. Ҳар бир фандан гуруҳ журналлари жорий ва оралиқ баллари профессор-ўқитувчи томонидан журналларга қўйиб чиқилганлиги, якуний варианtlари тасдиқланганлигини эслатиб ўтди. Биринчи курсда ўқув семестри 16 ҳафталик бўлганлиги сабабли якуний назорат ҳафтаси 24 декабрдан

бошланганлигини айтиб ўтди ва янги Низом асосида якуний назоратни баҳолаш тартиби олиб борилаётганлигини маълум қилди. Низомда якуний назорат шаффоф ва оқилона ташкил этилиши назарда тутилган бўлиб, дарс олиб борувчи профессор-ўқитувчи якуний назоратни олмаслиги, унинг ўрнига комиссия аъзолари имтиҳон олиб, ёзма ишларни ҳам комиссия аъзолари текшириб, баҳо қўйишларини маълум қилди. Ҳозирги кунда ушбу Низом асосида барча якуний назоратлар имтиҳон олувчи комиссия аъзолари орқали қабул қилиниб келинаётганлигини кенгаш аъзоларига билдириб ўтди.

Эконометрика кафедраси мудири, проф. Д. Расулов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 29 сентябрдаги 820-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий этиш тўғрисида”ти низом билан янги баҳолаш тизими жорий этилганлигини эслатиб ўтди. Бу низом асосида ҳозирда биринча курс талабалари якуний назоратлари ташкил этилганлиги, 2,3,4-курсларда якуний назорат 21 январда бошланиши ва кафедра фанларидан якуний назоратлар варианatlари тасдиқланиб, тайёрлаб қўйилганлигини айтиб ўтди.

Олий математика кафедраси мудири, доц. А. Гулямов ва Касб таълими (иқтисодиёт) кафедраси мудири, доц. Н. Лутфуллаевалар ҳам ушбу ҳолат бўйича ахборот бердилар.

Факультет декани, доц. А. Собиров сўзга чиқиб, профессор-ўқитувчилар томонидан талабалар балларини шаффофли баҳолаш, тамагирлик, хатоликларга йўл қўймаслик, ўқитувчи номига хилоф ишлар билан шуғулланмаслик талаб этилганлиги ва қаттиқ назоратга олинганлигини маълум қилди. Университет раҳбарияти томонидан ҳам ушбу вазият бўйича ташкилий ишлар олиб борилаётганлигини эслатиб, хусусан, университет бўйича оралиқ ва жорий балларини ўз вақтида расмийлаштирган профессор-ўқитувчиларга ҳайфсан эълон қилинишини таъкидлади. Профессор-ўқитувчилардан меҳнат интизомига риоя қилиш, Низом талабларига, баҳолашда салбий ҳолатларни бартараф этишга ва меъёрий ҳужжатларни талаб даражасида расмийлаштиришга катта эътибор қаратишни сўради.

Мазкур масала юзасидан қилинган маъруза ҳамда билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

Факультет кенгаши қарор қиласи:

1. Эконометрика кафедраси мудири, проф. Д. Расулов; Иқтисодиётда ахборот технологиялари кафедраси мудири, доц. И. Жуковская; Олий математика кафедраси мудири, доц. А. Гулямов; Касб таълими (иқтисодиёт) кафедраси мудири, доц. Н. Лутфуллаеваларнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Эконометрика кафедраси мудири, проф. Д. Расулов; Иқтисодиётда ахборот технологиялари кафедраси мудири, доц. И. Жуковская; Олий математика кафедраси мудири, доц. А. Гулямов; Касб таълими (иқтисодиёт) кафедраси мудири, доц. Н. Лутфуллаева; факультет декани мувовини Д. Бегматовга:

З ҳафта мобайнида:

1,2,3,4-курс талабаларнинг якуний назоратларини шаффоғли ўтишини назоратга олиш;

З кун муддат ичида талабалар билимини баҳолашда тамагирликка, нохолисликка йўл қўйишнинг ҳар қандай кўриниши қатъий жазога тортилиши ҳақида барча профессор-ўқитувчилар огоҳлантирилсин ва ёзма тушунтириш хати олиш;

ёзма иш натижалари З кун муддат ичида гурух журналлари ва қайдномаларида акс эттирилиши ва деканатга топширилиши вазифалари юклансин.

3. Ушбу қарорлар ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдирман.

IV. Факультетда меҳнат ва ижро интизомининг ҳолати ҳамда бу борадаги долзарб масалалар тўғрисида

(Ж. Каримов)

Кун тартибидаги тўртинчи масала – факультетда меҳнат ва ижро интизомининг ҳолати тўғрисида факультет касаба уюшмаси раиси Ж. Каримовнинг ахбороти тингланди.

Талабаларнинг муентазам равишда кеч қолиб келишлари, кийиниш маданиятига риоя қиласликлари, ички тартиб қоидаларини бажармасликлари, дарсларда телефонлардан фойдаланиб, машғулотларга эътиборсиз ўтиришлари, баъзи профессор-ўқитувчилар томонидан ҳам дарсларга кечикиб келишлар кузатилаётганлигига гувоҳ бўлаётганликларини айтиб ўтди. Айниқса, бетоб бўлиб қолган ўқитувчи ўрнига дарсга келган ўқитувчилар дарсга тайёрланмасдан, кечга қолиб келишларини маълум қилди ва бу масалани кафедрада муҳокама қилиб профессор-ўқитувчилардан дарс ўтиш сифатини янада яхшилаш, ўзаро дарсга кириш, очик дарсларни тез-тез ташкил этиш лозимлигини тушунтириб ўтди.

Кўрилаётган масалага факультет хотин-қизлар кенгаши раиси Д. Хошимова ҳам ўз фикрларини билдириб, профессор-ўқитувчиларнинг кийиниш маданиятига эътибор қаратишларини таъкидлади. Университет ҳудудида ва талабалар тураг жойларида навбатчилик қилувчи профессор-ўқитувчилар ўз вазифаларини тўлиқ бажаришлари, навбатчиликнинг ярмидан кетиб қолишлари, журналларга қайд этмасдан кетишлари ва бошқа масалалар бўйича ҳам кафедра мудирлари кафедра мажлисларида профессор-ўқитувчилар билан муҳокама қилишларини сўради.

Юқоридагилардан қелиб чиқиб, факультет кенгаши қарор қилади:

1. Факультет касаба уюшмаси раиси Ж. Каримовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Эконометрика кафедраси мудири, проф. Д. Расулов; Иқтисодиётда ахборот технологиялари кафедраси мудири, доц. И. Жуковская, Олий математика кафедраси мудири, доц. А. Гулямов, Касб таълими (иқтисодиёт) кафедраси мудири, доц. Н. Лутфуллаева, факультет декани муовини Д. Бегматовга:

бир ҳафта мобайнида:

факультетда меҳнат ва ижро интизомини мустаҳкамлаш;

профессор-ўқитувчилар томонидан талабаларга сифатли дарс ўтилишига эътиборни қаратиш;

талабаларнинг дарсга кечикиб келишлари ва кийиниш маданиятига эътиборни қаратиш вазифалари юклатилсан.

3. Ушбу қарорлар ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдирман.

V. Иқтисодиётда ахборот технологиялари кафедрасининг фаолияти бўйича ҳисоботи ва келгусидаги асосий вазифалар тўғрисида

(И. Жуковская)

Кафедра фаолияти бўйича ҳисобот юзасидан кафедра мудири, доцент И. Жуковская янинг ахбороти тингланди.

Кафедрада 21 та асосий штатда, 8 та ўриндош лавозимида ишловчи профессор-ўқитувчилар фаолият юритади. Шулардан: 1 та академик, 2 та профессор, 6 та доцент, 8 та катта ўқитувчи, 6 та асистент асосий штатда фаолият юритишини маълум қилди.

Бакалавриат “Информатика ва ахборот технологиялари” таълим йўналишида 14 та фан ўқилади, “Ахборот бизнеси” таълим йўналишида 12 та фан ўқитилади. Магистратура йўналишида 6 та фан олиб борилишини маълум қилди. Бакалавр таълим йўналишида янги фанлардан “Java”, “Истиқболли дастурлаш тиллари”, “Иқтисодий ахборотларни қайта ишлашнинг инструментал воситалари” ва магистратура таълим йўналишида “Замонавий тармоқ технологиялари” фани режалаштирилганлигини айтиб, ушбу фанлардан ҳозирда ўқув-услубий мажмуалар тайёрланаётганлигини айтиб ўтди.

Кафедранинг “Информатика ва ахборот технологиялари (иқтисодиёт)” бакалавриат ва “Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари” магистратура таълим йўналишларида кафедранинг “ФМ-9 Миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларига инновацион ахборот-коммуникация технологияларини самарали татбиқ этишнинг назарияси ва амалиёти” мавзусига бағишланган комплекс режага мувофиқ илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

2018 йилнинг 29 ноябрь ойида Россия Федерациясининг Тула шахридаги Конуншунослик ва бошқарув институтида бўлиб ўтган “Актуальные проблемы права и экономики глазами молодёжи” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференцияда доц. Р. Дадабаева, доц. И. Жуковская, доц. Ш. Хошимходжаев, катта ўқитувчи Е. Пилипенко мақолалари билан қатнашганларини маълум қилди.

Иқтисодиётда ахборот технологиялари кафедраси томонидан илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш бўйича жорий йилда бир қанча ишлар амалга оширилганлигини айтиб, 2018 йил проф. Б. Бегалов раҳбарлигига 2 нафар мустақил изланувчилар А.Б. Бобожонов “Ўзбекистонда ахборот маҳсулотлари ва хизматлари бизнесини ривожлантиришнинг услугий жиҳатлари” мавзусида ва

О.С. Умаров “Коммунал тўловлари жараёнларини ахборот тизимлари асосида самарали ташкил этишнинг тадқиқоти” мавзусида, май ойида проф. Б.А. Бегалов раҳбарлигида 1 нафар мустақил изланувчи Ш.Ф. Одилов “Компания логистик жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида такомиллаштириш” мавзусида ва июнь ойида академик С.С. Ғуломов раҳбарлигида 1 нафар мустақил изланувчи Ш.Ў. Джанадилов “Суғурта фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини комплексли жорий этишнинг назарий ва услубий асосларини такомиллаштириш” мавзусида 08.00.14 – “Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари” мутахассислиги бўйича иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертациясини ҳимоя қилдилар.

Профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти 45 %ни ташкил этишини билдириб, уни янада самарали кўтариш учун қилинаётган ишлар бўйича ҳам маълумот берди. Кафедра катта ўқитувчиси Н. Шоахмедованинг Республика босқичида ўтказилган “Энг яхши педагог” конкурсида ғолибликни қўлга киритганлигини ҳам кенгаш аъзоларига маълум қилди. Кафедрада ўқитилаётган фанлар бўйича тайёрланган ўқув-услубий мажмуалар, ишчи дафтарлар юзасидан ахборот берди.

Таълим йўналиши битиравчилари бўйича битирав малакавий ишлари мавзуларини янада такомиллаштириб, корхоналар билан ҳамкорликда бажарилаётган инновацион ҳамкорлик ишларининг бориши ҳақида ҳам гапириб ўтди. Ҳозирги кунда кафедра томонидан “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази, “UNICON.UZ” давлат унитар корхонаси, «Ўзбектелеком» АҚ «ЎзМобайл» филиали билан инновацион ҳамкорлик доирасида битирав малакавий ишлар, магистрлик диссертацияси тасдиқланганлигини айтиб ўтди.

Ҳозирги кунда Иқтисодиётда ахборот технологиялари кафедраси қошида “Келажак дастурчиси” деб номланган тўгарак доцент А. Абидов раҳбарлигида бошқарилиб келинаётганлигини айтиб, ушбу тўгаракда бугунги кунда 9 талаба ва магистрлар ўз билим ва маҳоратларини ошириб келмоқдалар. Илмий тўгаракка масъуллар сифатида доцентлар – Ш. Хошимхўжаев, И. Абдуллаева, И. Жуковская, катта ўқитувчилар – Н. Расулова, Д. Хошимовалар ва ассистентлар Д. Азимов иш олиб боришмоқда. Кафедрада илмий тўгаракнинг илмий тадқиқот йўналиши “ФМ-9. Миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларига инновацион ахборот-коммуникация технологияларни самарали татбиқ этишнинг назарияси ва амалиёти” мавзусига асосланади. Илмий тўгаракда маъruzалар муҳокамаси ҳар ойнинг охирги шанба куни бўлиб ўтади.

Кафедра профессор-ўқитувчиларининг ўзаро дарсларга кириш ва очик дарсларни ташкил этилганлиги бўйича маълумот берди. Кафедрада ўқув ва илмий адабиётларни нашр этиш режасининг бажарилиши ҳолати бўйича тайёрланаётган ўқув қўлланмалар ва бошқа ташкилий ишлар бўйича ҳам гапириб ўтди.

Кафедрада ҳисобот йилида жами 10 млн. сўмлик хўжалик шартнома ишларини бажариш режалаштирилган. Шундан 10 млн. сўмлик хўжалик шартнома ишлари бажарилган:

1. И. Жуковская раҳбарлигига “WAY OF FREEDOM” МЧЖ билан тузилган 2018 йил 23 октябрдаги 42-18-сонли шартномага биноан “Статистик ахборот тизимларини ташкилот менежментида қўллаш” мавзусида тадқиқот олиб борилди ва 6 млн. сўмлик ишлар бажарилди.

2. И. Абдуллаева раҳбарлигига “ROXAT” МЧЖ билан тузилган 2018 йил 15 декабрдаги 57-18-сонли шартномага биноан “Корпоратив тармоқларини корхона бизнес жараёнларида қўллаш” мавзусида тадқиқот олиб борилди ва 4 млн. сўмлик ишлар бажарилди.

Кафедра профессор-ўқитувчилари Тошкент шахрида жойлашган хорижий давлат олий таълим муассасалари, шунингдек, Европа, АҚШ, Россия каби фан ривожланган давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда. Хорижий таълим муассасалари журналлари, конференцияларида илмий мақолалар чоп этиш билан бирга, уларнинг илмий тадқиқот йўналишидаги тажрибаларини ҳам ўрганмоқдалар.

Кафедрада профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилаётган ўкув-услубий ишлар, илмий ишлар, тарбиявий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ҳам маълумот берди. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан шу вақтгача ўтказилган тадбирлар ҳисботи ва талабалар тураг жойларида ташкил этилган тадбирлар бўйича ҳам ҳисбот келтирилди.

Иқтисодиётда ахборот технологиялари кафедраси мудири, доцент И. Жуковскаянинг ҳисботига факультет декани доц. А. Собиров ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб, кафедра фаолиятини янада кучайтириш лозимлигини тушунтириди ва келгуси режаларни амалга ошириш чора-тадбирлари бўйича ҳам таклифлар берди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, факультет кенгаши қарор қиласи:

1. Иқтисодиётда ахборот технологиялари кафедраси мудири, доц. И. Жуковскаянинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Иқтисодиётда ахборот технологиялари кафедраси мудири, доц. И. Жуковскаяга:

бир хафта муддатда:

– кафедрадаги иш юритиш ҳужжатларини расмийлаштириш сифатини ошириш;

– ёш ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратларини ошириш мақсадида кафедрадаги тажрибали профессор-ўқитувчиларга бириткириш;

– мутахассислик фанларига бўйича ўкув адабиётларини тайёрлашдаги сифатни ошириш;

– кадрлар буюртмачиларининг мутахассисларни тайёрлашдаги вазифаларини ишлаб чиқиш;

жорий йил 30 февралга қадар:

– меъёрий-хукуқий ҳужжатларнинг сифатли ижроларини таминлашга эришиш;

- таълим сифатини янада ошириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ўқув адабиётлари ва услубий қўлланмаларни тайёрлаш ҳамда чоп этишни жорий йил режасига кўра бажаришга эришиш;
- профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳиятини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгилаш;
- инновацион ҳамкорлик бўйича топшириқлар ижросини таъминлаш;
- ёшлар билан ишлаш бўйича механизмни янада такомиллаштириш;
- хўжалик шартномалари асосида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва пулли таълим хизмати кўрсатиш режалари бажарилишини таъминлаш;
- хориждаги нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- маънавий ва маърифий ишларни ташкил этиш самарадорлигини янада ошириш;

2019 йил 10 июлга қадар:

- ўқув-услубий ишларга доир меъёрий ҳужжатларнинг сифатли ижроларини таъминлаш;
- таълим бериш сифатини ошириш бўйича самарали тадбирларни амалга ошириш;
- кадрлар буюртмачиларининг мутахассисларни тайёрлашдаги вазифаларини белгиланган муддатларда сифатли бажариш;
- инновацион-корпоратив ҳамкорлик ва ҳаракатлар стратегияси бўйича ўқув-услубий ва илмий тадқиқот ишларини изчил давом эттириш;
- мутахассислик кафедраларида камида битта мавзуда давлат грантлари лойиҳалари асосида илмий тадқиқотлар олиб борилишига эришиш;
- илмий салоҳиятни қўтариш мақсадида докторлик диссертацияларининг белгиланган муддатларда ҳимоя қилинишига эришиш;
- профессор-ўқитувчиларнинг шахсий режаларида белгиланган хорижий ва республика журналларида илмий мақолаларни нашр этишга эришиш;
- хориждаги нуфузли олий таълим муассасалари билан ўқув ва илмий тадқиқот ишлари бўйича самарали ҳамкорликка эришиш;
- иқтидорли талабалар билан ишлаш самарадорлигини ошириш;
- маънавий-маърифий ва ёшлар билан ишлаш тадбирлари сифатли бажарилишини таъминлаш вазифалари юклансин.

3. Ушбу қарорлар ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

VII. Халқаро ҳамкорлик ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида

(А. Собиров)

Халқаро ҳамкорлик ишларини самарали ташкил этиш масаласи бўйича факультет декани доцент А. Собировнинг ахбороти тингланди.

2018 йилда университетда ташкил этилган “Ўзбекистон-Россия таълим форуми”, халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференция, республика миқёсидаги илмий-амалий конференция ҳамда вазирлик миқёсидаги илмий-амалий конференциялар ўтказилганлигини эслатиб ўтди. Ушбу ташкил этилган

конференциялардаги профессор-ўқитувчиларнинг иштироки бўйича ҳам сўз юритди. Факультетда импакт-факторга эга илмий журналларда чоп этилган мақолалар ва факультет кафедралари профессор-ўқитувчиларининг Халқаро ҳамкорлик қилишдаги иштироки бўйича ҳам маълумотларни келтириб ўтди.

Германия Федератив Таълим ва тадқиқотлар вазирлигининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган KlimALEZ илмий тадқиқотлар лойиҳаси, Жанубий Кореяning Кеймунг университетида амалга оширилган малака ошириш, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети қошидаги Москва иқтисодиёт мактабида амалга оширилган малака ошириш ишларида факультетнинг иштироки бўйича мисоллар келтирди ва бу кўрсаткич ҳозирги кунда жуда пастлигини инобатга олиб, кафедра профессор-ўқитувчиларининг халқаро ҳамкорлик ишларида иштирокини кучайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши таклиф этди ва кафедра мудирларига ушбу масалада таклифлар киритишларини сўради.

Эконометрика кафедраси мудири, проф. Д. Расулов; Иқтисодиётда ахборот технологиялари кафедраси мудири, доц. И. Жуковская; Олий математика кафедраси мудири, доц. А. Гулямов; Касб таълими (иқтисодиёт) кафедраси мудири, доц. Н. Лутфуллаевалар сўзга чиқиб, ушбу ишларни такомиллаштириш режаларини тузиб, таклифлар тайёрлашларини маълум қилдилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, факультет кенгаши қарор қиласи:

1. Факультет декани, доц. А. Собировнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Эконометрика кафедраси мудири, проф. Д. Расулов; Иқтисодиётда ахборот технологиялари кафедраси мудири, доц. И. Жуковская; Олий математика кафедраси мудири, доц. А. Гулямов; Касб таълими (иқтисодиёт) кафедраси мудири, доц. Н. Лутфуллаева; факультет декани муовини Д. Бегматовга:

бир ҳафта муддатда:

		5. Турли масалалар	Кафедра ўқитувчилари
10.	30.10.2018	1. Кафедрада ўтиладиган фанлардан курс ишларининг биректирилиши, услубий	Ўқув ишлари бўйича масъул

1	2	3	4
		таъминоти ва бажарилиши ҳолати тўғрисида 2. Кафедрада маънавий-маърифий ишларнинг олиб борилиши, талабалар уйи ва ижарада яшовчи талабаларнинг яшаш шароитларини ўрганиш ҳақида 3. БМИ ва МДларнинг янгиланган намунавий мавзуларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тўғрисида 4. Турли масалалар	Б. Султанов Маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул Г. Мадрахимова Доц. Д. Рўзиева Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
11.	06.11.2018	1. Университет ва факультет кенгашлари қарорлари ва уларнинг ижроси бўйича асосий вазифалар тўғрисида 2. Кафедрада олиб борилаётган инновацион ишлар ва унинг самарадорлигини ошириш ҳақида 3. Академик гурӯхларда дарсларнинг сифати таҳлили 3. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш ва бу борадаги долзарб вазифалар ҳақида 5. Турли масалалар	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов Инновацион-корпоратив ҳамкорлик бўйича масъул доц. А. Ядгаров Кафедра мудири, доц. И. Хотамов тақризчилар Кафедра асистенти Г. Хусанова Кафедра мудири доц. И. Хотамов
12.	13.11.2018	1. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ўтиладиган фанлар бўйича иккинчи оралиқ назоратга тайёргарлик кўриш тўғрисида 3. Кафедрада хўжалик шартномалари асосида илмий тадқиқот ишлари бажарилиши ва педагогик грантларда профессор-ўқитувчиларнинг иштироки тўғрисида 4. Иқтидорли талабалар билан ишлаш ва кафедра илмий тўғараги фаолиятини ривожлантириш тўғрисида 5. Турли масалалар	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов, асс. М. Олимов Кафедра катта ўқитувчилари М.С. Юсупов, Б. Султонов Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича масъуллар: доц. Я. Алиев ва катта ўқитувчи М. Юсупов Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
13.	20.11.2018	1. Кафедранинг илмий-услубий семинари 2. Турли масалалар	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов, режа асосида маъruzachi Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
	27.11.2018	1. Магистратурада ўқитиладиган фанлар бўйича ўкув адабиётларини яратиш ҳолати тўғрисида	Кафедра доценти А. Ядгаров

1	2	3	4
		2. Кафедрада ўтиладиган фанлардан курс ишларининг бажарилиши ҳолати тўғрисида	Фан маъruzачилари: доц. Т. Жўраев, доц. М. Исаков
		3. Кафедра профессор-ўқитувчиларининг меҳнат интизоми ва иш фаолиятини самарали ташкил этиш тўғрисида	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
		4. Турли масалалар	Кафедра профессор-ўқитувчилари
14.	04.12.2018	1. Университет ва факультет кенгашлари қарорлари ва уларнинг ижроси бўйича асосий вазифалар тўғрисида	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
		2. Битирувчи курс талабалари учун “Карьера куни” тадбирини ташкил қилиш ва бу борадаги асосий вазифалар тўғрисида	Карьера куни бўйича масъуллар: доц. А. Ядгаров, ассис.А. Исмаилов
		3. Кафедра ўқитувчиларининг ўзаро дарсларга кириши ва очик дарсларнинг ўтказилиши тўғрисида	Ўқув ишлари бўйича масъул Б. Султанов
		4. Бакалавр таълим йўналиши битирувчи курс талабарининг битирув олди малакавий амалиётини ташкил этишга тайёргарлик кўриш хақида	Амалиёт бўйича масъуллар: доцент Т. Жўраев, катта ўқитувчи Б. Султанов
		5. Турли масалалар	Кафедра профессор-ўқитувчилари
15.	11.12.2018	1. Конституциянинг 26 йиллигини муносаб кутиб олиш ва бу борадаги асосий вазифалар тўғрисида	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
		2. 4-курс талабаларига битирув малакавий ишлари мавзуси ва илмий раҳбарларни бириттириш тўғрисида	Битирувчи курс талабалари бўйича масъул доц. С. Қосимов, катта ўқитувчи М.С. Юсупов
		3. 1-курс магистратура мутахассислиги талабаларига магистрлик диссертация мавзуларини тақсимлаш тўғрисида	Илмий тадқиқот ишлари бўйича масъуллар: доц. М. Исаков, доцент А. Ядгаров
		4. Турли масалалар	Кафедра профессор-ўқитувчилари
16.	18.12.2018	1. Кафедранинг илмий-услубий семинари	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов, режа асосида маъruzachi
		2. Турли масалалар	Кафедра мудири,

1	2	3	4
			доц. И. Хотамов
17.	25.12.2018	1. Кафедра ўқитувчиларининг 2018 йилдаги илмий тадқиқот ишлари мониторинги тўғрисида	Илмий тадқиқот ишлари бўйича масъул, доц. М. Исаков
		2. Кафедра ўқитувчиларининг чет тиллари, ахборот ва педагогик технологиялардан малакаларини ошириш тўғрисида	Кафедра мудири И. Хотамов
		3. “Микроиктисодиёт”, “Инновацион иқтисодиёт” фанларидан тайёрланган масалалар тўплами муҳокамаси	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов, тақризчилар: доц. М. Исаков, доц. С. Қосимов, доц. Д. Рўзиева
		4. Турли масалалар	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
18.	08.01.2019	1. Университет кенгашининг қарорлари ва уларнинг ижроси бўйича асосий вазифалар тўғрисида	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
		2. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан 2019 йил учун режалаштирилаётган илмий ишлар режаси тўғрисида	Илмий тадқиқот ишлари бўйича масъул, доц. М. Исаков
		3. Ўзаро дарсларга кириш натижаларининг муҳокамаси тўғрисида	Ўқув ишлари бўйича масъул Б. Султанов
		4. Турли масалалар	Кафедра профессор-ўқитувчилари
19.	15.01.2019	1. Кафедрада ўтиладиган фанлар бўйича якуний назорат саволларини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш ҳақида	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов, кафедра ўқитувчилари
		2. Республика миқёсида ўтказилаётган илмий-амалий анжуманларда кафедра ўқитувчиларининг қатнашиши тўғрисида	Илмий тадқиқот ишлари бўйича масъул, доц. М. Исаков
		3. Очиқ дарсларга кириш натижаларининг муҳокамаси тўғрисида	Ўқув ишлари бўйича масъуллар: Б. Султанов, Ф. Юлдашев
		4. Турли масалалар	Кафедра профессор-ўқитувчилари
20.	22.01.2019	1. Кафедранинг илмий-услубий семинари	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов, режа асосида маърузачи
		2. 14 январь – “Ватан ҳимоячилари куни”га бағишлиланган тадбирлар ташкил қилиш тўғрисида	Маънавий маърифий ишлар бўйича масъул,

1	2	3	4
			ассистент Г. Мадрахимова
		3. Турли масалалар	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
21.	29.01.2019	1. Кафедра ўқитувчиларининг 2019 йилги илмий тадқиқот ишлари режасининг муҳо-камаси	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов, доц. М. Исаков
		2. Магистратура мутахассислиги учун тайёрланган “Корхонанинг ривожланиш стратегияси” фанидан ўқув қўлланма муҳокамаси (проф. Р. Назарова)	Тақризчилар: доц. И. Хотамов, доц. Д. Рўзиева, доц. М. Исаков
		3. Академик лицей ва касб-хунар коллеклари билан ишлаш ва бу борадаги долзарб вазифалар хақида	Кафедра ассистенти Г. Хусанова
		4. Турли масалалар	Кафедра профессор- ўқитувчилари
22.	05.02.2019	1. Фанлардан якуний назоратларнинг якуни ва академик қарздор талабалар билан ишлашни ташкил этиш тўғрисида	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов, ўқув ишлари бўйича масъул Б. Султанов
		2. Кафедра профессор-ўқитувчиларининг ма-лака ошириш ҳолати тўғрисида	Кафедра катта ўқитувчи М. Бауетдинов
		3. Очиқ дарсларга кириш натижаларининг муҳокамаси тўғрисида	Ўқув ишлари бўйича масъул Б. Султанов
		4. Турли масалалар	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
23.	12.02.2019	1. Университет кенгашининг қарорлари ва уларнинг ижроси бўйича асосий вазифалар тўғрисида	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
		2. Кафедра ўқитувчилари ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва ташкилий юкламаларининг ярим йиллик ҳисоботлари тўғрисида	Ўқув ишлари бўйича масъул Ғ. Юлдашев ва барча кафедра ўқитувчилари
		3. Битирувчи курс талабаларининг малакавий амалиётга жойлашиши ва бу борадаги вазифалар тўғрисида	Амалиёт бўйича масъуллар: доцент Т. Жўраев, доцент А. Ядгаров
		4. Ўзаро дарсларга кириш натижаларининг муҳокамаси тўғрисида	Ўқув ишлари бўйича масъул Ғ. Юлдашев ва барча кафедра ўқитувчилари
		5. Турли масалалар	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
24.	19.02.2019	1. Кафедрада маънавий-маърифий ишларнинг	Маънавий-

1	2	3	4
		олиб борилиши түғрисида	маърифий ишлар бўйича масъул, асистент Г. Мадрахимова
		2. 2018-2019 ўқув йили қишки семестри якунлари, рейтинг қайдномаларини ва гурух журнallарини расмийлаштириш ҳамда деканатларга топшириш түғрисида	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов, кафедра ўқитувчилари
		3. Турли масалалар	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
25.	26.02.2019	1. Кафедранинг илмий-услубий семинари	Кафедра мудири, И. Хотамов, режа асосида маърузачи
		2. Турли масалалар	Кафедра ўқитувчилари
26.	05.03.2019	1. Бакалавриат талабалари учун тайёрлагнан “Индустрисал иқтисодиёт” фанидан ўқув кўлланма муҳокамаси (доц. М. Исаков, доц. Д. Рўзиева)	Тақризчилар: проф. Б. Салимов, доц. Т. Жўраев
		2. Битирувчи курс талабаларининг малакавий амалиёти бориши ва бу борадаги муаммолар хақида	Амалиёт бўйича масъуллар: доцент Т. Жўраев, доцент А. Ядгаров, амалиёт раҳбарлари
		3. Кафедрада меҳнат ва ижро интизомини янада мустаҳкамлаш түғрисида	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
		4. Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан кафедрада фаолият юритаётган хотин-қизларни табриклаш түғрисида	Кафедра Касаба уюшмаси етакчиси М. Олимов
		5. Турли масалалар	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
27.	12.03.2019	1. Университет ва факультет кенгашлари қарорлари ва уларнинг ижроси бўйича асосий вазифалар түғрисида	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
		2. Магистратура мутахассислиги учун тайёрланган “Бизнесни тадқиқ этиш усуслари” фанидан ўқув кўлланма муҳокамаси (доц. И. Хотамов)	Тақризчилар: доц. А. Ядгаров, доц. Д. Рўзиева
		3. Иқтидорли талабалар билан олиб бориляётган ишлар түғрисида	Илмий тўгарак раҳбари, доц. Я. Алиев
		4. Талабаларнинг дарсларга қатнашиши ва дарс сифатини янада ошириш түғрисида	Ўқув ишлари бўйича масъул Б. Султанов
		5. Турли масалалар	Кафедра профессор-ўқитувчилари
28.	19.03.2019	1. Кафедранинг халқаро ҳамкорлик ишлари түғрисида	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
		2. Талабаларнинг фан олимпиадаларига	Илмий тўгарак

1	2	3	4
		тайёргарлик кўриши тўғрисида	раҳбари, доц. Я. Алиев
		3. Ўзаро дарсларга кириш натижаларининг муҳокамаси тўғрисида	Ўқув ишлари бўйича масъул Б. Султанов
		4. Турли масалалар	Кафедра профессор- ўқитувчилари
29.	26.03.2019	1. Кафедранинг илмий-услубий семинари	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов, режа асосида маърузачи
		2. Турли хил масалалар	Кафедра профессор- ўқитувчилари
30.	02.04.2019	1. Кафедра ўқитувчиларининг Scopus, Web of Science, Science Direct ҳамда импакт фактори юқори бўлган халқаро журнallарда илмий мақолалар чоп эттириш ҳолати тўғрисида	Илмий тадқиқот ишлари бўйича масъул доцент М. Исаков
		2. Иқтидорли талабаларни илмий анжуманларга тайёрлаш ҳақида	Илмий тўғарак раҳбари, доц. Я. Алиев, илмий раҳбарлар
		3. Турли масалалар	Кафедра профессор- ўқитувчилари
31.	09.04.2019	1. Университет ва факультет кенгашларининг қарорлари ва уларнинг ижроси бўйича асосий вазифалар тўғрисида	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
		2. Очик дарсларга кириш натижаларининг муҳокамаси тўғрисида	Ўқув ишлари бўйича масъул катта ўқит. Б. Султанов
		3. Турли масалалар	Кафедра профессор- ўқитувчилари
32.	16.04.2019	1. Бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган “Микроқтисодиёт” (рус тилида) фанидан ўқув қўлланма муҳокамаси (проф. Б. Салимов, доц. Ш. Мустафакулов, кат. ўқит. Б. Султанов)	Тақризчилар доц. Д. Рўзиева, доц. М. Исаков, доц. Э. Эргашев
		2. Битирувчи курс талабаларининг малакавий амалиёти якуни ва амалиёт ҳимоясини ташкил қилиш ҳақида	Амалиёт бўйича масъуллар доцент Т. Жўраев, доцент А. Ядгаров, амалиёт раҳбарлари
		3. Кафедрада меҳнат интизоми ва навбатчиликни ташкил этиш мониторинги тўғрисида	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов

1	2	3	4
		4. Турли масалалар	Кафедра профессор-ўқитувчилари
33.	23.04.2019	1. Кафедранинг илмий-услубий семинари 4. Турли хил масалалар	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов, режа асосида маъruzачи Кафедра профессор-ўқитувчилари
34.	30.04.2019	1. Магистратура мутахассислиги талабалари учун тайёрланган “Реал секторда сифатни бошқариш” фанидан ўкув қўлланма муҳокамаси (доц. А. Ядгаров) 2. Кафедра ўқитувчиларининг малака ошириш ҳолати ҳақида 3. Кафедрада иш юритиш хужжатларининг ҳолати ҳақида 4. Турли масалалар	Тақризчилар: доц. И. Хотамов, доц. Т. Акрамов Кафедра катта ўқитувчиси М. Бауетдинов Кабинет мудири Ф. Махмудова Кафедра профессор-ўқитувчилари
35.	07.05.2019	1. Бакалавриат босқичи битирувчи курс талабалари битирув малакавий ишларини тайёрлаш ҳолати ва сифатини ошириш тўғрисида 2. Кафедра ўқитувчиларининг ўкув-услубий, илмий, маънавий-маърифий иш фаолиятлари ҳақида 3. Очиқ дарсларга кириш натижаларининг муҳокамаси 4. Турли масалалар	Кафедра мудири, доц. И.Хотамов Масъул профессор-ўқитувчилар доц. М. Исаков, доц. А. Ядгаров, кат. ўқ. Б. Султанов Ўқув ишлари бўйича масъул, катта ўқит. Б. Султанов Кафедра профессор-ўқитувчилари
36.	14.05.2019	1. Университет ва факультет кенгашлари қарорлари ва уларнинг ижроси бўйича асосий вазифалар тўғрисида 2. Магистратура мутахассислиги бўйича диссертацияларнинг тайёргарлик ҳолати тўғрисида 3. Кафедра профессор-ўқитувчиларининг илмий-амалий анжуманларда иштироки ва илмий ишлар чоп этиш ҳолати тўғрисида 4. Бакалавриат таълим йўналиши талабалари	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов Кафедра мудири, доц. И. Хотамов, илмий раҳбарлар Илмий тадқиқот ишлари бўйича масъул доцент И. Исаков Тақризчилар доц.

1	2	3	4
		учун “Инновацион иқтисодиёт” фанидан тайёрланган масалалар тўплами муҳокамаси (доц. С. Қосимов, доц. Я. Алиев)	М. Исаков, доц. Д. Рўзиева
		5. Турли масалалар	Кафедра профессор-ўқитувчилари
37.	21.05.2019	1. БМИ ва магистрлик диссертацияларининг дастлабки ҳимояларини ташкил этиш тўғрисида	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
		2. Кафедра ўқитувчиларининг ўзаро дарсларга кириш режасининг бажарилиши ҳақида	Ўқув ишлари бўйича масъул Б. Султанов
		3. Иқтидорли талабалар илмий анжумани натижалари тўғрисида	Илмий тўғарак раҳбари Я. Алиев, ассис. А. Исмоилов
		4. Турли масалалар	Кафедра профессор-ўқитувчилари
38.	28.05.2019	1. Кафедранинг илмий-услубий семинари	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов, режа асосида маъruzachi
		2. Турли масалалар	Кафедра профессор-ўқитувчилари
39.	04.06.2019	1. БМИ ва магистрлик диссертацияларининг дастлабки ҳимоялари натижалари тўғрисида	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов, комиссия раиси
		2. Яқуний баҳолашни ўтказишга тайёргарлик ва «Ёзма иш» варианtlарини тайёрлаш тўғрисида	Ўқув ишлари бўйича масъул Б. Султанов
		3. Кафедрада ижро ва меҳнат интизоми ҳақида	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
		4. Турли масалалар	Кафедра профессор-ўқитувчилари
40.	11.06.2019	1. Университет ва факультет кенгашлари қарорлари ва уларнинг ижроси бўйича асосий вазифалар тўғрисида	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
		2. Битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларининг ҳимоясини ташкил этиш тўғрисида	ДАК котиблари
		3. Кафедра ўқитувчиларининг малака ошириш режаси бажарилиш ҳолати тўғрисида	Кафедра катта ўқитувчиси М. Бауетдинов
		4. Талабаларнинг яқуний назоратларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида	Ўқув ишлари бўйича масъул Б. Султанов
		5. Турли масалалар	Кафедра профессор-ўқитувчилари

1	2	3	4
41.	18.06.2019	1. Ёзги рейтинг якуний баҳолаш натижалари ва ўзлаштира олмаган талабалар билан ишлашни ташкил этиш түғрисида	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов
		2. 2018-2019 ўқув йилида ДАС ва ДАКларнинг фаолияти ҳақида	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов, ДАК котиблари
		3. Бакалавриат таълим йўналиши 1,2,3-курс талабаларининг малакавий амалиётини ташкил этиш түғрисида	Кафедра доценти А. Ядгаров
		4. Турли масалалар	Кафедра профессор- ўқитувчилари
42.	25.06.2019	1. Кафедранинг илмий-услубий семинари	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов, режа асосида маъruzачи
		2. Турли масалалар	Кафедра профессор- ўқитувчилари
43.	02.07.2019	1. Кафедранинг янги ўқув йили учун ишлар режаси ва тайёргарлик далолатномасини тузиш түғрисида	Кафедра мудири, доц. И.Хотамов
		2. Кафедра профессор-ўқитувчиларининг жорий ўқув йили юкламалари бўйича ҳисоботлари муҳокамаси түғрисида	Кафедра ўқитувчилари
		2. Кафедра ўқитувчиларининг 2019-2020 ўқув йили учун шахсий иш режаларини тасдиқлаш ва янги ўқув йилидаги асосий вазифалари түғрисида	Ўқув ишлари бўйича масъул Ғ. Юлдашев
		4. Турли масалалар	Кафедра мудири, доц. И. Хотамов

Ушбу режа Саноат иқтисодиёти кафедрасининг 2018 йил 5 июлдаги (45-сонли баённома) мажлисида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Киритилди:

**Саноат иқтисодиёти кафедраси
мудири**

(имзо)

И. Хотамов

Келишилди:

Иқтисодиёт факультети декани

(имзо)

А. Қобилов

13. КАФЕДРА МАЖЛИСИНИНГ НАМУНАВИЙ БАЁННОМАСИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР КАФЕДРАСИНИНГ
МАЖЛИС БАЁННОМАСИ

23.10.2018 йил

9-сонли

Тошкент шаҳри

Раислик

қиливчи:

Қатнашдилар:

Молия ва солиқлар кафедраси мудири,
доц. С. Худойқулов

Профессор: М. Алимардонов, А. Бурхонов,
Н. Кузиева. **Доцентлар:** Ч. Қулматов, Х. Курбонов,
Қ. Базаров, Х. Имомов, Д. Муталова. **Б. Саттаров,**
А. Нуруллаев, И. Эргашев. **Х. Худойқулов.** **Катта**
ўқитувчилар: О. Юсупов, Ш. Ражапов, О. Қаршиев,
Қ. Тўхсанов, З. Шомансурова, Д. Абдусаттарова,
Ф. Жуманиёзова, Ж. Хожиев. **Ассистентлар:**
Х. Сайфутдинов, А. Эшов, Ш. Исаева, Д. Мурадова,
Н. Аллаберганова, Н. Примова. **Докторантлар:**
Х. Эргашев, Б. Салимов, Ш. Баева.

Кун тартиби:

1. “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш хусусида (*С. Худойқулов*).

2. Тарабалар турар жойларида маънавий-маърифий тадбирларнинг амалга оширилиши ҳолати хусусида (*Ч. Қулматов*).

3. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилаётган дарс машғулотлари сифат даражаси таҳлили (*С.Худойқулов*).

4. Кафедра докторанти (PhD) Х. Эргашев ҳисоботи тўғрисида (*Х. Эргашев*).

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тўғрисида

(С. Худойқулов)

Кун тартибига киритилган мазкур масала юзасидан кафедра мудири С. Худойқуловнинг ахбороти тингланди. Таъкидландикни, мамлакат иқтисодиётини узоқ муддатли ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган шароитда самарали солиқقا тортиш тизими ва давлат солиқ хизмати органларининг уйғунлашган фаолиятини янада такомиллаштириш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан, “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг

қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда солик назоратининг эскирган услуб ва принципларига асосланган давлат солик хизмати органлари фаолиятини ташкил этиш мазкур органлар олдига қўйилган янги вазифаларни ҳал қилиш, жумладан, солик солинадиган базани кенгайтириш ва солиқлар йиғилувчанигининг оширилишини таъминлаш имконини бермаётганлиги, ўз ечимини топмаган сезиларли муаммоларнинг мавжудлиги ушбу ҳолатни янада оғирлаштираётганлиги таъкидланган.

Қарорда Ўзбекистон Республикаси солик маъмуриятчилиги тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим қуйидаги йўналишлари белгилаб берилди:

биринчидан, давлат солик хизмати органларини солик тўловчиларнинг бизнес-ҳамкори ва маслаҳатчиси сифатидаги янги имижини яратиш орқали хизмат кўрсатишга йўналтирилган идорага айлантириш, ҳар бир ходим томонидан «Солик хизмати – инсофли солик тўловчиларнинг ишончли ҳамкори» деган мақсадли вазифани сўzsиз бажариш;

иккинчидан, экстерриториаллик принципи асосида солик тўловчилар ўз солик мажбуриятларини ихтиёрий бажариши, бизнесни қонуний, шаффоф ва қулай юритиш учун мақбул шарт-шароитлар яратиш, солик тўловчиларнинг қониқиши даражаси ошишини таъминлаш;

учинчидан, солик маъмуриятчилиги ва назоратининг мутлақо янги тизимини яратиш, шунингдек, коррупциявий омилларга йўл қўймаслик бўйича превентив ва олдини олиш чораларини қўллаш;

тўртинчидан, солик тўловларининг ўз вақтида ва бир хилдаги тушумини таъминлаш, маъмурий тартиб-таомилларни максимал даражада камайтириш ва соддалаштириш, солик солинадиган базани кенгайтириш ва иқтисодиётда хуфиёна айланмаларни қисқартириш ҳисобига бюджетларнинг даромад қисмини барқарор шакллантириш;

бешинчидан, текширувдан олдинги таҳлил ва масофавий назорат-таҳлил ишларини амалга ошириш учун маълумотларни тўлиқ йиғиш ва қайта ишлашни таъминлайдиган замонавий, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чораларини янада кучайтириш;

олтинчидан, давлат солик хизмати органлари ходимларига корпоратив этикани сингдириш, давлат солик хизмати органларининг стратегик мақсад ва вазифаларига эришиш учун ўз хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш мотивацияси тизимини жорий этиш ва шу кабилар.

Шунингдек, ушбу қарор билан 2018 йил 1 октябрдан давлат солик хизмати органлари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ўтказилган хронометраж натижаларига кўра охирги ҳисобот даври учун товар (иш, хизмат)лар реализациясидан камайтириб қўрсатилган тушум ва ходимлар сони қайта ҳисоб-китоб қилинган солиқларни ҳисоблашни амалга ошириш ҳақида талабнома юборади, камайтириб қўрсатиш такроран аниқланганда, ушбу ҳаракатлар солик тўлашдан бўйин товлаш сифатида малакаланиши, учинчи шахслар томонидан солик тўловчи-жисмоний шахс учун тўланган солик суммаси солик тўловчининг солик солинадиган даромади ҳисобланмаслиги, давлат солик хизмати органлари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни

ҳисоблаш учун асос бўладиган кўздан кечириш далолатномасини тузиш орқали солик тўловчиларнинг паспортлаштирилишини юритилишилиги белгилаб қўйилди.

Мазкур масала юзасидан кафедра профессори Н. Кўзиева, доцент И. Эргашевлар сўзга чиқиб, мазкур қарорда, шунингдек, давлат солик хизмати органларида фаолият кўрсатувчи ходимларнинг фаолиятини рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилганлигини таъкидлаб, мазкур қарорнинг мазмuni, моҳиятини талабалар ва магистрантларга ҳам тўлалигича тушунтириш лозимлигини таъкидлашди.

Кун тартибига киритилган мазкур масала мухокамасидан келиб чиқиб, кафедра мажлиси

Қарор қилади:

1. Кафедра мудири доц. С. Худойқуловнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кафедранинг барча профессор-ўқитувчиларига:

бир хафта муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солик хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сонли қарорининг мазмуни билан тўлиқ танишиш, дарс машғулотларида мазкур меъёрий-хуқукий хужжатларнинг мазмуни билан талабаларни таништириш;

– тегишли фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуалар, маъруза матнларини ушбу қарорнинг мазмунидан келиб чиқиб янгилаш;

– дарс машғулотларида талабалар “Ишчи дафтарлари”нинг қайд қилиш қисмига ушбу қарорнинг мазмунини қисқача акс эттириш каби вазифалар юклатилсин.

3. Кафедра доценти Қ. Базаров ва профессор Н. Кўзиевага **ўн кун муддатда** нашр режасига мувофиқ таёrlанаётган “Солик маъмурчилиги”, “Солик сиёсати” каби ўқув қўлланмаларда мазкур қарорнинг мазмунини акс эттириш вазифалари юклансин.

4. Ушбу қарорлар ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

II. Талабалар турар жойларида маънавий-маърифий тадбирларнинг амалга оширилиши ҳолати тўғрисида

(Ч. Қулматов)

Кун тартибига киритилган мазкур масала бўйича кафедрада маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул шахс, доцент Ч. Қулматовнинг ахбороти тингланди. Таъкидландики, Молия ва солиқлар кафедраси томонидан 2018-2019 ўқув йилида университетнинг “Талабалар турар жойлари”да ижтимоий-иктисодий ва сиёсий, маънавий-маърифий ҳамда спорт соҳасига оид тадбирларни ўtkазиш графиги”га мувофиқ 2-сонли “Талабалар турар жойи”да “Маҳалла ободлиги – Ватан ободлиги” мавзусида давра сухбати ўтказилди. Давра сухбатига Республика “Маҳалла хайрия жамғармаси” мутахассиси Ш. Норматов, Чилонзор тумани “Катта олмазор” маҳалласи раиси А. Хакимов,

“Катта олмазор” маҳалласи Хотин-қизлар билан ишлаш масалалари бўйича ўринбосари Н. Зокировлар иштирок этишди.

Ўтказилган давра сухбати жараёнида Республика “Маҳалла хайрия жамғармаси” мутахассиси Ш. Норматов “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартағи ПФ-5386-сонли фармони билан амалга оширилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари халқимиз турмуш шароитини яхшилашда муҳим қадам бўлганлиги, ушбу дастурга мувофиқ жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳарида, авваламбор, олис ва табиий иқлим шароити оғир ҳудудларда 2018 йилда 2 тадан ва келгуси йилларда 3 тадан қишлоқ (маҳалла)да аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларни таъминлашгага, мазкур қишлоқ (маҳалла)ларнинг қиёфасини замонавийлаштиришга ва унда истиқомат қилувчилар учун иш ўринларини яратиш амалга оширилаётганлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Чилонзор тумани “Катта олмазор” маҳалласи раиси А. Хакимов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5467-сонли фармони билан тасдиқланган “Обод маҳалла” дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда Чилонзор тумани “Катта олмазор” маҳалласи Хотин-қизлар билан ишлаш масалалари бўйича ўринбосари Д. Камолова маҳаллада истиқомат қилувчи хотин-қизлар билан амалга оширилаётган ишлар, жумладан, оиласарда соғлом-муҳитни сақлаш, ёш оиласарга кўрсатилаётган ижтимоий-иктисодий ғамхўрлик, коллеж ва мактабни энди битирган ёш қизларни ишга жойлаштириш, бокувчисини йўқотган ёлғиз пенсионер ва ногиронларга давлат томонидан моддий ва маънавий ёрдамлар хусусида амалга оширилаётган ишлар бўйича сўз юритдилар.

Шундан сўнг “Молия ва солиқлар” кафедраси доценти Ч. Қулматов эса бугунги кунда маҳаллаларимиз ва қишлоқларни ободонлаштиришга давлат бюджети ва бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш жараёnlари ҳақида мулоҳазалар билдириди.

Давра сухбати давомида талабалар томонидан (1-курс талабаси Мирзабонов Суннатулло, Тошбоев Икром ва бошқа талабалар) маҳаллалар томонидан ёш оиласарга уй-жойлар ажратилиши, талабаларнинг бўш вақтларини жамоатчилик асосида қўшимча ишларга жалб қилиш имкониятлари ва бошқа шу каби бир қатор саволлар берилди.

Ушбу давра сухбати иштирокчилари саволларига Чилонзор тумани “Катта олмазор” маҳалласи раиси А. Умаров томонидан аниқ ва амалий ҳолатлар мисолида жавоблар берилди.

Давра сухбати якунида талабаларнинг аксарияти бу каби учрашувлар уларга қизиқарли бўлганлиги, улар ўзлари учун муҳим амалий маълумотлар олганлигини, бу каби тадбирларни тез-тез ташкил этиб туриш улар учун мақбул бўлишлигини эътироф этишди.

Кун тартибига киритилган мазкур масала муҳокамасидан келиб чиқиб, кафедра мажлиси

Қарор қилади:

1. Кафедрада маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул шахс, доцент Ч. Кулматовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кафедрада маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул шахс, доцент Ч. Кулматов ва барча профессор-ўқитувчиларига:

ўқув йили давомида:

– “Талабалар турар жойлари”да маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш режаси тўлиқ амалга оширилишига қатъий риоя қилинишини таъминлаш;

– келгусида талабалар турар жойларида турли хил тадбирларни амалга оширишда талаба ёшлар билан молия, солик ва суғурта соҳасининг етук мутахассислари иштирокида учрашувлар ташкил қилиш;

– хотин-қизларнинг жамиятимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлардаги фаоллигини оширишга қаратилган учрашувларни ташкил қилиш;

– Солик қўмитаси ва йирик ҳамкор корхоналарда фаолият олиб бораётган тажрибали мутахассислар иштирокида “Касб маънавияти” ва “Менинг мутахассислигим” шиори остида мулоқот ва учрашувлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш вазифалари юклансин.

3. Ушбу қарорлар ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

III. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилаётган дарс машғулотлари сифати даражаси таҳлили тўғрисида

(С. Худойқулов)

Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан кафедра мудири, доц. С. Худойқулов сўзга чиқиб, университет деканлар Кенгашининг навбатдаги йилиғилишида мухокама қилинган масалалар ва улар юзасидан қабул қилинган қарорлар бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари олдида турган вазифалар хусусида тўхталиб ўтди. Жумладан, 2018-2019 ўқув йилининг сентябрь-октябрь ойларида университет Сифат комиссияси эксперtlари томонидан кафедра профессор-ўқитувчиларининг дарс машғулотлари сифат таҳлилида аъло, яхши баҳоларга баҳолангандар ўқитувчилар билан биргаликда 1 нафар қониқарсиз ва 12 нафар қониқарли (уч) баҳога ўқитувчиларнинг дарс машғулоти баҳолангандар.

Хусусан, катта ўқитувчи Ш. Наимовнинг дарс машғулоти сифат комиссияси эксперtlари томонидан қониқарсиз баҳолангандар. Қониқарсиз деб баҳолангандар дарс машғулотларида асосий камчиликлар сифатида қўйидагилар: мавзуга оид долзарб масалаларнинг таҳлили келтирилмаганлиги, мавзунинг моҳияти талабалар томонидан ўртacha ўрганилганлиги, машғулотда педагогик технологиялар етарли даражада фойдаланилмаганлиги, мавзуга оид янги ўқув адабиётлари талабаларга етказилмаганлиги, баъзи машғулотларда ишчи дастурдаги мавзу ва тақвим режадаги мавзуларнинг бир-бирига мос келмаслиги, мавзуларнинг ишчи дафтардаги мавзулардан четлатилганлиги ва шу каби камчиликларга йўл қўйилган. Ушбу ўқитувчининг дарс машғулотлари бугунги кунда олий таълим тизимининг олдига ҳукуматимиз томонидан қўйилаётган вазифаларнинг ижросини таъминлашга етарли эмас, дарсларнинг

сифат даражасини ошириш, бу бўйича аниқ чоралар белгиланиши зарурлиги таъкидланиб ўтилди.

Кафедра профессорлари М. Алимарданов, А. Бурхонов, Н. Қўзиевлар сўзга чиқиб, дарс машғулотлари қониқарсиз ва қониқарли деб баҳоланган ўқитувчилар бундан кейин дарсларнинг сифатини ошириш бўйича қайси жиҳатларга қаратилиши лозимлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдириб ўтишди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар ва таклифларни инобатга олган ҳолда кафедра мажлиси

Қарор қилади:

1. Кафедра мудири, доц. С. Худойқуловнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кафедра катта ўқитувчиси Ш. Наимовнинг дарс машғулоти қониқарсиз деб топилганлиги учун меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ахборот учун қабул қилинсин.

3. Кафедра ассистентлари: Ш. Исаева, Д. Баротова, А. Эшов, Х. Сайфутдинов, Д. Муродова, Н. Примова ва Н. Аллабергановага;

ўқув йили давомида:

– дарс машғулотларининг сифат даражасини оширишга эришиш;

– кафедра профессорлари: М. Алимарданов, А. Бурхонов, Н. Қўзиевларнинг дарс машғулотларини кузатиш орқали педагогик маҳоратларини ошириб бориши вазифалари юклансин.

4. Ушбу қарорлар ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

IV. Кафедра докторанти (PhD) X. Эргашев ҳисоботи тўғрисида.

(Х. Эргашев)

Кун тартибига киритилган мазкур масала юзасидан кафедра докторанти X. Эргашевнинг иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун докторлик диссертация ишларини тайёрлаш юзасидан ахбороти тингланди.

Х. Эргашев 2018 йил учун тасдиқланган шахсий режасига мувофиқ қўйидаги ишларни амалга оширганлигини таъкидлади:

2018 йилда докторлик диссертация ишининг кириш қисми ва 1-боби тугалланди;

республика илмий-амалий журналларида 2 та илмий мақола ва 3 та илмий тезис чоп этилди.

Шундан сўнг X. Эргашевнинг илмий раҳбари А. Бурхонов сўзга чиқиб, X. Эргашев билан биргаликда “Назарий методология дастури” асосида мавзуга оид фанлар доирасида бир қатор фанлар, жумладан; “Суғурта иши”, “Эконометрика”, “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти”, “Инвестицияларни бошқариш” фанлари бўйича мавзулар ўрганилганлиги ҳамда диссертациянинг иккинчи боби бўйича расмий ва амалий материаллар тўпланиб, уларни таҳлил қилиш мақсадида гурухлаш ишлари амалга оширилаётганлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, кафедра профессорлари М.Алимардонов ва Н. Қўзиевалар сўзга чиқиб, Х. Эргашевнинг докторлик диссертация иши бўйича асосий натижалари қониқарли деб баҳолашди ва унга илмий жараёнлар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Кун тартибига киритилган масала муҳокамаси юзасидан келиб чиқиб, кафедра мажлиси

Қарор қиласи:

1. Кафедра докторанти Х. Эргашевнинг 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун “Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини суғурталаш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертация ишини бажариш ҳолати “қониқарли” деб ҳисоблансин.

2. Кафедра докторанти Х. Эргашевга:

2019 йил 25 декабргача:

- докторлик диссертация ишини тайёрлаш бўйича ишлаб чиқилган шахсий иш режасида белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариб бориш;
 - диссертация ишининг иккинчи бобини ёзиб тугаллаш;
 - “Чет тили” (инглиз тили) фанидан малакавий имтихонни муваффақиятли топшириш;
 - Импакт фактори юқори бўлган хорижий журналларнинг бирида камида битта мақола чоп этиш;
 - илмий раҳбар билан биргаликда “Назарий методология дастури”да белгиланган топширикларни тўлиқ бажариш каби вазифалар юклансин.
3. Кафедра профессори А. Бурхоновга **жорий йил давомида** Х. Эргашевнинг докторлик диссертация ишини ўз вақтида тайёрлаши учун илмий жиҳатдан кўмаклашиш вазифаси юклансин.
4. Ушбу қарорлар ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдирман.

Мажлис раиси

С. Худойқулов

Мажлис котиби

А. Худойбердиева

**14. КАФЕДРА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚУВ
ЮКЛАМАСИ, ЎҚУВ-УСЛУБИЙ, ИЛМИЙ ТАҶИҚОТ ВА
“УСТОЗ-ШОГИРД” ИШЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ҚОИДАЛАРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРИНИНГ БҮЙРУГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ТАРКИБИНИНГ
ЎҚУВ ЮКЛАМАСИ ҲАМДА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ, ИЛМИЙ ТАҶИҚОТ ВА «УСТОЗ-
ШОГИРД» ИШЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами – 3076]**

Ўзбекистон Республикаси «[Таълим тўғрисида](#)»ги ва «[Кадрлар тайёрлаш милий дастури тўғрисида](#)»ги қонунларига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги [фармони](#), 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «[Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида](#)»ги ва 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «[Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида](#)»ги қарорларига мувофиқ, шунингдек, профессор-ўқитувчилар таркибининг шахсий иш режасини тартибга солиш ва тизимлаштириш мақсадида буюраман:

1. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларини белгилаш қоидалари [иловага](#) мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2015 йил 9 сентябрдаги 5-2015-сонли «Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар юкламасини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги [бўйруғи](#) (рўйхат рақами – 2720, 2015 йил 19 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 42-сон, 540-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

3. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш., 2018 йил 10 сентябрь,
20-2018-сон

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2018 йил
10 сентябрдаги 20-2018-сонли бўйруғига
ИЛОВА

**Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув
юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва «Устоз-шогирд»
ишларини белгилаш
ҚОИДАЛАРИ**

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги
қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги
ПҚ-3775-сонли «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва
уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол
иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги
қарорига мувофиқ олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар
таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва «устоз-
шогирд» ишларини белгилаш қоидаларини белгилайди.

Мазкур Қоидалар Тошкент давлат юридик университети, ҳарбий олий
таълим муассасалари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини
юритаётган халқаро ва хорижий олий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ
этилмайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари таркиби (бундан
буён матнда профессор-ўқитувчилар деб юритилади) меҳнатини
меъёрлаштириш ҳар ўқув йили учун профессор-ўқитувчилар ва кафедра
мудири томонидан тузиладиган ҳамда проректорлар билан келишилган ҳолда
ўқув ишлари бўйича проректор (факультет декани) томонидан тасдиқланадиган
ўқув йили бўйича шахсий иш режаларига асосланади.

2. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режаси
таркибига ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва «устоз-
шогирд» ишларининг турлари киритилади. Иш турлари профессор-
ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режаларида тўлиқ ва аниқ акс
эттирилиши керак. Жорий ўқув йили якунида фақат мазкур ўқув йили давомида
амалга оширилган ишлар ҳисобга олинади.

Ўқув йили давомида бажарилган қўшимча иш турлари профессор-
ўқитувчиларнинг йиллик шахсий иш режаларига киритиб борилиши мумкин.

3. Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаси таркибига
киритиладиган ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва «устоз-
шогирд» ишлари:

тўлиқ штатда фаолият қўрсатаётган профессор-ўқитувчилар учун
профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари
асосида;

тўлиқ штатда бўлмаган ва ўриндош сифатида фаолият қўрсатаётган
профессор-ўқитувчилар учун уларнинг ставкаларига мувофиқ тарзда

профессор-ўқитувчиларнинг лавозимлариға қўйилган малака талабари асосида;

шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлашнинг соатбай шартлари асосида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламаси ушбу Қоидаларга мувофиқ шакллантирилади.

4. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режасининг бажарилиши мунтазам равишда кафедра мудири, ҳар семестр якунида факультет декани, декан ўринbosарлари, факультет тузилмаси бўлмаган олий таълим муассасаларида ўқув бўлими (ўқув-услубий бошқарма) ва тегишли йўналишлар бўйича проректорлар томонидан назорат қилиб борилади.

2-боб. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламасини ҳисоблаш

5. Профессор-ўқитувчиларнинг (маданият ва санъат йўналишлари ўқув машғулотларида иштирок этадиган концертмейстерларнинг) ўқув йили бўйича шахсий иш режасига киритилган, унинг асосий қисми бўлган ўқув юкламасининг соатлардаги ҳажми мазкур Қоидаларнинг **1-иловасида** назарда тутилган Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкламаси ҳажмини ҳисоблашнинг вақт меъёрларида белгиланган иш турларидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимлариға қўйилган малака талаблари асосида ҳисобланади.

Профессор-ўқитувчиларнинг эгаллаб турган лавозимлари бўйича ўқув юкламаси ҳажми факультет декани (кафедра мудири)нинг таклифига мувофиқ олий таълим муассасасининг Кенгаши томонидан тасдиқланади.

6. Ўқув юкламаси бўйича ҳисобланган соатлар ҳажми олий таълим муассасасининг штат бирликлари сонини ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошларини белгилаш учун асос бўлмайди.

Штат бирликлари профессор-ўқитувчиларнинг талabalар сонига нисбати бўйича, ойлик маоши эса харожатлар сметаси бўйича тегишли меъёрий-хуқуқий хужжатлар асосида белгиланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-сонли қарори билан тасдиқланган Ижодий таътиллар бериш **тартиби** ҳамда бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда назарда тутилган меъёрларга мувофиқ олиб борилаётган илмий-методик ва илмий тадқиқот ишларини рағбатлантириш мақсадида профессор-ўқитувчиларнинг ўқув ишлари юкламаси ҳажми кафедра йиғилишининг таклифига асосан олий таълим муассасаси кенгашининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин. Бунда профессор-ўқитувчиларнинг тегишли ўқув юкламасининг муайян қисми кафедранинг бошқа профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкламасига қўшимча равишида тақсимланади.

8. Маъруза машғулотлари илмий унвон ва илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказилади. Зарур ҳолларда (маъруза машғулотлари ҳажми кўп бўлганда ёки профессор, доцент ва катта ўқитувчилар етарли бўлмагандан) олий таълим муассасаси Кенгашининг қарорига асосан камида 3 йиллик илмий-педагогик иш стажига эга бўлган, бироқ илмий унвон

ва илмий даражаси бўлмаган ўқитувчиларга бир ўқув йилида 250 соатгача ҳажмда маъруза машғулотларини ўтишга рухсат берилади.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув (маъруза, амалий (якка), семинар ва лаборатория) соатлари ҳажми 400 соатдан кам бўлмаслиги тавсия этилади. Кафедрага соҳанинг етакчи мутахассислари (академиклар ва профессорлар) жалб этилганда, ушбу ўқув соатлари ҳажмига олий таълим муассасаси Кенгаши қарорига мувофиқ ўзгартириш киритиш мумкин.

3-боб. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларини белгилаш

9. Профессор-ўқитувчилар фаолиятининг ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишлари бўйича соатлар ҳажми ҳисобланмайдиган иш турлари мазкур Қоидаларнинг **2-иловасида** назарда тутилган Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишлари турларидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида белгиланади.

10. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишлари ҳажми мазкур иш турларини бажариш заруратидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида факультет декани (кафедра мудири)нинг таклифига мувофиқ олий таълим муассасаси Кенгаши томонидан тасдиқланади.

11. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик, ижодий маҳоратини узлуксиз ошириб бориш, талабаларда чуқур назарий билим, амалий ва касбий қўникмаларни шакллантириш, илм-фанга бўлган қизиқишини уйғотиш, уларга миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш, ҳар томонлама етук мутахассис тайёрлашни назарда тутган ҳолда кафедра мудири ўқитишни илғор педагогик ва компьютер технологиялари, янги авлод ўқув адабиётлари асосида ташкил этиш ҳамда ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишлар бўйича аниқ топшириқларни белгилайди.

4-боб. Якуний қоида

12. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Давлат солиқ қўмитаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва Навоий кон-металлургия комбинати Давлат корхонаси билан келишилган.

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларини белгилаш қоидалари
1-илова

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкламаси ҳажмини ҳисоблашнинг вақт меъёrlари

Т/р	Иш турлари	Иш турлари учун ажратилган вақт меъёри	Иш турларининг бажарилганлиги-ни аниқлаш
			1
1.	Ўқув (маъruzа, амалий, семинар, якка ва лаборатория) машғулотларини ўтказиш	Бир академик соат учун – 1 соат	Ўқув машғулотлари ўқув режага мувофиқ бир академик соатдан (45 минут) ёки танаффусиз икки академик соатдан (80 минут) ўтказилади. Бунда: амалий ва семинар машғулотлари талабалар сони, одатда, 25 нафаргача талаба бўлган академик груухларда; маъруза машғулотлари, одатда, 100 нафардан ошмаган бирлашган академик груухларда (поток), тиббиёт олий таълим муассасаларида клиник кафедраларда циклга келган груухларда (поток); лаборатория машғулотлари ва чет (рус) тилини ўқитиш, чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанидан амалий машғулотлар, тиббиёт олий таълим муассасаларида тиббий-биологик, клиникагача бўлган ва гигиеник фанлар (тиббиёт олий таълим муассасалари учун) ўқитиш, нофилологик йўналишларда фанни чет тилида ўқитиш, одатда, 12-5 нафаргача талаба бўлган кичик груухларда; маданият, санъат ва спорт йўналишларида якка тартибдаги машғулотлар, одатда, 1-10 нафаргача, ансамбль машғулотларида 2-12 нафаргача талаба бўлган кичик груухларда; тиббиёт олий таълим муассасаларида клиник фанларни ўқитиш, одатда, 5-10 нафаргача талаба бўлган кичик груухларда ўтказилади. Ўқув машғулотларининг ўтказилганлиги груух журналида қайд этилади. Тиббиёт олий таълим муассасалари учун ўқув машғулотларининг ўтказилганлиги ўқув журналида қайд этилади

1	2	3	4
2.	Якуний давлат аттестацияси белгиланган фанлардан умумлашган маърузалар ва маслаҳатлар ўтказиш	Битта фанга (битта поток учун) – 6 соат	Умумлашган маърузалар ва маслаҳатларнинг ўтказилиши Якуний давлат аттестациясини ўтказиш жадвалида қайд этилади
3.	Курс ишлари ва курс лойиҳаларига раҳбарлик қилиш, улар бўйича маслаҳатлар бериш.	Бир курс иши учун – 2 соат; бир курс лойиҳаси учун – 3 соат	Бир профессор-ўқитувчи бир семестр давомида, одатда, 50 нафаргача талабага (кўпи билан 1-2 та академ гурӯҳ талабаларига) курс иши (ложиҳаси) бериши мумкин. Тиббиёт олий таълим муассасалари учун ўкув режада кўрсатилган фанлар бўйича ўтказилади
4.	Курс иши (курс лойиҳаси) химоясини ўтказиш	Бир курс иши химояси учун – 0,4 соат; бир курс лойиҳаси химояси учун – 0,6 соат. Бунда профессор-ўқитувчининг бир кунлик иш соати ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим	Курс иши (ложиҳаси) химоясида камида 2 нафар профессор-ўқитувчи иштирок этади. Жами соатлар химояда иштирок этган профессор-ўқитувчилар сонига бўлинади ва улар ўртасида тенг тақсимланади. Профессор-ўқитувчининг курс иши (ложиҳаси) химоясини ўтказишда иштирок этиши тегишли қайдномаларда акс эттирилади
5.	Якуний давлат аттестацияси ни ўтказиш	Ёзма иш шаклида бир академ гурӯҳ учун – 3 соат; оғзаки шаклда битта талаба учун – 0,2 соат, ижодий ишларда битта талаба учун – 0,3 соат; ёзма иш (ижодий иш)ни текшириш учун ҳар бир ишга – 0,2 соат; тест шаклида битта академ гурӯҳ учун – 1 соат. Тиббиёт олий таълим муассасаларида клиникагача бўлган интеграллашган имтиҳон	Бир академ гурӯҳ (поток)да ёзма иш ўтказиш жараёнда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзоси (кузатувчи профессор-ўқитувчи)га 3 соатдан берилади. Оғзаки шаклда ўтказилган Якуний давлат аттестацияси синовлари жами соати унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади. Ёзма иш шаклида ўтказилган Якуний давлат аттестацияси синовларининг жами соати ёзма ишни текширишда иштирок этган комиссия аъзолари умумий сонига бўлинади ҳамда комиссия аъзоларига тенг тақсимланади. Тест шаклида ўтказилган якуний давлат аттестацияси синовлари жами соати унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади. Тиббиёт олий таълим муассасаларида клиникагача бўлган интеграллашган имтиҳон ва bemorda ўтказилган клиник

1	2	3	4
		<p>ва беморда ўтказилган клиник имтиҳон бўйича бир нафар талаба учун – 0,5 соат (интеграллашган аттестация учун).</p> <p>Якуний давлат аттестация комиссияси раисига комиссиянинг битта аъзоси учун бериладиган жами соатга қўшимча равишда 20 % кўшилади.</p> <p>Комиссия аъзоларига бериладиган бир кунлик ўқув юкламаси ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим</p>	<p>имтиҳонда жами соатлар имтиҳон олишда иштирок этганлар орасида тенг тақсимланади.</p> <p>Якуний давлат аттестациясида иштирок этиш тегишли буйруқ ва қайдномаларда акс эттирилади.</p> <p>Якуний давлат аттестацияси комиссияси таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзолари (кузатувчи профессор-ўқитувчига)га комиссия ўз ишини тутатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади.</p> <p>Бунда ушбу соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди</p>
6.	Намунавий ўқув дастурларида кўзда тутилган назорат, хисоблаш ва ҳисоб-график ишларини текшириш, маслаҳатлар бериш, тақриз ёзиш ва қабул қилиш. Тиббиёт олий таълим муассасаларида клиник фанларни ўқитишида ишчи ўқув дастурларида кўзда тутилган касаллик тарихлари ва	<p>Битта топшириқ учун – 0,3 соат, бироқ битта фанга кўпи билан – 1 соат.</p> <p>Битта касаллик тарихи ва экспертиза баённомаси учун – 0,5 соат</p>	<p>Бир профессор-ўқитувчига кафедра қарорига асосан кўпи билан 3 тагача академик гурух талabalari бириктирилади.</p> <p>Тиббиёт олий таълим муассасаларида касаллик тарихи тегишли кафедрада бир йил давомида сакланади.</p> <p>Мазкур ишларнинг бажарилиши талабаларни баҳолаш журнallарида акс эттирилади</p>

1	2	3	4
	экспертиза баённомаларини текшириш, маслаҳатлар бериш ва қабул қилиш		
7.	Оралиқ ва якуний баҳолашларни ўтказиш, шунингдек, талабанинг қолдирган (ўзлаштирилмаган) дарсларини қайта топширишини қабул қилиш	<p>Фан бўйича оралиқ баҳолашларда жами хар бир талаба учун – 0,2 соат; якуний баҳолашда хар бир талаба учун – 0,3 соат.</p> <p>Қолдирилган (ўзлаштирилмаган) дарсларни қайта топширишни қабул қилишда хар бир талаба учун – 0,3 соат. Бунда бир ўкув семестри давомида бир профессор-ўқитувчига кўпи билан 20 соат берилади.</p>	<p>Семестр давомида битта фандан кўпи билан 2 тагача оралиқ баҳолаш ўтказилади. Бунда модуль тизимида ўқитилмаётган ва ҳажми (умумий аудитория соати) семестр давомида хафтасига тўлиқ 2 академик соатдан (тиббиёт олий таълим муассасаларида 4 академик соатдан) кам бўлган фанлардан оралиқ баҳолаш ўтказилмайди.</p> <p>Оралиқ ва якуний баҳолашлар ўтказилиши тегишли жадвалларда акс эттирилади.</p> <p>Ёзма ишлар натижалари эълон қилингандан сўнг 6 ой давомида сақланади.</p> <p>Баҳолашлар жадвали (графики) семестр бошланган мuddатда талабаларга профессор-ўқитувчи томонидан эълон қилинади.</p> <p>Дарсларни қайта топшириш тегишли журнал ёки қайдномаларда акс эттирилади</p>
8.	Бакалавриат таълим йўналиши талabalari амалиётига раҳбарлик қилиш, уларнинг хисоботларини текшириш ва баҳолаш	<p>Малакавий амалиёт ўтаётган хар бир талаба учун бир иш кунига – 0,5 соат.</p> <p>Бунда:</p> <p>ўкув амалиётига раҳбарлик қилиш 1 академ гурух учун бир иш кунига – 6 соат;</p> <p>ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётга раҳбарлик қилиш: агар ишлаб чиқариш ва педагогик амалиёт ўталаётган ташкилот олий таълим муассасаси жойлашган худуд доирасида бўлса, бир иш кунига 1 академ гурух учун – 3 соат; агар ишлаб чиқариш ва педагогик амалиёт</p>	<p>Мазкур иш тури бўйича профессор-ўқитувчининг соатлари ҳажми ўкув ишлари юкламасининг 20 %идан ошмаслиги лозим.</p> <p>Мазкур ишларнинг бажарилганлиги амалиёт ўташ бўйича олий таълим муассасаси буйруғи, талабанинг амалиёт кундалиги ва амалиёт учун баҳо қўйилган тегишли қайдномалар асосида аниқланади</p>

1	2	3	4
		ўталаётган ташкилот олий таълим муассасаси жойлашган худуд доирасида бўлмаса, амалиётга раҳбарлик қилиш бир иш кунига – 6 соат. Индивидуал ҳолда ўтказиладиган амалиётларда бутун амалиёт даврига бир талаба учун – 2 соат.	
9.	Бакалавриат таълим йўналиши талабалари-нинг битирув малакавий ишига (диплом лойиҳаси, диплом иши) раҳбарлик қилиш, хulosалар ёзиш	Бир ўқув йилига ҳар бир талаба учун – 25 соат, техник йўналишларда ҳар бир талаба учун – 30 соат	Бир ўқув йилида битта профессор-ўқитувчига 7 нафаргача талаба бириклиради. Профессор-ўқитувчининг битирув малакавий ишига (диплом лойиҳаси, диплом иши) раҳбарлик қилганлиги, хulosалар ёзганлиги олий таълим муассасаси буйруғи, ёзилган хulosса ва ишнинг ҳимояга тақдим этилганлиги асосида аниқланади
10.	Талабалар-нинг битирув малакавий иши (диплом лойиҳаси, диплом иши, магистрлик диссертацияси) ҳимояси бўйича Якуний давлат аттестацияси комиссиясида иштирок этиш	Бир битирув малакавий иши (диплом лойиҳаси, диплом иши) учун – 0,4 соат; бир магистрлик диссертацияси учун – 0,8 соат. Профессор-ўқитувчига бериладиган бир кунлик ўқув ишлари юкламаси ҳажми, одатда, 8 соатдан ошмаслиги лозим	Аъзоларнинг Якуний давлат аттестацияси комиссиясидаги иштироки олий таълим муассасаси буйруғи ҳамда ҳимоя натижалари тўғрисидаги қайдномалар асосида аниқланади. Жами соат Якуний давлат аттестацияси комиссиясида иштирок этган ҳар бир аъзога берилади. Бир ЯДАК йиғилишида 4 тагача магистрлик диссертацияси, 8 тагача БМИ ҳимоясига рухсат берилади. Якуний давлат аттестацияси комиссияси таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзоларига комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади. Соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди
11.	Магистратура талабалари-	Бир ўқув йилига битта талаба учун – 50 соат. Бир ўқув	Профессор ёки фан доктори 5 нафаргача, доцент, фан номзоди ва мутахассис 3 нафаргача талабанинг илмий-педагогик

1	2	3	4
	нинг илмий педагогик фаолияти ва амалиётига раҳбарлик қилиш. Тиббиёт олий таълим муассасалари учун клиник ординаторларнинг ўқув ва клиник амалиётига раҳбарлик қилиш	йилига битта клиник ординатор учун – 50 соат	<p>фаолияти ва амалиётига раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Профессор, фан доктори, доцент, фан номзоди ва мутахассис 4 нафаргача клиник ординаторнинг ўқув ва клиник амалиётига раҳбарликни амалга ошириши мумкин.</p> <p>Талабанинг илмий-педагогик фаолиятига раҳбарлик қилганлик талабанинг календарь иш режасидаги топширикларни бажариши билан аниқланади. Амалиётга раҳбарлик қилганлик олий таълим муассасасининг амалиёт ўташ бўйича буйруғи, талабанинг амалиёт кундалиги ва амалиёт учун баҳо қўйилган тегишли қайдномалар асосида аниқланади</p>
12.	Магистратура талабаси-нинг магистрлик диссертацияси ва илмий-тадқиқот ишига раҳбарлик (илмий маслаҳатчилик) қилиш	Бир ўқув йилига битта талаба учун – 50 соат	<p>Профессор ёки фан доктори 5 нафаргача, доцент, фан номзоди ва мутахассис 3 нафаргача талабанинг магистрлик диссертацияси ва стажировкасига (илмий маслаҳатчилик) раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Мазкур иш турининг бажарилганлиги олий таълим муассасаси буйруғи, талабанинг календарь иш режаси ва магистрлик диссертациясининг ҳимояга тақдим этилгани асосида аниқланади</p>
13.	Бакалавриат таълим йўналишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонларни, шунингдек, магистратура ва клиник ординатура мутахассисликлари қабули жараёнida кириш синовларини	<p>Ёзма иш шаклида ўтказилганда бир абитуриентлар гурухи (поток) учун – 3 соат;</p> <p>оғзаки шаклда ўтказилганда, битта абитуриент учун – 0,3 соат;</p> <p>тест шаклида ўтказилганда, бир абитуриентлар гурухи (поток) учун – 1 соат;</p> <p>хар бир ёзма иш (ижодий иш)ни текшириш учун – 0,3 соат.</p> <p>Профессор-</p>	<p>Бир абитуриентлар гурухи (поток)да ёзма ишни ўтказиш жараёнда иштирок этган ҳар бир профессор-ўқитувчига 3 соатдан берилади.</p> <p>Ёзма иш шаклида ўтказилган имтиҳон ва синовларнинг жами соати ёзма ишни текширишда иштирок этган комиссия аъзолари сонига тенг бўлинади ҳамда улар ўртасида тенг тақсимланади.</p> <p>Оғзаки (тест) шаклида ўтказилган имтиҳон ва синовларнинг жами соати унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади.</p> <p>Қабул имтиҳонлари ва синовларида иштирок этганлик олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи ва тегишли қайдномалар асосида аниқланади.</p> <p>Комиссия аъзолари таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда,</p>

1	2	3	4
	ўтказиш комиссиясида, таянч докторант (PhD), докторант ва мустақил изланувчилар танлови комиссиясида ҳамда малака имтихонида иштирок этиш	ўқитувчига бериладиган бир кунлик ўкув ишлари юкламаси ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим	комиссия аъзоларига комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай ҳақ тўланади. Соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди
14.	Олий таълим муассасасидаги докторант ва мустақил изланувчига илмий маслаҳатчилик қилиш	Бир нафар докторант учун бир ўкув йилида – 100 соат; бир нафар мустақил изланувчи учун бир ўкув йилида – 50 соат	Фан доктори, профессор ва фан номзоди, доцент ўзи ишлаётган олий таълим муассасасида 3 нафаргача докторант ва мустақил изланувчига илмий маслаҳатчилик қилиши мумкин. Илмий маслаҳатчи бўлганлик олий таълим муассасасининг тегишли буйруғи, докторант ва мустақил изланувчининг якка тартибдаги иш режаси бажарилиши асосида аниқланади
15.	Очиқ, муаммоли, интеграциялашган маъruzalар ва мастер-классларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш	Бир академик соат очиқ лекция ва мастер-класс учун – 5 соат; очиқ, муаммоли, интеграциялашган маъруза учун бир ўкув йилида кўпи билан – 30 соат. Мастер-класс: олий таълим муассасаси миқёсида ўтказилганда, бир ўкув йилида кўпи билан – 30 соат; республика миқёсида ўтказилганда, бир ўкув йилида кўпи билан – 40 соат; халқаро миқёсда ўтказилганда, бир ўкув йилида кўпи билан – 60 соат	Олий таълим муассасаларида ўтказилган очиқ, муаммоли, интеграциялашган маъруза ва мастер-класслар тегишли режалар ва уларнинг ўтказилганлигини тасдиқловчи хужжатлар асосида аниқланади
16.	Қайта тайёрлаш ва	қайта тайёрлаш ва малака ошириш	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиганлигини тасдиқловчи

1	2	3	4
	малака ошириш курсларида ўқиши	курсларида ўқиганлик учун – хафтасига 36 соатдан	хужжат асосида аниқланади
17.	Сиртқи бўлим талабалари-нинг назорат ишларига тақриз ёзиш	1 назорат ишига – 0,75 соат; назорат иши бўйича сұхбатга – 0,25 соат, бир фанга бир семестрга – 1,5 соат;	Назорат ишлари (графики) семестр бошланган муддатда талабаларга профессор-ўқитувчи томонидан эълон қилинади

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларини белгилаш қоидалари
2-илова

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларининг турлари

Т/р	Иш турлари	Иш турларини амалга ошириш механизми (профессор-ўқитувчининг шахсий иш режасида қайд этиладиган тадбирлар)	Иш турларининг бажарилғанлыгини аниқлаш	
		1	2	3
I. Ўқув-услубий ишлар				
1.	Янги маъруза матнлари, машқ (масалалар) тўплами, лаборатория, ижодий ишлари бўйича услубий кўлланмаларни ишлаб чиқиш, ёзиш ва нашр этиш	Янги маъруза матнлари, машқ (масалалар) тўплами, лаборатория, ижодий ишлар бўйича услубий кўлланмалар яратиш	Олий таълим муассасаси (факультет) Ўқув-услубий (илмий) кенгаши қарори билан нашр этишга тавсия этилган ишламалар асосида аниқланади	
2.	Тарқатма ўқув материаллари, электрон ўқув дастурлар ва видео машғулотлар (фан доирасида), шунингдек, тегишли компьютер дастурларидан фойдаланган ҳолда тақдимот слайдлари, ўқитиш дастурларини тайёрлаш (яратиш)	Янги таҳтиридаги тарқатма ўқув материалларини тайёрлаш; фан бўйича компьютер дастурларидан фойдаланган ҳолда тақдимот слайдлари, ўқитиш дастурларини тайёрлаш; электрон ўқув дастурлари ва видео машғулотларни фан доирасида яратиш	Олий таълим муассасаси жорий ўқув йилида кўлланилган материаллар (дастурлар) асосида аниқланади	
3.	Дарслик, ўқув кўлланмаларни ёзиш ва нашр этишга тайёрлаш	Дарслик ва ўқув кўлланмаларни ёзиш ва нашрга тайёрлаш	Олий таълим муассасаси (факультет) Ўқув-услубий (илмий) кенгаши қарори билан нашр этишга тавсия этилган дарслик ва ўқув	

1	2	3	4
			күлланма асосида аниқланади
4.	Дарслик, ўкув күлланмаларни түлдирилган ва ўзгартирилган ҳолда қайта нашр этиш	Дарслик ва ўкув күлланмаларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва нашрга тайёрлаш	Олий таълим муассасаси (факультет) Ўкув-услубий (илмий) кенгаши қарори билан нашр этишга тавсия этилган дарслик ва ўкув күлланма асосида аниқланади
5.	Услубий күлланма (кўрсатма, рисола)лар тайёрлаш ва нашр этиш	Таълимга тегишли бўлган услубий күлланма (кўрсатма, рисола)лар тайёрлаш ва нашр этиш	Олий таълим муассасаси (факультет) Ўкув-услубий (илмий) кенгаши қарори билан нашр этишга тавсия этилган услубий күлланма (кўрсатма, рисола) асосида аниқланади
6.	Фаннинг ўкув-услубий мажмуасини ишлаб чиқиш ва фаннинг электрон модуль папкасини яратиш	Фаннинг ўкув-услубий мажмуасини яратиш	Ўкув жараёнида күлланилган ишлар асосида аниқланади
7.	Мавжуд лаборатория ишини янгилаш	Мавжуд лаборатория ишини янгилаш	Кафедра йигилиши баённомаси ва лаборатория иши бўйича жорий ўкув йилида тайёрланган янги услубий кўрсатмалар асосида аниқланади
8.	Янги лаборатория ишини тайёрлаш ва жорий этиш, шунингдек, виртуал лаборатория ишини тайёрлаш ва жорий этиш	Янги лаборатория ишини тайёрлаш ва жорий этиш	Кафедра йигилиши баённомаси ва лаборатория иши бўйича жорий ўкув йилида тайёрланган янги услубий кўрсатмалар асосида аниқланади
9.	Бакалавриат таълим йўналиши (магистратура, клиник ординатура мутахассислиги) бўйича малака талаби, намунавий ўкув режа, янги фан учун намунавий ўкув дастурларини ишлаб чиқиши	Малака талаби, ўкув режа ва ўкув дастурини ишлаб чиқиши	Жорий ўкув йили учун тасдиқланган малака талаби, намунавий ўкув режа ва дастурлар асосида аниқланади
10.	Ишчи ўкув режа, фан бўйича ишчи ўкув дастурини ишлаб чиқиши	Ишчи ўкув режа ва фан бўйича ишчи ўкув дастурини ишлаб чиқиши	Кафедра йигилиши баённомаси ва кафедрада мавжуд бўлган, жорий ўкув йилида тайёрланган ишчи ўкув режа ва

1	2	3	4
			дастурлар асосида аникланади
11.	Дарслик, ўқув қўлланмалар ва бошқа материалларни таржима қилиш	Дарслик, ўқув қўлланма ва фан доирасида бошқа материалларни таржима қилиш	Олий таълим муассасасининг тегишли бўйруғи, Ўқув-услубий (илмий) кенгаш қарори билан жорий ўқув йилида тайёрланган таржима материаллари асосида аникланади
12.	Фанлар бўйича назорат саволлари (тест, масалалар ва ҳоказо), оралиқ ва якуний баҳолашлар учун топшириқларни ишлаб чиқиши.	Оралиқ ва якуний баҳолашлар учун назорат саволлари (тест, масалалар ва ҳоказо), топшириқлар ишлаб чиқиши	Ишлаб чиқилган ҳамда кафедра баённомаси билан жорий этилган топшириқлар тўплами асосида аникланади

II. Илмий тадқиқот ишлари

13.	Илмий мақола, тезис тайёрлаш ва нашр этиш, ихтиро (патент), дастурий воситалар яратиш	Хорижий ва маҳаллий (ОАК рўйхатидаги) илмий журналларда илмий мақолалар чоп этиш, ихтиро (патент) олиш, тезислар нашр этиш. Ҳар бир илмий мақола, ихтиро ва тезислари ҳисобга олинади	Жорий ўқув йилида тайёрланган ва нашр этилган ишлар асосида аникланади
14.	Монография ва рисола нашр этиш, ахборот таҳлилий материаллар тайёрлаш, ижодий ишлар яратиш		Жорий ўқув йилида нашр этилган (тайёрланган) ишлар асосида аникланади
15.	Шахсий (тематик) ижодий асарлар каталогини нашр этиш, янги лойиҳалар яратиш	Шахсий (тематик) ижодий асарлар каталогини нашр этиш, янги лойиҳалар яратиш	Жорий ўқув йилида нашр этилган (яратилган) ишлар асосида аникланади
16.	Дарслик, монография, рисола ва ўқув қўлланмаларига муҳаррирлик қилиш	Дарслик, ўқув қўлланма, монография ва рисолалар	Дарслик, монография ва ўқув қўлланма ҳамда рисолаларнинг жорий ўқув йилида нашр этилганлиги асосида аникланади
17.	Олий таълим муассасаси кенгашни томонидан тасдиқланган мавзу бўйича илмий тадқиқот ишларини бажариш	Раҳбар ёки масъул ижрочи бўлганлиги ҳисобга олинади	Ўқув йили давомида мавзу бўйича амалга оширилган тегишли илмий тадқиқот ишлари асосида аникланади. Хўжалик шартномалари доирасида тайёрланган ва давлат илмий-техник дастурларига мувофиқ бажа-

1	2	3	4
			рилаётган тадқиқот лойи-халари бўйича бажарилган ишлар мазкур иш турига киритилмайди
18.	Дарслик, ўқув қўлланма, монография, рисола, илмий мақола, диссертация, автореферат ва шу каби ишларга тақриз ёзиш	Дарслик, ўқув қўлланма, монография, диссертация, автореферат ёки рисола, илмий мақола ва шу каби ишлар	Жорий ўқув йилида ёзилган тақризлар асосида аниқланади
19.	Фалсафа доктори (PhD), фан доктори (DS) илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаш ва химоя қилиш	Фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DS) диссертациясини тайёрлаганлиги. Тайёрлаш ва химоя қилиш учун З ўқув йили давомида диссертация ёзиш мумкин.	Автореферат, илмий дара-жа олиш учун диссера-тация химоя қилганлик тўғрисидаги Илмий кен-гаш баённомаси асосида аниқланади
20.	Илмий журналлар таҳририятига аъзо бўлиш	Ҳар бир илмий журналлар таҳририятига аъзо бўлиш	Нашр этилган илмий жур-наллар ва бошқа хуж-жатлар асосида аниқла-нади
21.	Талабаларнинг илмий тадқиқот ва илмий-ижодий ишларига раҳбарлик қилиш	Талабаларнинг илмий-тадқиқот ва илмий-ижодий ишларига раҳбарлик	Талабанинг илмий тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари (маъруза, мақола, тезис, шеърий тўплам ва ҳоказо) нашр этганлиги асосида аниқланади
22.	Талабаларнинг фан ва илмий тўгаракларига раҳбарлик қилиш	Талабаларнинг фан ва илмий тўгаракларига раҳбарлик	Тўгаракларга раҳбарлик қилганликни тасдиқловчи хужжатлар асосида аниқланади
23.	Илмий ёки услубий конференция ва семинарлар ташкил этиш	Илмий ёки услубий кон-ференция ва семинарлар таш-кил этилганлиги	Илмий ёки услубий конференция ва семинар-ларнинг ўтказилганлиги-ни тасдиқловчи маълу-мотлар
24.	Илмий ёки усулбий кенгашларда иштироқи	Илмий ёки услубий кенгашларда аъзо бўлганлиги	Илмий ёки услубий кенгашларда аъзо бўлган-лигини тасдиқловчи маълумотлар

III. «Устоз-шогирд» ишлари

25.	Талаба олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинганда, янги шароитга адаптация жараёнини ўташга ва олий таълим муассасасига	Талабалар олий таълим муассасасига қабул қилинганда, улар билан танишиш ҳамда талабаларнинг шахсий хужжатлари йиғма жилдини шакллантириш ва янгилаб бориш. Ўқишга қабул қилин-	Талабаларнинг шахсий хужжатлари йиғма жилд-лари ва тасдиқловчи хужжатлар асосида аниқ-ланади
-----	---	--	--

1	2	3	4
	бўлган чоғида вақтини тўғри тақсимлашга ёрдам бериш	ган талабаларни олий таълим муассасаси ва унда мавжуд шароитлар билан танишириш. Талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича иш режасини ишлаб чиқиш ва доимий назоратга олиш	
26.	Талабанинг шахсий ва академик ютуқларини ривожлантириш мақсадида учрашувлар ўтказиш	Етук фан арбоблари, академиклар, иқтидорли талабалар ҳамда иш берувчи ташкилотлар вакиллари билан талабаларнинг шахсий ва академик ютуқларини ривожлантиришга қаратилган учрашувларни ўтказиб бориш	Учрашувларни тасдиқловчи ҳужжатлар (баёни, видео ёки фотолавҳали) асосида аниқланади
27.	Талабалар баҳолаш тизими қандай олиб борилишини қай даражада англағанини ва қаердан таълим ва академик соҳада ёрдам олиши мумкин эканлигини назорат қилиш	Талабаларга баҳолаш тизими бўйича маълумотлар бериш. Уларга қаердан таълим ва академик соҳада ёрдам олиши мумкин эканлигини тушунтириш ва амалий ёрдам бериш	Талабаларни фанлардан ўзлаштириш даражаси орқали аниқланади
28.	Ўқиш жараёнида шахсий ва академик муаммолар юзага келгандა ва улар таълим олиш даражасига таъсир кўрсатса, уларни ҳал қилишда кўмаклашиш	Талабалар билан шахсий ва академик муаммолари бўйича якка тартибдаги сухбатлар олиб бориш ҳамда мавжуд муаммоларини ҳал қилиш чораларини кўриш. Талабаларнинг фанларда ўзлаштиришларини доимий назорат қилиш ва дарс берувчи профессор-ўқитувчи билан мазкур масалани муҳокама қилиб бориш	Гуруҳдаги талабаларнинг фанлардан ўзлаштириши ва бошқа фаолиятлари таҳлили натижасида белгиланади
29.	Академик ёки касбий танлов қилишда тавсиялар бериш	Талабаларга академик ёки касбий йўлни танлаши учун кўмаклашиш ва уларга асосли маслаҳатлар бериб, уларнинг қизиқиши ва истаклари асосида тўғри йўналтирилишини таъминлаш	Талабаларнинг олий таълим муассасасини битиргач, соҳаси бўйича ишлаши мумкин бўлган корхона ва ташкилотлар ҳақида маълумотга эга бўлганлиги орқали аниқланади
30.	Маъруза материалларни қайтариш ва мисолларни тақдим этган ҳолда уларни	Ўзлаштиришдан орқада қолган талабалар билан дарсдан бўш вақтларда график асосида ишлаш	Ташкилий графикнинг мавжудлиги. Талабаларнинг ўзлаштириш даражаси орқали белгиланади

1	2	3	4
	ёритиш		
31.	Талабаларнинг мутахассислик ва танлов фанларидан олган баҳолари ва ўзлаштирган билимлари уларнинг квалификацион даражаларига таъсирининг муҳимлиги ҳақида тушунчани шакллантириш	Ўқув режасидаги фанларнинг муҳимлилик даражаси ҳамда малакали кадр бўлиб етишиши учун зарурлиги ҳақида тушунчалар бериш. Иш берувчи ташкилот ва корхоналар томонидан битирувчиларга қўйиладиган талаблар билан доимий таништириб бориш	Битирувчиларнинг касбга тайёргарлик ҳолати
32.	Бошқа талаба ва ўқитувчилардан ушбу талаба ҳақида маълумот олиши	Талабанинг фаолиятини бошқа талаба ва ўқитувчилар орқали доимий билиб бориш ҳамда олинган маълумотлар асосида ушбу талаба билан ишлаш	Талабани олий таълим муассасасидаги фаолияти бўйича маълумотларнинг мавжудлиги
33.	Талабаларнинг ота-оналари билан ишлаш	Ота-оналар билан мулоқотга киришиши, улар билан талабанинг фаолиятини муҳокама қилиш ҳамда ота-оналар истагига кўра уларнинг талабалар билан ишлашини таъминлаш	Талабаларнинг фаолиятини ота-оналар билан муҳокама қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги
34.	Янги ғояларни таклиф қилиш, баҳс-муноザараларни давом эттириш, жумладан, ижтимоий баҳоларни муҳокама қилиш	Факултет ва ОТМ кенгашларида ҳамда таълим жараёнига бағишлиланган семинарлarda талабалар фаоллигини оширишга қаратилган таклифлар билан иштирок этганлиги	Талабаларда янги ғояларнинг шаклланганлиги, улар ўртасида баҳс-муноザаралар асосида ўтказилган семинарлар ва давра сухбатларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги.
35.	Талабаларни ахборот билан таъминлаш ва интервью бериш	Талабаларга доимий ахборотлар бериб боради ҳамда ОАВларида чиқишилар қиласди	Талабаларнинг янгиликлардан хабардорлиги ва ОАВларида чиқишилар қилганлиги
36.	Битирувчиларнинг ишини, шу жумладан, вақтни мониторинг қилиш ва музокараларни белгиланган режага мувоғик амалга ошириш	Битирувчиларни иш берувчи ташкилотлар билан доимий таништириб бориш, учрашувлар ташкил этиш ҳамда талабаларнинг корхона ва ташкилотларга ташрифини юштириш	Битирувчиларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичлари орқали белгиланади
37.	Олий таълим муассасаларига кириш учун ўқувчи ёшлар ўртасида касбга йўналтириш	Касбга йўналтириш ишларини олиб бориш режалаштирилган тадбирлар номи ва муддати	Олий таълим муассасаси (факултет) кенгаши томонидан тасдиқлаган (режага киритилган) ишлар натижаси бўйича хисобот-

1	2	3	4
	ишлирини олиб бориш		лар асосида аниқланади
38.	Талабаларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларига, давлат стипендияларига, халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақаларига тайёрлаш	Тайёрлайдиган талаба(лар) Ф.И.О., гурухи ва курси	Бир профессор-ўқитувчига кўпи билан 2 нафар талаба бириктирилади. Мазкур иш турининг бажарилиши жорий ўкув йилида талабанинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари, давлат стипендиялари, халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари иштирокчиси бўлганлиги ҳамда унга профессор-ўқитувчининг бириктирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади
39.	Спорт, маданий-маърифий ва ижодий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш	Ташкил этиш ва ўтказиш режалаштирилган тадбир номи ва муддати	Олий таълим муассасасининг Маънавият ва маърифат бўлими томонидан ишлаб чиқилган режа ва бажарилган ишлар бўйича тақдим этилган ҳисобот асосида аниқланади
40.	Талабаларнинг ижодий ишлари кўргазмаларида уларнинг ишланмалари ва иштирокига раҳбарлик қилиш	Раҳбарлик қилиш режалаштирилган талаба(лар) гурухи, сони ва муддати	Талабаларнинг ижодий ишлари кўргазмаларида профессор-ўқитувчининг иштирокини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади
41.	Ташкилотларда маърузалар қилиш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлоар қилиш, шу жумладан, ҳукукий тарғибот ишларини амалга ошириш	Чиқиши (маъруза)лар қилиш режалаштирилган тадбирлар номи ва муддати	Олий таълим муассасасининг Маънавият ва маърифат бўлимига топширилган чиқишлоар (маърузалар) қилинганлиги, шу жумладан, ҳукукий тарғибот ишлари амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (маълумотлар, видеотасвирлар ва ҳоказолар) асосида аниқланади.

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2018 й., 10/18/3076/2007-сон)

**15. КАФЕДРАДА КУРС ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ БҮЙИЧА
УСЛУБИЙ КҮРСАТМА НАМУНАСИ**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



Олий таълимнинг

Билим соҳаси: 200000 - Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ

Таълим соҳаси: 230000 - Иқтисод

**Магистратура
мутахассислиги:** 5A230102 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар
бўйича)

**2-КУРС МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАЛАРИ УЧУН
«КОРХОНАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ
СТРАТЕГИЯСИ» ФАНИДАН КУРС ИШЛАРИНИ
БАЖАРИШ БҮЙИЧА**

УСЛУБИЙ КҮРСАТМА

Тошкент – 2019

Тузувчилар: и.ф.н., доц. М.Ю. Исаков; и.ф.н., доц. А.А. Ядгаров; к.ў. Б. Султонов. 5А230102-“Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” мутахассислиги 2-курс магистратура талабалари учун «Корхоналарнинг ривожланиш стратегияси» фанидан курс ишларини бажариш бўйича услубий кўрсатма. – Т.: ТДИУ, 2019. – 20 б.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Магистратура бўлими бошлиғи

_____ доц. О. Собиров

“ _____ ” 2019 йил

“ТАВСИЯ ЭТИЛГАН”
Саноат иқтисодиёти кафедраси мажлисида
муҳокама қилинган ва тавсия этилган

Кафедра мудири _____ доц. И. Хотамов
(Кафедра мажлисининг ____-сонли баённомаси
“ _____ ” 2019 йил)

Тақризчилар: и.ф.н., доц. А. Исламов
и.ф.н., доц. Т. Жўраев

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Республикамизда фаолият юритаётган саноат корхоналарининг ҳиссаси ошиб бораётган ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи ҳар бир корхона, фирма ёки тадбиркор рақобат шароитларида хўжалик юритиш тизимида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни амалга оширишда ўзига хос муносиб ўрин эгаллашга интилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида белгилаб берилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида ҳам айнан, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга қаратилган масалалар устувор йўналиш сифатида белгилаб берилган.

2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Raқamli Ўзбекистон – 2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур. 2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард АҚШ долларига етказилади. Натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади”, деб таъкидлаб ўтилди².

“Корхоналарнинг ривожланиш стратегияси” фани иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тармоқ ва корхоналарда содир бўлаётган ижтимоий-иктисодий жараёнларнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш ва уни мўътадил ривожлантиришнинг ечимларини топишда ҳамда магистратура “Иқтисодиёт (реал сектор)” мутахассисларининг шаклланишида катта аҳамиятга эга.

Курс ишини бажариш ва ҳимоя қилиш юқори кадрларни тайёрлаш жараёнининг муҳим босқичи бўлиб, талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтириш, аниқ илмий-техник, иқтисодий, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилишда ушбу билимлардан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. //Халқ сўзи. 2017 йил 8 февраль. 28 (6722)-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабрь.

фойдаланиш мақсадларини кўзлайди. Бундан ташқари курс ишини бажариш олий ўқув юрти талабасида мустақил иш юритиш кўнилмаларини ривожлантиришга хизмат қиласди, аниқланган муаммо ва камчиликларни ечишда кенг изланишлар ҳамда тажрибалар ўтказиш имконини беради. Шунингдек, мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизациялаш шароитларида талабанинг мустақил ишлаш лаёқати ва тайёргарлигини оширади.

Курс иши муайян бир хўжалик юритувчи субъектнинг аниқ маълумотлари асосида бажарилади. У мустақил илмий тадқиқотга хос хусусиятларни ўзида жамлаши ва амалиётга татбиқ этиш учун аниқ тавсияларни ифодалаши лозим.

Курс ишига илмий раҳбарлик қилишга кафедрадан етук профессор-ўқитувчилар бириктирилади.

2. КУРС ИШИГА МАВЗУ ТАНЛАШ

Кафедрада фаннинг ўқув дастурига мос курс иши мавзулари ва уларнинг тахминий режалари ишлаб чиқилади. Шунга асосланиб, талаба мустақил равишда курс иши учун мавзу танлайди. Талаба айrim ҳолларда кафедра билан келишган ҳолда рўйхатда келтирилмаган, ўзи томонидан таклиф этилган шахсий мавзуси бўйича курс ишини бажариши мумкин. Мазкур мавзу долзарб бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг амалий муаммоларини ҳал қилишга қаратилган бўлиши керак.

Талаба курс иши учун мавзу танлаб бўлгач, уни бажаришга рухсат беришни сўраб, кафедра мудири номига ариза ёзади. Аризада курс иши мавзусининг номланиши ва иш бажариладиган хўжалик юритувчи субъектнинг номи аниқ кўрсатилади (1-илова).

Кафедра мудири аризани кўриб чиқади ва курс ишининг мавзусини талабага бириктириш тўғрисида қарор қабул қиласди ҳамда илмий раҳбарни тайинлади.

Курс ишининг мавзулари ва илмий раҳбарлари университет ректорининг буйруғи асосида тасдиқланади.

3. КУРС ИШИГА ИЛМИЙ РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ

Курс ишининг мавзуси ва илмий раҳбари университет ректорининг буйруғи асосида тасдиқлангандан сўнг, талаба мавзуга тегишли адабиётларни ўргангандан ҳолда илмий раҳбар билан биргаликда ишнинг режасини ишлаб чиқади. Мазкур жараён талабага илмий раҳбар томонидан бериладиган курс иши топшириғида ўз аксини топади.

Талаба илмий раҳбар билан белгиланган кунлар ва соатларда мунтазам равишда учрашиб, курс иши бажарилишини муҳокама этиб бориши ҳамда у бўйича маслаҳатлар олиши керак.

Илмий раҳбарнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- курс иши бўйича илмий ва услубий ёрдам бериш;
- иш мавзуси бўйича мунтазам равишда сұхбатлар ва маслаҳатлар ўтказиб туриш;

- ишни бажариш учун зуур адабиётлар ва маълумотлардан фойдаланиш юзасидан тавсиялар бериш;
- ишнинг камчиликларини кўрсатиш ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар бериб бориш;
- бажарилган ишни баҳолаш;
- ишни ўз тақризи орқали ҳимояга тақдим этишга тавсия бериш;
- талабани курс иши ҳимоясига ахборот-коммуникация воситалари-дан фойдаланган ҳолда тақдимот қилишга тайёрлаш.

Ишнинг илмий раҳбари унинг сифати ҳамда мазкур услубий кўрсатма талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда бажарилишига масъул ҳисобланади.

4. КУРС ИШИННИНГ МАЗМУНИ

Ўқув режасида кўрсатилган фан бўйича курс иши мазмуни унинг мавзусидан келиб чиқиб белгиланади.

Курс ишининг таркибий тузилиши қуйидагилардан иборат:

- курс ишининг муқоваси (титул варафи);
- иш мазмунининг мундарижаси (режаси);
- кириш;
- курс ишининг асосий матн қисми (назарий ва амалий саволлар параграфларда);
- хулоса ва таклифлар;
- фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
- иловалар.

Курс иши мундарижаси (режаси) талаба томонидан тузилади ва илмий раҳбар билан келишган ҳолда кафедра мудири томонидан тасдиқланади.

Ишнинг кириш қисмida танланган курс иши мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, реал шароитларда бу масаланинг қўйилиши ва ечимининг ўзига хос жиҳатлари асослаб берилади. Шунингдек, бу қисмда курс ишининг мақсад ва вазифалари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, курс иши обьекти ва предмети, курс ишининг тузилиши аниқ кўрсатилади.

Курс ишининг асосий матн қисмida ўрганилаётган мавзунинг назарий асослари очиб берилади ҳамда танланган мавзунинг умумназарий масалалари кўриб чиқилади. Курс ишининг бу қисмida амалий маълумотлардан фойдаланилган ҳолда тадқиқот обьектининг ташкилий-иктисодий тавсифномаси берилади. Талаба танланган иш обьектининг фаолиятини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилган ҳолда, ундаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган тавсияларни илмий асослаб беради.

Асосий матн қисмининг барча параграфлари тадқиқот обьектининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар билан туталланади.

Ишнинг хулоса ва таклифлар қисмida ўтказилган тадқиқотга қисқача яқун ясалиб, танланган курс иши мавзуси йўналишларига мувофиқ ҳолда тадқиқот обьекти фаолиятини тўғри ташкил этиш ва уни такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифлар баён этилади.

Курс иши талаба томонидан мустақил ҳолда мантикий жиҳатдан кетма-кетлик, изчиллик услубида ёзилган бўлиши керак. Шунингдек, ишда фойдаланилган адабиётлардан тўғридан-тўғри кўчириб ёзишга, (плагиатликка) умуман, рухсат этилмайди. Ишнинг плагиатлик асосида бажарилганлиги аниқланганда, у химоя қилишга тавсия этилмайди.

5. КУРС ИШИ БАЖАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Курс ишининг топшириш муддати ўқув режасига асосан белгиланади.

Талаба тадқиқот бажариладиган обьектнинг фаолиятини ўрганади, шунингдек, курс ишини бажариш учун зарур бўлган амалий материалларни тўплайди.

Курс ишининг илмий раҳбари талаба билан биргаликда курс ишини бажариш топширигини ишлаб чиқади.

Курс ишини бажариш илмий раҳбар билан келишган ҳолда кафедра мудири томонидан тасдиқланган топшириққа қатъий мувофиқ ҳолда амалга оширилиши лозим. Курс иши топширигининг намунаси 2-иловада келтирилган.

6. АДАБИЁТЛАРНИ ЎРГАНИШ, МАЪЛУМОТЛАРНИ ТЎПЛАШ, ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАРНИ АСОСЛАШ

Танланган курс иши мавзусига мувофиқ, талаба мустақил равишда тегишли адабиётларни, расмий хужжатларни, тадқиқот обьекти бўйича статистик, бухгалтерия, жорий ва режа материалларини ўрганади. Адабиётларни ўрганиш талабага тадқиқотнинг назарий асосларини аниқлаб олиш, яъни мавзуга алоқадор бўлган фаолиятни ташкил этиш ва такомиллаштириш, ўрганилаётган жараёнларнинг ривожланиш конуниятлари ва илмий атамалар тизимини билиб олиш имконини беради. Мавзуга тааллуқли масалаларнинг ҳозирги ҳолатини чуқур ўрганиш курс ишини ёзиш учун зарур материалларнинг ҳажмини ва характеристини аниқлашга имкон яратади.

Курс ишини бажаришда мавзуга тегишли Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, қарорларини, маъruzаларини, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ўрганиш ҳам назарда тутилади. Мавзу бўйича материалларни ўрганаётганда унга тегишли маҳсус адабиётлар, журналлар ва рўзномаларда босилган мақолаларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси материаллари, интернет сайтларидан ҳам кенг фойдаланиш керак.

Тадқиқот ишининг ҳисобот маълумотлари камида сўнгги беш йилликни қамраб олиши керак. Ўзаро таққослаш учун бир хил шароитларда фаолият кўрсатаётган мос корхоналарнинг тажрибаларини ўрганиш муҳимдир.

Тўпланган ҳақиқий маълумотлар ўрганаётган масаланинг ҳозирги ҳолатини ифодалашга, ривожланиш жараёнлари ва йўлларини аниқлашга имкон беради, кўриб чиқилаётган муаммони ҳал қилиш ва уни такомиллаштириш учун замин яратади.

Айрим ҳолларда ўрганилаётган муаммо бўйича зарур маълумотларга эга бўлиш учун маҳсус кузатувлар ўтказилади.

Тўпланган рақамли маълумотлар таҳлилий жадваллар, график ва чизмаларда тартибга солиниб, умумлаштирилади. Буларнинг ҳаммаси тадқиқотнинг таҳлиллари, хуносалари ва тавсиялари учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Олинган материалларни таҳлил қилиш натижалари ўрганиб бўлингач, хуноса ва таклифларни асослашга киришилади. Ишнинг бу қисмида энг муҳим хуносана ва таклифлар баён этилади.

7. КУРС ИШИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Курс ишига қўйиладиган асосий талаблардан бири уни белгиланган қоидалар асосида тўғри расмийлаштириш ҳисобланади. Чунки ишни тўғри расмийлаштириш унинг сифатини оширибгина қолмай, балки муваффақиятини ҳам таъминлайди.

Ишнинг режаси мавзунинг мазмунини тўлиқ ёритишга қаратилиши керак. Матнда кетма-кетлик бузилмаслиги ҳамда изчилликка риоя қилиниши шарт. Матнда янги фикрни ифодалайдиган жумлалар хатбошидан ёзилади. Агар бирор-бир манбалардан мисоллар келтирилса, улар қайси манбадан олинганлиги ишораси саҳифанинг энг пастида чизиқ тагида сатр бошидан ёзилади. Агар бир нечта манба келтирилса, ишоралар шу ерда тартиб рақами билан кўрсатилади.

Курс ишини бажариш жараёнида тўпланган ва қайта ишланган маълумотлар аниқ, тартибли ва ҳаққоний бўлиши керак. Материаллар баёни мантиқий изчил, жумла тузилишлари қисқа ва аниқ, мавхумлик ва қайтаришлар бўлмаслиги, хуносалар исботланган ва тавсиялар асосланган бўлиши керак.

Курс иши муқоваси 3-иловада кўрсатилган намунага мувофиқ расмийлаштирилади.

Мундарижа (режа) курс ишининг қисмлари, саволларнинг номланишлари, бетларнинг рақамланиш тартибини ўзида ифода этади. Кириш, хуносана ва таклифлар бўлимларини истисно этган ҳолда барча саволлар араб рақамлари билан рақамланиши керак. Саволларнинг тартиб рақамидан кейин нуқта қўйилади ва саволлар ёзилади. Курс иши мундарижасини (режасини) расмийлаштириш намунаси 4-иловада келтирилган.

Курс иши бетлари саҳифанинг юқори қисмининг ўртасидан кетма-кетлик бўйича рақамланиши лозим. Муқова варағига тартиб рақами қўйилмайди. Агар курс ишида расмлар, чизмалар ва жадваллар бўлса, уларни умумий рақамланишга қўшиш керак. Иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳам кетма-кетликда рақамланади.

Адабиётлар рўйхати фойдаланилган барча манбаларни алфавит тартиби бўйича ўзида жамлайди (5-илова).

Илова курс ишининг охирида берилади. Ҳар бир илова янги бетдан бошланади, саҳифанинг ўнг томонидан юқори бурчагида “илова” деган сўз ёзиб қўйилади. Ҳар қайси илова сарлавҳага эга бўлиши керак. Мабодо курс ишида икки ва ундан зиёд илова бўлса, улар кетма-кетликда рақамланади, яъни «1-илова», «2-илова» ва ҳоказо. Ишда иллюстрациялар уларнинг мазмунига қараб

белгиланади ва баён қилинаётган матнда аниқлик киритиш учун етарлича бўлиши керак. Барча иллюстрациялар (чизмалар, диаграммалар, графиклар ва ҳоказолар) расмлар деб номланади. Расмлар ҳам кетма-кетлик бўйича рақамланади. Улар бевосита курс иши матни қайд этилган жойда ёки кейинги бетда ё бўлмаса, қайд этилган саҳифага яқинроқ жойда жойлаштирилиши лозим.

Рақамли маълумотларни жадвал тарзида ифодалаш тавсия этилади. Ҳар бир жадвал ўз мазмунидан келиб чиқсан ҳолда номланиши ва тегишли жадвал тепасида жадвал сўзи ёзилиши керак.

«Жадвал» сўзи ботик ҳарфлар билан саҳифанинг ўнг томонида ёзилади. Сарлавҳани ажратиб кўрсатишнинг ҳожати йўқ.

Жадвал матнда биринчи марта эслатилгандан кейин жойлаштирилгани маъкул. Жадвал кейинги саҳифага кўчириладиган бўлса, устун рақамланади ва бу рақамланиш кейинги бетда такрорланади. Жадваллар ҳам худди расмлар каби рақамланади, яъни «1-жадвал», «2-жадвал» ва ҳоказо.

Ишда формулалар келтирилса, улар аниқ ёзилиши керак. Берилган формула остида белгилар ва сон даражалари тушунтириш маъносига қараб, улар formulada кандай берилган бўлса, шу тартибда берилиши лозим. Ҳар бир белги ва сон даражасининг маъноси янги сўз қаторидан берилади.

Матнда келтирилган маълумотлар манбаси тартиб рақами бўйича фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатиб ўтилади.

Курс ишини ёзаётганда, адабиёт манбаларидан, кўрсатмалардан, идоравий маълумотлардан кўчириш, шунингдек, расмий қабул килинмаган сўзларни, ибораларни, атамаларни қўллаш тақиқланади.

Курс ишини ёзаб тугатгач, уни саволларининг ўзаро боғланиши ва баён этилиш усулига (адабий тилига) алоҳида эътибор берган ҳолда қайта ўқиб чиқиш керак. Кўпинча қайта ўқилишда илгари билинмаган хатолар, қайтаришлар, қарама-қарши фикрларга, нотўғри танланган қиёслашлар ва турли хил хатоларга дуч келинади. Айниқса, формулалар, рақамлар, кўчирмалар, библиографик ёзувларни дастлабки манбалар бўйича диққат билан текшириб чиқиш талаб этилади. Зарурат туғилганда, қўллэzmани тўлдириб, маромига етказиш лозим.

Курс ишининг матни 210-297 мм шаклдаги оқ қофозга кўллэzма шаклида ёзилиши керак. Жадваллар, расмлар, чизмалар ва графиклар компьютерда ёзилиши мумкин. Матн тушунарли ҳуснинатда, тузатишларсиз, ёзув қофозининг бир томонига ёзилиши керак. Ишнинг умумий ҳажми 30-40 бетдан иборат бўлиши лозим. Ҳар бир бетда: чап томондан 3 см, ўнг томондан 1 см, юқоридан ва пастдан 2 см очиқ жой қолиши керак. Курс иши режасидаги саволларнинг номлари ишнинг тегишли жойларида сарлавҳа сифатида такрорланиши лозим. Ёзаб тугалланган курс ишига талаба томонидан имзо қўйилади.

8. КУРС ИШИГА ТАҚРИЗ ЁЗИШ ВА УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Ёзиб тугалланган ва илмий раҳбар томонидан маъқулланган, муқоваланган курс иши белгиланган муддатда кафедрага топширилади ҳамда тақриз қилинади.

Курс иши тақризида ишнинг илмий даражаси, амалий тавсияларнинг асосланганлиги ва уларнинг аҳамиятига баҳо берилиши, йўл қўйилган мавжуд камчиликлар кўрсатилиши ҳамда талаба маҳорати баҳоланиши лозим (6-илова).

Талаба курс ишини ҳимоя қилишга тайёргарлик пайтида бажарилган мавзунинг мазмун-моҳияти бўйича қисқача маъруза матнини тайёрлаши ҳамда ҳимоя тақдимоти учун зарур кўргазмали материалларни тайёрлаб қўйиши, тақриз мазмуни билан танишиб чиқиши ва тақризчи эътиrozларига жавоб тайёрлаган бўлиши керак. Курс иши ҳимоясига ахборот-комммуникация воситаларидан фойдалangan ҳолда тақдимот тайёрлаш талаб этилади.

Курс иши ҳимояси уч аъзодан иборат таркибдаги комиссиянинг очиқ мажлисида ҳимоя қилинади. Талаба 10 дақиқагача курс ишининг асосий натижалари, таклиф ва хуносаларни изоҳлаб беради. Берилган саволларга жавоб беради.

Комиссия курс ишининг ҳимоя натижаси ва илмий раҳбарнинг тақризини ҳисобга олган ҳолда уни 100 баллик тизим бўйича баҳолайди.

9. БАҲОЛАШ ТАРТИБИ ВА МЕЗОНЛАРИ

Талабаларнинг курс иши бўйича билим савияси, кўникма ва малакалари даражаси улар билимини назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низом қоидалари асосида балларда ифодаланади.

Амалдаги “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги низомнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сонли буйруғи билан низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2010 йил 26 августда 1981-1-сон билан давлат рўйхатидан қайта ўтказилган) 13-бандига мувофиқ талабанинг курс иши бўйича ўзлаштириш даражаси 100 баллик тизимда баҳоланади.

Мазкур низомнинг 22-бандига кўра талаба фан бўйича курс ишини ушбу фан бўйича тўплаган баллари умумлаштирилишига қадар, яъни якуний назорат туригача тошириши шарт.

Талаба курс иши бўйича йиғиши мумкин бўлган максимал балл 100 балл бўлиб, у қуидагича тақсимот қилинади.

Курс иши бўйича ажратилган баллнинг 55 фоизи саралаш бали этиб белгиланади. Саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор талаба ҳисобланади.

Баллар тақсимоти

(ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича намунавий баҳолаш мезонлари)

T/p	Ўзлаштириш кўрсаткичлари
1.	0-54 балл – “қониқарсиз”
2.	55-70 балл – “қониқарли”
3.	71-85 балл – “яхши”
4.	86-100 балл – “аъло”

Намунавий мезонлар асосида муайян фандан бажарилган курс иши бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқилиб, кафедра мудири томонидан тасдиқланади ва у ишнинг ҳимоясидан аввал талабаларга эълон қилинади (7-илова).

Курс иши бўйича академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириши учун бир ой муддат берилади. Кафедра томонидан тайинланган илмий раҳбарларга курс иши бўйича академик қарздор талабалар билан фаол ишлаш вазифаси юклатилиб, у маҳсус жадвал асосида амалга оширилади. Юқорида кўрсатилган муддат давомида курс ишини “қониқарсиз” (0-54 балл) баҳога ҳимоя қилган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда университет ректорининг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Курс ишини баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, университет ўкув-услубий бошқармаси томонидан назорат қилинади.

Курс иши ҳимоядан сўнг 2 йил давомида университет архивида сақланади.

1-илова

Талабанинг курс иши мавзуси биритирилиши бўйича ёзадиган аризасининг
намунаси

Саноат иқтисодиёти кафедраси мудири доц. И.
Хотамовга
5А230102-“Иқтисодиёт (реал сектор)”
мутахассислиги 2-курс _____ гурухи
талабаси _____
_____ дан

АРИЗА

Сиздан менга “_____
(фанинг номи)
”

фанидан “_____
(мавзунинг номи)
”

мавзусидаги курс ишини биритиришга рухsat беришингизни сўрайман.

Курс иши _____
(корхона номи)
маълумотлари асосида
бажарилади.

_____ / _____ /
(сана) (имзо)

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**МАГИСТРАТУРА БҮЛИМИ**

“Тасдиқлайман”

Кафедра мудири _____

“ ____ ” 20__ йил

КУРС ИШИГА ТОПШИРИҚ1. Талабага _____
(фамилияси, исми, отасининг исми)2. Мутахассислик _____
(мутахассислик номи)3. Фан _____
(фаннинг номи)4. Курс ишининг мавзуси _____
(курс иши ва объект номи)5. Иш раҳбари _____
(фамилияси, исми, отасининг исми, илмий даражаси ва увони)

Т/р	Иш мундарижаси (режаси)	Бажариш муддати
	Кириш	
1.		
2.		
3.		
4.		
...		
	Хулоса ва таклифлар	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	
	Иловалар	

6. Ишни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар _____

7. Ишни топшириш муддати “ ____ ” 20__ йил

8. Курс иши раҳбари _____ (имзо) _____ (Ф.И.Ш.)

9. Талаба: “Топшириқни бажариш учун олдим” _____ (имзо) _____ Ф.И.Ш.

10. Топшириқ берилган сана “ ____ ” 20__ йил

З-илова

Курс ишининг муқовасини расмийлаштириш намунаси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ кафедраси

**“Рўйхатга олинди”
Магистратура бўлими**

**“Рўйхатга олинди”
Саноат иқтисодиёти
кафедраси**

“___” 2019 й.

“___” 2019 й.

**“КОРХОНАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ
СТРАТЕГИЯСИ”
фанидан**

(курс иши мавзуси номи)

мавзусидаги

(объект номи қавс ичидা)

КУРС ИШИ

БАЖАРДИ: 5A230102- “Иқтисодиёт
(тармоқлар ва соҳалар бўйича)” таълим
йўналиши 2-курс магистратура талабаси

(Ф.И.Ш.)

ИЛМИЙ РАҲБАР:

Саноат иқтисодиёти кафедраси
доценти _____

(Ф.И.Ш.)

Тошкент – 20____

Мавзу: Саноат корхонасининг иқтисодий барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш**Мундарижа** бет

Кириш	3
1. Саноат корхонасини иқтисодий барқарор ривожлантириш стратегиясининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.....	6
2. Саноат корхонасини иқтисодий барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш босқичлари	9
3. Саноат корхонасини иқтисодий барқарор ривожлантириш кўрсаткичлари таҳлили.....	15
4. Саноат корхонасини иқтисодий барқарор ривожлантириш стратегияси асосий йўналишлари.....	30
Хулоса ва таклифлар	36
Фойданилган адабиётлар руйхати.....	38
Иловалар	40

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. // Халқ сўзи. 2017 йил 8 февраль. 28 (6722)-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъruzаси. // Халқ сўзи. 2017 йил 16 январь.
3. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. / Муаллифлар жамоаси: Р.О. Алимов, А.Ф. Расулов, А.М. Қодиров ва бошқалар // С.С. Ғуломов таҳрири остида. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006.– 26 б.
4. Абдукаримов И.Т. ва бошқалар. Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2010. – 256 б.
5. Ваҳобов А. ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2010. – 480 б.
6. Maxmudov E.X., Isoqov M.Yu. Biznes rejalarshirish. O'quv qo'llanma. – Т.: O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. – 160 b.
7. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. – 208 б.
8. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2010. – 223 б.
9. www.mineconomy.uz (O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot vazirligi).
10. www.mehnat.uz (O'zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi).
11. www.mf.uz (O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi).
12. www.stat.uz (O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi).
13. www.ima.uz (O'zbekiston Respublikasi Intellektual mulk agentligi).

Эслатма: Талаба фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан сўнг курс ишини бажарган санасини кўрсатиб, имзо чекади ва ундан кейин иловаларни тартиб рақами бўйича тикиб чиқади.

Курс иши тақризининг тавсия этилаётган тузилиши

1. Мавзунинг долзарблиги ва унинг аҳамияти ёритиб берилиши.
2. Назарий саволларнинг чуқур ёритилганлиги.
3. Фойдаланилган амалий маълумотларнинг аниқлиги ва ҳаққонийлиги.
4. Замонавий изланиш усуулларининг қўлланилганлиги.
5. Ўрганилган саволлар таҳлилиниң чуқурлиги.
6. Хуросаларнинг тўғрилиги.
7. Таклифларнинг амалий аҳамияти.
8. Амалиётга жорий этилиши мумкин бўлган таклифлар ҳамда тавсиялар ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги.
9. Ишда йўл қўйилган мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар.
10. Курс ишини ҳимояга тавсия этиш ёки ҳимояга тавсия этмаслик бўйича хуроса.
11. Тақризчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, илмий даражаси ва унвони ҳамда имзоси.
12. Тақриз ёзилган сана.

Курс ишининг баҳолаш мезонлари намунаси

“Тасдиқлайман”

Саноат иқтисодиёти
кафедраси мудириИ. Хотамов
“___” 20__ йил

“Иқтисодиёт (тармоклар ва соҳалар бўйича)” таълим мутахассислигидағи
“Корхоналарнинг ривожланиш стратегияси” фани бўйича бажарилган курс

ишининг

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

T/p	Мезонлар	Максимал балл
1.	Мавзунинг долзарбилиги. Курс иши режасининг мавзуга мос равища тузилиши	0-5
2.	Курс ишининг илмий-услубий янгиликлари ва ижодий (мустақил ва танқидий таҳлил) ёндашиш даражаси	0-10
3.	Курс иши мавзууси бўйича иш натижаларининг талабаларнинг илмий тўгараклари ва конференцияларида тақдимот этилиши	0-5
4.	Курс ишининг матнини расмийлаштириш (жадвал, чизма, график ва расмлардан кенг фойдаланиш)	0-20
5.	Курс ишининг натижалари бўйича қилинган илмий-амалий хуносалар	0-15
6.	Курс ишининг имло хатолари (орфография)	0-5
7.	Курс ишининг услугубий хатолари (стилистик)	0-5
8.	Курс ишининг хусни хати (коллиграфия)	0-5
9.	Талабанинг курс ишини ҳимоя қилиш даражаси. Курс ишининг тақдимоти жараёнидаги маҳорати	0-15
10.	Иш бўйича берилган саволларга тўғри, аниқ ва тўлиқ жавоб бериш	0-10
11.	Курс иши ҳимояси тақдимотида ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш	0-5
Жами:		100

Курс ишининг мазкур баҳолаш мезонлари 2019 йил 15 январдаги кафедра ийғилишида муҳокама қилиниб, маъқулланган (15-сонли баённома).

8-илова

Курс ишига бериладиган илмий раҳбар тақризи намунаси

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар)” 2-курс МЕКР - _____ гурухи
талабаси _____ нинг**
(Ф.И.Ш.)

(Курс иши мавзусининг номи)

мавзуси бўйича курс ишига

ТАҚРИЗ

Мавзунинг долзарбилиги _____

Ютуқлари _____

Курс иши камчиликлари _____

Хулоса (ҳимояга тавсия этилади, ҳимояга тавсия этилмайди) _____

Илмий раҳбар: _____

(Ф.И.Ш., имзо)

16. АМАЛИЁТ ҲИСОБОТЛАРИНИ ЁЗИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



Рўйхатга олинди
_____ -сон
«____» _____ 2019 й.

«Тасдиқлайман»
Ўқув ишлари бўйича проректор
_____ F. Захидов
«____» _____ 2019 й.

**5230100-“Иқтисодиёт (реал сектор)” таълим йўналиши
битирувчи курс талабалари учун**

МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТНИ ЎТИШ БЎЙИЧА

ДАСТУР

Тошкент – 2019

«Маъқулланди»
Иқтисодиёт факультети
кенгашида мухокама қилинган ва маъқулланган.
Кенгаш раиси А. Қобилов

(имзо)
«_____» _____ 2019 йил

“Тавсия этилган”
Саноат иқтисодиёти кафедраси мажлисида
муҳокама қилинган ва тавсия этилган
Кафедра мудири _____ И. Хотамов
(Кафедра мажлисининг _____-сонли баённомаси
“_____” _____ 2019 йил)

Тузувчилар:

Хотамов И.С. – Саноат иқтисодиёти кафедраси мудири
Исаков М.Ю. – Саноат иқтисодиёти кафедраси доценти
Ядгаров А.А. – Саноат иқтисодиёти кафедраси доценти
Султанов Б.Т. – Саноат иқтисодиёти кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар:

Алиев Я.Э. – Саноат иқтисодиёти кафедраси доценти
Аскарова М. – Макроиктисодиёт кафедраси мудири, доцент

МУНДАРИЖА

	Кириш	133
	Умумий қоидалар.....	135
1.	Малакавий амалиёт мақсади ва вазифалари	135
1.1.	Малакавий амалиётнинг мазмуни ва таркиби	136
2.	Малакавий амалиёт ҳисботини расмийлаштириш	141
3.	Малакавий амалиёт мобайнида талаба амал қилиши лозим бўлган қоидалар	142
4.	Малакавий амалиёт натижаларини якунлаш ва ҳисботини ҳимоя қилиш	142
5.	Малакавий амалиёт натижаларини баҳолаш тартиби ва мезонлари.....	143
6.	Рейтинг натижаларини қайд қилиш тартиби	145

КИРИШ

Мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш билан олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялар, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллӣ дастури тўғрисида»ги қонунларига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ, республикамиз худудларини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш учун замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни ўз вақтида зарур ихтисосликлар бўйича иктисодиёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда тайёрлаш, олий таълим мазмунини бевосита корхоналар, муассасалардаги техника, технология, ишлаб чиқариш муносабатлари ҳамда истиқболли ривожланиш дастурларига мувофиқ шакллантириш, кадрларни эгаллаган касби ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга доир қатор долзарб масалалар тўлиқ ечимини топмаган. Замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш, Давлат таълим стандартлари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир. Фанлар бўйича билимлар мажмуасини ўзлаштириш, назарий ва амалий машғулотлар узвийлигига малака ҳамда кўникмаларни мукаммал шакллантиришда малакавий амалиётнинг ўрни бекиёс.

Талабаларга мазкур дастур ва малакавий амалиёт хусусиятлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида³ келтирилган материаллар, қоидалар ва хулосаларни пухта ўзлаштиришлари,

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабрь.

келгуси фаолиятида самарали фойдаланишлари ҳамда ижодий ёндашишларини таъминлаш вазифалари юклатилади.

5230100-“Иқтисодиёт (реал сектор)” таълим йўналиши бўйича 4-курс талабаларининг битирув олди малакавий амалиётини тўғри ташкил қилиш бўлажак ёш мутахассисларни реал ишлаб чиқариш шароитларига тайёрлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ушбу дастур иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида “Иқтисодиёт (реал сектор)” таълим йўналиши бўйича битирувчи курс талабалари малакавий амалиётини ташкил этишнинг асоси ҳисобланди.

5230100-“Иқтисодиёт (реал сектор)” таълим йўналиши 2-курс магистрларининг малакавий амалиёти 4-семестрда, яъни **2019 йилнинг 4 февралидан** бошланиб, **2019 йил 27 апрелигача** давом этади, умумий малакавий амалиёт даври 12 ҳафта (72 кун) бўлади. Мазкур таълим йўналишининг намунавий ўкув режасига биноан малакавий амалиёт учун ажратилган 12 ҳафта давомида жами 648 соат, яъни ҳафтасига 54 соатдан амалиёт ташкил этилиши керак. Бунда ҳафтасига 6 кун, ҳар бир кунда 6 соатдан амалиёт машқлари, қолган 3 соатида талаба ўз мустақил фаолиятини режалаштириши талаб этилади. Талаба малакавий амалиётини ташкил этиш бўйича календарь режасига мувофиқ ҳар бир мавзуу ва ундаги топшириқларга ажратилган соатлар амалиёт учун университетдаги малакавий амалиёт раҳбари томонидан аниқланиши ва кафедра мудири томонидан маъқулланиши мақсадга мувофиқ.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Талабалар малакавий амалиёти бакалаврларни тайёрлашда Давлат таълим стандартига, хусусан, ўқув режага мувофиқ тарзда ташкил этилади ва у таълим жараёнининг бевосита ишлаб чиқариш шароитида амалга ошириладиган таркибий қисми ҳамда давоми ҳисобланади.

Малакавий амалиётнинг **асосий мақсади** битирувчани бевосита таълим стандарти талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш, ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш бўйича тажриба ҳосил қилиш, корхонанинг ташкилий бўлинмалари тузилиши ва функционал масалаларини ўрганиш, йўналишларни шакллантириш ва татбиқ этишининг иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш бўйича амалий кўникмаларини эгаллаш ҳамда битирув малакавий ишини бажариш учун материалларни тўплаш ҳисобланади.

5230100-“Иқтисодиёт (реал сектор)” таълим йўналиши бўйича 4-курс талабаларининг битирув олди малакавий амалиётини ташкил этишда талабаларнинг корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқаришни бошқариш тизими, маркетинг фаолиятини ташкил этиш, маркетинг ахборотлар тизими ва бозорни ўрганиш, бозорни сегментлаш, маркетинг фаолиятида товар сиёсати, товар ҳаракати ва тижорат, корхона ва ташкилотларнинг нарх сиёсати, маркетинг тизимида реклама ва экспорт маркетинги, шунингдек, корхона ташки иқтисодий фаолияти бўйича амалий билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

5230100-“Иқтисодиёт (реал сектор)” таълим йўналиши бўйича 4-курс талабаларининг битирув олди малакавий амалиёти даврида талабаларни корхона ва ташкилотлар амалий фаолияти билангина эмас, балки унинг жамоат ишлари билан ҳам яқиндан таништириш мақсадга мувофиқ.

Малакавий амалиётнинг **асосий вазифалари** қуйидагилардан иборат:

- битирувчи талабада таълим йўналиши бўйича амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- хўжалик юритувчи субъектда ўз таълим йўналиши бўйича олиб борилаётган ишлар кўлами ва тизимини ўргатиш;
- амалиёт обьекти ва бошқа субъектлар ўртасидаги ҳужжатлар айланишини ўргатиш;
- амалиёт обьектида мавжуд тартиб-қоидалар ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни ўргатиш;
- амалиёт обьектида қарор қабул қилиш ва мустақил ишлашга ўргатиш;
- амалиёт обьекти ва умумий тармоқ даражасида иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлардан хабардор бўлиш;
- ижтимоий-сиёсий, ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш соҳасида зарур билимларни эгаллаш;
- битирув малакавий ишини ёзиш ҳамда илмий ишларни амалга ошириш учун зарур материаллар тўплаш.

1.1. МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТНИНГ МАЗМУНИ ВА ТАРКИБИ

Малакавий амалиёт кафедрада белгиланган амалиёт раҳбари томонидан ишлаб чиқилган, кафедра мудири тасдиқлаган календарь иш режаси асосида амалга оширилади. Амалиёт раҳбари ҳар бир амалиётга чиқувчи талабага ва у бораётган амалиёт объектига индивидуал тарзда ёндашиши зарур. Шунингдек, «Талабанинг календарь иш режаси» аниқ, мақсадли ва натижага йўналтирилган бўлиши лозим.

Саноат корхоналарида малакавий амалиёт ўтиш календарь режаси^{*}

Т/р Босқич	Хафта саналари	Малакавий амалиёт ўташ босқичлари
1.	04.02-09.02	Корхонанинг ташкилий-хуқуқий тузилишини баҳолаш
2.	11.02-23.02	Корхонадаги асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш бўғинлари фаолиятини ташкил этиш
3.	25.02-09.03	Корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш шакллари
4.	11.03-23.03	Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган техника ва технологияларни ўрганиш ва баҳолаш
5.	25.03-06.04	Корхонанинг асосий воситалари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги
6.	08.04-13.04	Корхона айланма маблағлари ва улардан самарали фойдаланиш
7.	15.04-23.04	Корхона ходимлар салоҳияти таҳлили
8.	25.04-27.04	Ҳисобот учун тўпланган материалларни умумлаштириш ва ҳимояга тайёрлаш

* Изоҳ: малакавий амалиётни бўйруқ асосида бошига муассасаларда ўтайдиган талабалар, хусусан, банк, молия ва солиқ муассасалари бўйича амалиёт дастурларини тегишили кафедралар томонидан тузилган дастур асосида ҳисобот тайёрлашлари лозим.

1-босқич. Корхонанинг ташкилий-хуқуқий тузилишини баҳолаш

Малака ва кўниқмаларни шакллантиришининг асосий йўналишилари:

Корхона, ташкилот, бирлашма ва вазирликларнинг (кейинчалик «корхона» деб номланади) мақсади ва вазифалари. Саноат корхоналарининг таснифи. Корхоналарни тавсифлашда қўлланилувчи мезонлар. Корхонанинг ташкилий тузилмаси. Корхонанинг бўлимлараро тузилмаси ва уларнинг вазифалари. Корхонада ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятни ташкил этиш шакллари. Саноат корхоналарининг умумий ва ишлаб чиқариш тузилмалари. Саноат корхонасининг тузилмасига таъсир этувчи омилларни баҳолаш.

Босқич бўйича топшириқлар

T/p	Асосий топшириқлар мазмуни	Мустақил бажариш учун топшириқлар мазмуни
1.	Корхонанинг ташкилий тузилмасини назарий билимлар асоси-да ўрганиш	Корхонанинг ташкилий тузилмасини чизиш ва бўлимлараро тузилмаси орасидаги боғлиқликни кўрсатиб бериш
2.	Бошқарув элементлари ва бўғинлари ўтасидаги алоқаларнинг шакли, тузилмавий бўлинмаларнинг мослашувчанлигини ўрганиш	Корхонанинг ташкилий тузилмасини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича ўз тақлифини тайёрлаш
3.	Корхонанинг жорий хўжалик фаолиятини ўрганиш	Корхонанинг жорий хўжалик фаолияти-ни таҳлил қилиш.
4.	Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини ўрганиш	Корхона ишлаб чиқариш фаолиятига тааъллуқли кўрсаткичларга таянган ҳолда корхона фаолияти, унинг иқтисодий самарадорлигига баҳо бериш

2-босқич. Корхонадаги асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш бўғинлари фаолиятини ташкил этиш

Малака ва кўнилмаларни шакллантиришининг асосий йўналишилари:

Корхонада асосий ишлаб чиқариш бўлинмалари. Саноат ишлаб чиқариши ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларининг асосий вазифаси. Корхона таъмирлаш хўжалигининг асосий вазифаси. Асбоб-ускуна хўжалигини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва эксплуатация қилиш. Саноат корхоналарининг энергетика хўжалиги. Энергетика хўжалигининг асосий вазифалари. Корхонанинг транспорт хўжалигини ташкил этиш.

Босқич бўйича топшириқлар

T/p	Асосий топшириқлар мазмуни	Мустақил бажариш учун топшириқлар мазмуни
1.	Корхонада асосий ишлаб чиқариш бўлинмаларини ўрганиш	Корхонада асосий ишлаб чиқариш бўлинмалари ишлаб чиқариш натижаларини таҳлил қилиш
2.	Корхонада ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларининг асосий вазифаларини ўрганиш	Корхонада ташқи бозорлар ҳақида ахборот тўплаш ҳолатини таҳлил қилиш ва тақлиф тайёрлаш
3.	Корхона таъмирлаш хўжалигининг асосий вазифалари билан танишиш	Корхона таъмирлаш хўжалиги бўйича аник маълумотлар олиш ва таҳлил этиш
4.	Корхонада асбоб-ускуна хўжалигини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва эксплуатация қилишни бошқаришнинг замонавий концепцияларини ўрганиш	Асбоб-ускуна хўжалигини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва эксплуатация қилишни бошқаришнинг замонавий концепцияларини ўрганиш

3-босқич. Корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш шакллари

Малака ва қўникмаларни шакллантиришининг асосий йўналишилари:

Ишлаб чиқариш жараёнининг тузилмаси. Жараён. Операция. Технологик жараён. Мехнат жараёни. Ёрдамчи жараёнлар. Хизмат қилиш жараёни. Ихтисослаштириш, кооперативлаштириш ва комбинациялаш. Деталлар бўйича ихтисослаштириш. Серияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Оммавий ишлаб чиқариш.

Босқич бўйича топшириқлар

T/p	Асосий топшириқлар мазмуни	Мустақил бажариш учун топшириқлар мазмуни
1.	Ишлаб чиқариш жараёнининг моҳияти, аҳамиятини тавсиф-ловчи маълумотларни йигиши	Корхонада ишлаб чиқариш жараёнининг ташкилий турлари билан танишиб чиқиши
2.	Корхонада ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг асосий тамойиллари амалда қўлланилишини ўрганиш	Корхонада ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг асосий қоидалари билан танишиб чиқиши
3.	Корхонада ишлаб чиқариш жараёни шаклларини ўрганиш	Корхонада ишлаб чиқариш жараёни шаклларини танлаш шартларини ўрга-ниш
4.	Корхона ишлаб чиқариш жараёнининг тузилмасини ўрганиш	Аниқ мисол асосида ишлаб чиқариш жараёни тузилмаси тузилиши ва мазмунини таҳлил қилиб бериш

4-босқич. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган техника ва технологияларни ўрганиш ва баҳолаш

Малака ва қўникмаларни шакллантиришининг асосий йўналишилари:

Технологик жараён элементлари. Технологик жараённи ташкил этиш ва унинг тузилмаси. Тайёр маҳсулот сифати. Асосий ва қўшимча маҳсулотлар. Аппаратлар унумдорлиги ва куввати. Аппарат ёки жараённинг жадаллиги. Мехнат унумдорлиги. Маҳсулотнинг таннархи. Хомашёларни бойитиш, бойитиш усуллари. Хомашёдан оқилона фойдаланиш. Технологик жараёnlарда энергиянинг роли ва аҳамияти. Энергия турлари, саноатда энергиядан оқилона фойдаланиш. Саноатда сув, саноат чиқинди сувларини заарсизлантириш ва тозалаш. Корхонада фойдаланиладиган машина ва механизmlар таснифи, кувватларини, самарадорлигини ўрганиш.

Босқич бўйича топшириқлар

T/p	Асосий топшириқлар мазмуни	Мустақил бажариш учун топшириқлар мазмуни
1.	Корхонанинг технологик жараёнларини ўрганиш	Технологик жараён схемасини чизиш ва жараённи тавсифлаш
2.	Корхонада фойдаланиладиган хомашё турларини ўрганиш	Корхонада хомашёдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш
3.	Корхонада фойдаланиладиган машина ва механизмларни ўрганиш	Корхонада фойдаланиладиган машина ва механизмлар таснифини, қувватларини, самарадорлигини таҳлил қилиш

5-босқич. Корхонанинг асосий воситалари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги

Малака ва қўникмаларни шакллантиришининг асосий йўналишилари:

Корхонанинг асосий воситалари иқтисодий моҳияти ва туркумланиши. Ноишлаб чиқариш асосий воситалари. Ишлаб чиқариш асосий воситалари. Асосий ишлаб чиқариш воситалари актив ва пассив турлари. Корхона асосий воситаларини баҳолаш ва эскиришини ҳисоблаш. Асосий воситаларнинг амортизация меъёрлари. Амортизация ҳисоблаш усуллари. Асосий воситаларни таъмирлаш. Асосий воситалар ҳолатини таҳлил қилиш. Асосий воситалар билан таъминланганлик. Корхонанинг асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар.

Босқич бўйича топшириқлар

T/p	Асосий топшириқлар мазмуни	Мустақил бажариш учун топшириқлар мазмуни
1.	Корхонанинг асосий воситалари тузилмасини ўрганиш	Корхонанинг асосий воситалари тузилмасини шакллантиришда қабул қилинган қарорларни ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш
2.	Корхонада асосий воситалар ҳолатини ўрганиш	Корхонада асосий воситалар (Ав.) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳолатини ўрганиш, чизмасини чизиш
3.	Корхонада асосий воситалар билан таъминланганлик ҳолатини ўрганиш	Асосий воситалар билан таъминланганликни таҳлил қилиш, ижобий ва салбий томонларини кўрсатиб бериш
4.	Корхонанинг асосий восита-лардан фойдаланиш самара-дорлиги ва унга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш	Корхонанинг асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги ва унга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш, унинг иқтисодий самарадор-лигига баҳо бериш

6-босқич. Корхона айланма маблағлари ва улардан самарали фойдаланиш

Малака ва кўникмаларни шакллантиришининг асосий йўналишилари:

Корхона айланма маблағлари иқтисодий табиати ва кўрсаткичлар тизими. Корхонанинг айланма маблағлари тушунчаси, мазмуни ва таркиби. Корхона айланма маблағлари тузилмаси ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи. Корхонада айланма маблағлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. Корхонада айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. Корхона айланма маблағлари самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш ва уни ошириш имкониятлари. Корхона айланма маблағлари таркибида ўз маблағлари улушкини ошириш.

Босқич бўйича топшириқлар

T/р	Асосий топшириқлар мазмуни	Мустақил бажариш учун топшириқлар мазмуни
1.	Корхонанинг айланма маблағлари тушунчаси, мазмуни ва таркибини ўрганиш	Корхонага хомашё ва материаллар етказиб берувчи ҳамкорлар, уларнинг алоқаларини таҳлил қилиш
2.	Корхонада айланма маблағлар ҳолатини ўрганиш	Корхонада охирги 5 йилдаги айланма маблағлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилини ўтказиш
3.	Корхонада айланма маблағлар билан таъминланганликни ўрганиш	Корхонада айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш
4.	Корхона айланма маблағлари самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш ва уни ошириш имкониятлари, корхона айланма маблағлари таркибида ўз маблағлари улушкини ошириш	Корхона айланма маблағлари самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш ва уни ошириш имкониятлари, корхона айланма маблағлари таркибида ўз маблағлари улушкини ошириш

7-босқич. Корхона ходимлар салоҳияти таҳлили

Малака ва кўникмаларни шакллантиришининг асосий йўналишилари:

Корхонанинг ходимлар салоҳияти, фойдаланиш кўрсаткичлари ва уни баҳолашнинг назарий асослари. Корхонанинг ходимлар салоҳияти тушунчаси, мазмуни ва таркиби. Корхонанинг ходимлар салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг тавсифи ва аниқлаш йўллари. Корхона ходимлар салоҳияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Корхона ходимлар салоҳиятининг ҳолати ва таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. Корхона ходимлар салоҳияти самарадорлигини баҳолаш. Корхона ходимлар салоҳияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари. Корхонада банд бўлган ходимлар сони ва унда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш. Корхонада ходимлар меҳнат унумдорлиги ва меҳнат мотивациясини ошириш. Корхонада иш вақтидан фойдаланиш ва қўшимча иш ўринларини очишнинг самарадорлиги.

Босқич бўйича топшириқлар

Т/р	Асосий топшириқлар мазмуни	Мустақил бажариш учун топшириқлар мазмуни
1.	Корхона ходимлар салоҳияти тузилмасини ўрганиш	Корхона ходимлар салоҳиятини таҳлил қилиш
2.	Корхонанинг ходимлар салоҳияти, фойдаланиш кўрсаткичлари ва уни баҳолашнинг назарий асосларини ўрганиш	Корхонанинг ходимлар салоҳияти, фойдаланиш кўрсаткичларини гуруҳларга ажратиш
3.	Корхонанинг ходимлар салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўлларини ўрганиш	Корхона ходимлар салоҳиятининг ҳолати ва таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилини олиб бориш
4.	Корхона ходимлар салоҳияти самарадорлигини баҳолаш усусларини ўрганиш	Корхона ходимлар салоҳияти самарадорлигини таҳлил қилиш

2. МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ ҲИСОБОТИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Амалиёт даври якунида талаба ушбу дастурга мувофиқ равища бажарган ишлари ҳақида ёзма ҳисобот тайёрлайди. Ҳисобот учун керакли материалларни тўплаш ва унинг матнини баён этиш бутун амалиётни ўташ муддати давомида амалга оширилади.

Ҳисобот икки қисмдан: матн қисми ва иловалардан иборат бўлиши керак.

Матн қисми титул варақаси билан бошланади.

Ҳисоботда амалиётнинг барча асосий босқичлари ва иш турлари баён этилиши лозим. Иш турларининг мазмуни кундаликдаги ёзувларга мувофиқ баён этилади.

Ушбу ҳисоботда талаба келажакда амалиёт ўташ ва ташкил этиши ишларини яхшилашга оид ўз мулоҳазаларини ҳам баён этади. Ҳисоботни аста-секин бутун амалиётни ўташ даври давомида босқичма-босқич ёзиш талаб этилади.

Амалиёт кундалиги белгиланган шаклда расмийлаштирилади ва у ҳисоботнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Амалиёт кундалиги талаба томонидан:

- а) эҳтиёткорлик билан, ўз вақтида ва имло хатоларисиз тўлдирилиши;
- б) сиёҳли ручка билан ёзилиши;
- в) амалиёт даврида тасдиқланиши керак.

Амалиёт кундалигини белгиланган талаблар асосида расмийлаштирилмаган тақдирда ҳисобот ҳимоя учун қабул қилинмайди.

Ҳисобот стандарт ҳажмдаги қоғозда (A4, 210-297 мм), чап томондан 3 см, қолган томонлари 2 см дан ҳошиялар қолдириб ёзилади. Унинг бетлари кетма-кет сонлар билан ракамлаштирилади.

Ҳисоботнинг таркибий қисмлари: (намунавий)

1. Титули.
2. Мундарижа.
3. Кириш.
4. Асосий қисм (босқичлар бўйича топшириқларни бажариш).
5. Хулоса ва таклифлар.
6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .
7. Иловалар.

3. МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ МОБАЙНИДА ТАЛАБА АМАЛ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҚОИДАЛАР

Амалиётчи-талаба малакавий амалиётни ўташ чоғидаги қуйидаги қоидаларга риоя қилиши лозим:

- амалиёт дастурида кўзда тутилган ва амалиётга раҳбарлик қилувчи ўқитувчи томонидан берилган индивидуал топшириқларни тўлиқ бажариш;
- корхонада жорий этилган кун тартиби ва ички меҳнат интизомига доир қоидаларни ўрганиб, уларга риоя қилиш;
- корхонада ускуналардан фойдаланиш, техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бошқа меҳнат фаолиятига тегишли қоидаларни ўрганиб, уларга қатъий риоя қилиш;
- ўз кундалигига кунлик бажарилган ишларини акс эттириб бориш ва кун охирига келиб, корхонадан тайин этилган раҳбарга текширтириш ва имзолаш учун тақдим этиш ҳамда ҳафтада бир маротаба университет томонидан тайин этилган раҳбарга текширтириш ва имзолаш учун тақдим этиш (ҳафтанинг шанба куни танланса, мақсадга мувофиқ бўлади);
- битириув малакавий иш ҳамда ҳисббот учун материалларни йиғиш ва ўрганиш билан доимий равишда шуғулланиш;
- корхона жамоасининг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиш;
- ҳар бир амалиёт ўтилган бўлим бўйича алоҳида ҳисббот юритиш;
- малакавий амалиёт тугаши билан амалиёт бўйича ҳисбботни кафедрага тақдим этиш.

Амалиёт дастури бўйича топшириқларни бажармаган, салбий тақриз олган ёки амалиёт ҳисботини ҳимоя қилиш чоғида қониқарсиз баҳо олган амалиётчи-талаба талабалик сафидан чиқарилади.

Корхона ва ташкилотларнинг ички қоидаларини бузган амалиётчи-талаба ҳақида университет ректорига хабар жўнатилади.

4. МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ НАТИЖАЛАРИНИ ЯКУНЛАШ ВА ҲИСБОТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Амалиёт ҳисботи университетнинг Саноат иқтисодиёти кафедрасига амалиётдан қайтгандан сўнг уч иш куни давомида топширилади. Кафедра томонидан тайинланган амалиёт раҳбарлари ҳисботларни текширади, ўз

мулоҳазаларини баён этади ва тақриз ёзди. Кафедрада белгиланган жадвалга биноан кафедра томонидан тузилган ҳайъат олдида (факультет декани ёки мувовини қатнашиши мумкин) амалиёт ҳисоботи талаба томонидан ҳимоя қилинади. Малакавий амалиёт ҳисоботи кафедра томонидан ишлаб чиқилган “Талабалар малакавий амалиётини ташкил этиш ва рейтинг тизимида баҳолаш бўйича услубий кўрсатма”га биноан баҳоланади.

5. МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ ВА МЕЗОНЛАРИ

5230100-“Иқтисодиёт (реал сектор)” таълим йўналиши битирувчи курс талабаларининг малакавий амалиёт ўтиш жараёни, ҳисоботи ва ҳимоясини рейтинг асосида баҳолаш тизими, таълим йўналиши битирувчи курс талабаларининг тайёргарлик даражаси ва зарур билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида низом”и ҳамда “Олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақида низом”лари асосида ишлаб чиқилган.

Битирувчи курс талабаларининг малакавий амалиётни ўтиши, ҳисбот тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилишни баҳолаш тартиби ва мезонлари 100 баллик тизим асосида қуидагича баҳоланади:

Т/р	Кўрсаткич	Саралаш бали	Максимал балл
I.	Ташкилот хулосасига қўра амалиётга қатнашиш, амалиёт обьекти ички қоидаларига риоя этиш ҳолати	5,5	10
II.	Амалиёт ўтиш жараёни бўйича жами	8,5	15
2.1.	Амалиёт ўтиш жараёни амалиёт кундалик дафтарини расмийлаштириш ҳолати	4	7
2.2.	– ҳафталик маълумот топшириш ҳолати	4,5	8
III.	Ҳисботнинг мазмун-моҳияти ва уни расмийлаштириш бўйича жами	22	40
3.1.	Ҳисботнинг мазмун моҳияти ва расмий-лаштирилиши:	4,5	8
3.2.	– ҳисббот дастур талаблари асосида расмийлаштирилган;	6	11
3.3.	– амалиёт обьектини тадқиқ этиш ҳолати, ташкилот фаолияти кўрсаткичларини ўрганиш ва таҳлил қилиш даражаси;	5,5	10
3.4.	– амалиёт обьектига оид жадвалларнинг тўлиқлиги;	6	11
	– обьект фаолиятини ўрганиш орқали ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялар мавжудлиги		
	Ҳисббот ҳимояси бўйича жами	20	35
IV.	Ҳисббот ҳимоясини баҳолаш:		
4.1.	– амалиёт обьекти функциясининг тўлиқ ёритилиши;	7	12
4.2.	– обьектда олиб борилган тадқиқот натижалари тафсилоти;	6	11
4.3.	– ҳисббот юзасидан саволларга жавоб бериш ҳолати	6	12
V.	Жами	55	100

Талабанинг малакавий амалиёт жараёни, ҳисоботи ва ҳимоясини рейтинг тизими асосида баҳолаш қуидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

а) талаба 86-100 балл олиши учун қуидаги талабларга жавоб берини лозим:

- мустақил ҳамда ижодий фикр юрита олиш;
 - амалиёт обьектида бажарилаётган ишларнинг моҳиятини англаш;
 - амалиёт обьектида қабул қилинаётган қарорларнинг мазмунига тушуниш;
 - олган билимларини амалда қўллай билиш;
 - тақдим этилаётган амалиёт ҳисботининг кўйилган талабларга тўлик жавоб берини;
 - хулоса ва қарорлар қабул қилиш;
 - амалиёт обьектини чуқур тадқиқ этиш ҳамда ижобий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш;
 - амалиёт ҳисботи ҳимоясининг юқори савияда амалга оширилиши ҳамда берилган саволларга аниқ ва равshan жавоблар берини;
- б) талаба 71-85 балл олиши учун қуидагиларга жавоб берини керак:
- мустақил мушоҳада юрита олиш;
 - олган билимларини амалда қўллай олиш;
 - амалиёт обьектида бажарилаётган ишларнинг моҳиятини англаш;
 - амалиёт обьектида қабул қилинаётган қарорларнинг мазмунига тушуниш;
 - амалиёт ҳисботининг кўйилган талабларга мослиги;
 - амалиёт обьектини атрофлича тадқиқ этиш ҳамда шу юзасидан хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш;
 - амалиёт ҳисботи ҳимоясининг ижобий даражада амалга оширилиши ҳамда берилган саволларга аниқ жавоблар берини;
- с) талаба 55-70 балл олиши учун қуидагиларга жавоб берини керак:
- амалиёт обьектида бажарилаётган ишларнинг моҳиятини англаши;
 - амалиёт обьектида қабул қилинаётган қарорларнинг мазмунини тасаввур қила олиши;
 - амалиёт ҳисботининг маълум даражадаги талабларга жавоб берини;
 - амалиёт ҳисботи ҳимоясининг қониқарли даражада амалга оширилиши ҳамда берилган саволларга қисман жавоблар берини;
- д) қуидаги ҳолларда талабага 0-54 балл берилади:
- аниқ тасаввурга эга бўлмаслиги;
 - амалиёт билан боғлиқ фаолиятни тушуниб етмаслиги;
 - амалиётга боғлиқ кўникмаларнинг йўқлиги;
 - амалиёт ҳисботининг талабга мутлақо жавоб бермаслиги;
 - амалиёт базасига умуман бормаслиги.

Амалиёт натижаларининг қониқарсиз баҳоланиши ва ҳисоботнинг қайта топширилиши

Битиравчи курс талабаларининг малакавий амалиёти бўйича саралаш балидан (55 балл) кам балл тўплаган талабанинг ўзлаштириши қониқарсиз (академик қарздор) деб ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга ҳисоботни қайта топширишлари ва ҳимоя қилишлари учун 10 кун муддат муҳлат берилади. Шу муддат давомида амалиёт ҳимоясидан ўта олмаган талаба Иқтисодиёт факультети декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Малакавий амалиёт жараёнининг баҳоланишидан норози талабалар натижалар эълон қилинган кундан бошлаб 1 иш куни давомида Иқтисодиёт факультети деканига ёзма ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолларда кафедра мудирининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади ва амалиёт ҳисботи ҳимояси қайта ташкил этилади.

6. РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ҚАЙД ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Битиравчи курс талабаларининг амалиёт жараёнидан тўплаган баллари уларнинг таълим жараённида олган билими, кўникмаси, малакаларини амалиётга татбиқ эта олиш ҳолатини кўрсатиб беради.

“Иқтисодиёт (реал сектор)” таълим йўналиши битиравчи курс талабасининг малакавий амалиёт жараёни, ҳисботи ва ҳимояси натижаларидан олган баллари ҳимоя якунида рейтинг қайдномасига қайд қилинади. Талабалар томонидан амалиёт натижаларидан тўплланган баллар рейтинг дафтарчаларига ёзилади.

17. КАФЕДРА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ НАШР ЭТИШ НАМУНАВИЙ РЕЖАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тошкент давлат иқтисодиёти
Ўқув ишлари бўйича проректор
F. Захидов _____
«__» 2019 й.

Маркетинг кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан 2019 йилда тайёрланадиган ўқув адабиётлари НАШР РЕЖАСИ

T/p	Таълим йўналиши (мутахасислиги) коди ва номи	Ўқув адабиёти номи	Фаннинг номи	Ўқув адабиёти тури ва тили (дарслик, ўқув кўлланма, ўзбек, рус тили)	Ижро учун масъуллар лавозими Ф.И.Ш.	Ижро муддати	Молиялаш манбалари
1.	5230400-“Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)”	Тармоқлар ва соҳалар маркетинги	Тармоқлар ва соҳалар маркетинги	Дарслик (ўзбек тилида)	Проф. Ш.Ж. Эргашходжаева, доц. А.Н. Самадов	2019 йил апрель ойи	Университет бюджетидан ташқари маблағлар
2.	5230400-“Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)”	Маркетинг	Маркетинг	Дарслик (ўзбек тилида)	Проф. Ш. Ж. Эргашходжаева, доц. М.А. Юсупов, катта ўқит. И.Б. Шарипов	2019 йил май ойи	Университет бюджетидан ташқари маблағлар
3.	5230400-“Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)”	Маркетинг-ни бошқариш	Маркетинг-ни бошқариш	Дарслик (ўзбек тилида)	Проф. Ш.Ж. Эргашходжаева	2019 йил июнь ойи	Университет бюджетидан ташқари маблағлар
4.	5230400-“Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)”	Маркетинг тадқиқотлари	Маркетинг тадқиқотлари	Дарслик (ўзбек тилида)	Проф. Ш.Ж. Эргашходжаева доц. Л.Т. Абдухалирова	2019 йил июль ойи	Университет бюджетидан ташқари маблағлар

Киритилди:

Маркетинг кафедраси мудири

Ш. Эргашева

(имзо)

Келишилди:

Факультет декани

А. Кучаров

(имзо)

Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи

Б. Усманов

(имзо)

Бош бухгалтер

С. Эргашев

(имзо)

Молия-иктисод бўлими бошлиғи

Ш. Якубов

(имзо)

18. КАФЕДРА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ ВА ИННОВАЦИЯЛАР НАМУНАВИЙ ЙИЛЛИК РЕЖАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

**Тошкент давлат иқтисодиёт
университети Илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори**

Ш. Мустафакулов

«_____» 2019 й.

**Иқтисодиёт факультети Саноат иқтисодиёти кафедрасининг 2019 йил учун
мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари ва инновациялар
РЕЖАСИ**

1. Кафедрада “2019 йил – Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш
йили”да илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш бўйича йиллик
харакатлар иш режаси

1.1. Профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчиларнинг касбий малакаси, илмий салоҳияти ва илмий фаоллигини ошириш

T/p	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Ижро учун масъул шахслар лавозими	Кутилаётган натижалар
1	2	3	4	5
1.1.1.	Кафедранинг 2019 йил учун илмий тадқиқот ишлари ва инновациялар режасини тузиш ва тасдиқлаш	2019 йил 10 январь	Кафедра мудири	Илмий тадқиқот ва инновация ишлари бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланади
1.1.2.	Илмий изланувчилар учун стажировка ва малака оширишнинг илғор шаклларини татбиқ этиш	2019 йил давомида	Кафедра мудири	Илмий изланувчиларнинг малакаси ошади
1.1.3.	Профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчиларнинг “Энг намунали ил-мий ходим” танловини ташкил этиш	2019 йил давомида	Кафедрада илмий ишлар бўйича масъул шахс	Кафедра аъзолари ўртасида рақобат кучаяди
1.1.4.	Илмий-услубий семинарларни ташкил этиш ва ушбу семинарларда докторантлар ва мустақил изланувчилар диссертацияларининг ҳар чоракда мухокамаларини йўлга қўйиш	2019 йил давомида	Кафедра мудири	Диссертацион тадқиқотлар бўйича ижобий натижаларга эришилади

1	2	3	4	5
1.1.5.	Web of Science, Sience Direct, Springer Nature Халқаро мъълумотлар базаси бўйича мутахассислар иштироқида ташкил этилаётган маҳсус семинарларни ташкил этиш	2019 йил давомида	Кафедрада илмий ишлар бўйича масъул шахс	Халқаро ахборот базаларидан унумли фойдаланилади
1.1.6.	Университет илмий тадқиқотлар фондига ҳомийлар, Халқаро ташкилотлар ва хорижий таълим-тадқиқот муассасалари грантларини жалб этиш	2019 йил давомида	Кафедра мудири	Илмий лойиҳаларни молиялаштириш кўпаяди

1.2. Илмий тадқиқот ишлари, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш сифати, кўлами ва самарадорлигини ошириш

T/p	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Ижро учун масъул шахслар лавозими	Кутилаётган натижалар
1	2	3	4	5
1.2.1.	Кафедранинг илмий тадқиқот мавзусини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида иқтисодиётнинг устувор йўналишлари асосида қайта тасдиқлаш	2019 йил давомида	Кафедра мудири	Кафедраларнинг илмий мавзуларига аниқлик киритиш
1.2.2.	Докторант ва илмий изланувчилар томонидан белгиланган муддатларда диссертациялар ҳимояларини таъминлаш	2019 йил давомида	Илмий раҳбарлар	Илмий салоҳият ошади
1.2.3.	Штатдаги профессор-ўқитувчилар илмий салоҳияти салмоғини 60 % даражасига етказиши (ҳозирда эришилган ҳолат-51 %)	2019 йил давомида	Кафедра мудири	Илмий-тадқиқот ва таълим бериш сифати ошади
1.2.4.	Кафедрада инновацион илмий мактабларни шакллантириш	2019 йил февраль-май ойлари	Кафедрапм мудири	Илмий ишларнинг самарадорлиги ошади
1.2.5.	“Иқтисодиёт ва таълим”, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон, бошқа республика ва халқаро нуфузли журналларда илғор халқаро стандартлар талабларига мос 20 та илмий мақолани чоп этишини таъминлаш	2019 йил давомида	Кафедра профессор-ўқитувчилари	Юқори савияли мақолалар кўпаяди, илмий муаммоларга ечим топилади
1.2.6.	Давлат илмий-техника дастурлари доирасида фундаментал амалий ва илмий-инновацион лойиҳалар бўйича тадқиқотларни фаоллаштириш	2019 йил февраль-ноябрь ойлари	Лойиҳаларнинг илмий раҳбарлари	Самарали илмий ишланмалар шаклланади

1	2	3	4	5
1.2.7.	Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” бўйича республиканинг барча маъмурий-худудлари ҳокимликлари билан ҳамкорликда мақсадли-буортмали 8,0 млн. сўм миқдорида илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш	2019 йил йил февраль- ноябрь оилари	Лойиха ижрочилари	Худудлардаги муаммоларга илмий ечимлар топилади
1.2.8.	Халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилар, магистрантлар ва талабаларнинг иштирокини таъминлаш	2019 йил февраль- декабрь оилари	Кафедра профессор-ўқитувчилари	Иқтисодиётнинг долзарб мавзуларида маърузалар қилинади
1.2.9.	Юқори малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрлашга эришиш	2019 йил давомида	Кафедра мудири, илмий раҳбарлар	Юқори малакали кадрлар шаклланади
1.2.10.	Докторантларни амалий инглиз тили, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет, эконометрикага тегишли мутахассислик курслари бўйича мунтазам малака ошириш курсларига фаол иштирокини таъминлаш	2019 йил февраль- декабрь оилари	Кафедра мудири	Илмий тадқиқотларининг асосий воситалари ўрганилади
1.2.11.	Мажаллий ҳокимликлар ҳамда хорижий ҳамкорлар билан ўзаро ҳамкорликда инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш, монографиялар ва илмий мақолалар ёзиш, фанлар бўйича илмий-услубий ишларни амалга ошириш	2019 йил февраль- ноябрь оилари	Илмий лойиҳаларни раҳбарлари	Худудлардаги муаммоларга илмий ечимлар топилади
1.2.12.	“Микроиқтисодиёт-2” фанини етакчи хорижий олимларнинг замонавий тадқиқотлари асосида такомиллаштириш	2019 йил давомида	Фаннинг муаллифлари	Фаннинг мазмуни ошади
1.2.13.	Магистрлик диссертацияларини ёзиш услубиётини халқаро стандартларга асосланган ҳолда қайта ишлаб чиқиш	2019 йил давомида	Кафедра мудири	Магистрлик диссертациялари мазмуни бойитилади
1.2.14.	Ҳар бир профессор-ўқитувчининг чоп этган янги илмий мақолаларини www.scholar.google.com веб-саҳифасига жойлаштириш, уларга ҳавола берилишини мониторинг этиш	Илмий мақола нашр этилгандан сўнг бир ҳафта	Кафедра илмий ишлар бўйича масъул шахс	Нашр этилган илмий мақолалар базаси шаклланади

**1.3. Илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар соҳаларида
халқаро ҳамкорликни ривожлантириш**

Т/р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Ижро учун масъул шахслар лавозими	Кутилаётган натижалар
1	2	3	4	5
1.3.1.	Профессор-ўқитувчиларни халқаро илмий ва инновацион форумлар фаолиятида қатнашишларини таъминлаш	Белгиланган муддатларда	Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи, кафедра мудири	Халқаро илмий мулоқотлар юзага келади
1.3.2.	Халқаро илмий-амалий тажрибалар орттириш, малака ошириш ва чет тилларни билиш даражасини ривожлантириш	2019 йил давомида	Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи, кафедра мудири	Халқаро илмий тажрибалар ўрганилади
1.3.3.	Юқори импакт факторга эга хорижий журналларда илмий мақолалар сонини кўпайтириш бўйича мастер класслар ва семинар-тренингларда профессор-ўқитувчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш	Ўқув йили давомида	Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи, кафедра мудири	Нуфузли халқаро журналларда илмий мақолалар чоп этиш асослари ўрганилади
1.3.4.	Юқори импакт факторга эга Scopus, Nature, Web of science журналларида илмий мақолаларни профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар томонидан мунтазам чоп этишни таъминлаш	2019 йил февраль-ноябрь ойлари	Илмий мақолалар муаллифлари	Нуфузли халқаро журналларда илмий мақолалар нашр этилади
1.3.5.	Ўзбекистонда ва хорижда илмий тадқиқотлар иш олиб бораётган сабиқ битирувчилар базасини шакллантириш ҳамда улар билан узвий ҳамкорлик қилиш	2019 йил давомида	Кафедра мудири	Хориждаги сабиқ битирувчиларнинг илмий тажрибалари ўрганилади
1.3.6.	Профессор-ўқитувчилар ва докторантлар фанлар соҳаларида халқаро ва инновацион конференцияларда фаол қатнашишини таъминлаш: – ҳар бир профессор-ўқитувчи йил давомида камидан бир марта; – ҳар бир мустақил тадқиқодчи камидан икки марта; – ҳар бир докторант учта марта	2019 йил давомида	Халқаро конференциялар қатнашчила-ри	Халқаро конференцияларда ўзаро фикрлар алмашинади

1.4. Ахборот-ресурс таъминоти ва коммуникация технологиялари билан таъминланганлик сифати ва даражасини ошириш

T/р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Ижро учун масъул шахслар лавозими	Кутилаётган натижалар
1	2	3	4	5
1.4.1.	АРМда йўналиш ва мутахассисликлар бўйича ўқув-илмий ва услубий адабиётлардан, илмий журналлар ва оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш	2019 йил давомида	АРМ директори, кафедра мудири	Ахборот воситаларидан фойдаланилади
1.4.2.	Кафедрани халқаро ахборот тармоқларига кенг кўламда уланишини таъминлаш, <i>ZiyoNet</i> ахборот тармоқларига ҳамда Олий таълим вазирлигининг Электрон таълим порталаига, А. Навоий номидаги Миллый кутубхонанинг Ebsco, ProQuest, Coursera маълумотлар базасига маълумотлар киритишни таъминлаш	2019 йил давомида	Ахборот технологиялари директори, Ахборот-ресурс маркази директори, кафедрадан масъул шахс	Интернет веб-сайтларига маълумотлар киритиш имкониятлари кенгаяди
1.4.3.	Университет Ахборот-ресурс маркази фондини кафедра ўқитаётган фанлар бўйича илмий ва ўқув адабиётлар билан бойитишда иштирок этиш	2019 йил давомида	Ахборот-ресурс маркази директори, кафедрадан масъул шахс	Илмий ва ўқув адабиётлар фонди кенгаяди
1.4.4.	Инновацион илмий ютуқлар, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, масофадан ўқитиш, мустақил таълим олишни кенгайтириш бўйича ўқув-электрон адабиётлар ишлаб чиқиш	2019 йил давомида	Кафедра мудири, кафедрадан масъул шахс	Ўқув электрон адабиётлар кўпаяди
1.4.5.	Кафедра фаолиятини хорижий давлатларнинг университетлари ва илмий марказларига кенг ва мунтазам танишириш мақсадида www.tsue.uz веб-сайти маълумотларини доимий равишда янги ахборотлар билан таъминлаб бориш	2019 йил давомида	Кафедра мудири	Университетнинг веб-сайтларидаги маълумотлар янгиланади

2. Фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларнинг режаси

Т/р	Режа даврида ўтказиладиган мавзулар нинг номи, босқичларнинг мазмуни	Бажарилишга асос	Бажарувчилар (илмий раҳбар ва ижрочилар)нинг Ф.И.Ш., илмий даражаси, унвони	Бажарилиш муддатлари		Рахбарлик қиласидаган вазирлик ва идоралар	Ишни молиялаштирадиган ташкилот	Смета қиймати, минг сўм		Кутилаётган илмий ва амалий натижалар
				Бошлиниши	Тугатилиши			Ҳажми	МХТФ	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
<i>I. Фундаментал тадқиқот дастури доирасидаги лойиҳалар бўйича</i>										
1.	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-

3. Хўжалик шартномаси асосида бажариладиган илмий тадқиқот ишлари режаси

Т/р	Режа даврида ўтказиладиган мавзулар нинг номи, босқичларнинг мазмуни	Бажарилишга асос	Бажарувчилар (илмий раҳбар ва ижрочилар)нинг Ф.И.Ш., илмий даражаси, унвони	Бажарилиш муддатлари		Рахбарлик қиласидаган вазирлик ва идоралар	Ишни молиялаштирадиган ташкилот	Смета қиймати, минг сўм		Кутилаётган илмий ва амалий натижалар
				Бошлиниши	Тугатилиши			Ҳажми	МХТФ	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1.	Самарқанд вилоятини иқтисодий ривожлантиришистиқ боллари: инновацион саноатсиёсати	Хўжалик шартномаси	Салимов Баҳтиёр Таджие вич, и.ф.д., профессор	1.01.2019	31.12.2019	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Самарқанд вилояти ҳокимлиги	40 000		Самарқанд вилоятини иқтисодий ривожлантиришибўйича инвестициявий лойиҳалар ишлаб чиқилади ва асосланади
2.	Реал сектор корхоналари фаолиятиning	Тузилган хўжалик шартнома	Хотамов И., и.ф.н., доцент, лойиҳа ижрочи	2019 йил 1-чорак	2019 йил 4-чорак	Тошкент давлат Иқтисодиёт университети	Шартнома асосида реал сектор корхоналари	23130	23130	Иқтисодий самара дорликни ошириш

	иқтисодий самара дорлигини ошириш муаммолари	си асосида	лари							бўйича илмий таклиф лар ишлаб чиқида ди
3.	Бозор рақобати шароитида реал сектор тармоқлари ҳамда корхоналар ривожланишини таъминлашмуаммолари	Тузилган пуллихизматшартномаси асосида	Хотамов И., и.ф.н., доцент, лойиха ижроочилари	2019 йил 1-чорак	2019 йил 4-чорак	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Шартнома асосида реал сектор корхоналари	3280	3280	Реал сектор тармоқлари ҳамда корхоналар ривожланиши бўйича илмий таклиф лар ишлаб чиқида ди

4. Умумуниверситет комплекс муаммолари доирасида бажариладиган кафедра мавзулари ва ҳар бир ўқитувчи бўйича маълумотлар режаси

Кафедранинг университетдаги устувор йўналишлар бўйича мавзуси: ФМ-3. Бозор рақобати шароитида реал сектор тармоқлари ҳамда корхоналар ривожланишининг илмий-методологик асосини такомиллаштириш

Т/р	Режадаврида ўтказиладиган мавзулар нинг номи, босқичларнинг мазмуни	Бажарувилишга асос	Бажарувчи-лар (Илмий раҳбар ва ижрочилар) нинг Ф.И.Ш., илмий даражаси, узвони	Бажарилиш муддатлари		Рахбарлик қиласидан вазирлик ва идоралар	Ишнимолиялаштирадиган ташкилот	Смета қиймати, минг сўм		Кутилаётган илмий ва амалий натижалар
				Бошлиниши	Тугатилиши			Ҳажми	МХТФ	
1.	Миллий брендларни шакллантириш асосида мамлакат экспорт	Илмий мақола	Хотамов Ибодулло Садуллоевич, и.ф.н., доцент	1.01. 2019	31.12. 2019	«Ўзпахтасаноат” АЖ	-	-	-	Миллий маҳсулотларнинг ташқи бозордаги нуфузини ошириш

	салоҳияти ни ошириш концепт циясини такомил лашти- риш								асосида мамлакат нинг экспорт салоҳияти ни мустангкам лаш бўйича илмий- амалий тавсиялар ишлаб чиқилади
2.	Управле- ние внешне- экономи- ческой деятель- ностью в Узбекиста- не на основе инноваци- онного развития в условиях глобализа- ции	Илмий мақо- ла, услу- бий кўлла- hma	Назарова Раъно Рустамовна, и.ф.д., проф.		1.01. 2019	31.12. 2019	Ўзбекис- тон Респуб- ликаси Ташқи иқтисо- дий алоқа лар вазирли- ги	-	Мамла- катнинг ташқи иқтисо- дий фаолия соҳаси ни бош- каришни янада такомил- лашти- риш бўйича таклиф- лар иш- лаб чи- қилади
3.	Агросано- ат маж- муалари корхонала- ри фао- лиятини суғурта- лашнинг методо- логик асослари	Илмий мақо- ла	Ядгаров Акрам Акбарович, и.ф.н., доцент		1.01. 2019	31.12. 2019	“Ўзагро- суғур- та” суғурта компа- нияси	-	Қишлоқ хўжали- ги соҳасида суғурта хизмат- ларини кенг тарғиб килиш ва ундан самара- ли фой- даланиш нинг долзарб масала- лари таҳлил қилина-

									ди ва илмий- амалий тавсия- лар иш- лаб чи- қилади
4.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари ривожла-ниши мутаносиблиги ни таъминлашнинг назарий-услубий асослари-ни такомиллаштириш	Илмий мақола	Алиев Яшнар Эгамбердие-вич, и.ф.н., доцент		1.01. 2019	31.12. 2019	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	-	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари ривожла-ниши юзасидан илмий хулосалар берилади
5.	Саноат ишлабчиқариши иқтисодий самарадор лигини таъминлашнинг услубий асослари-ни такомиллаштириш	Илмий мақола	Исоқов Мусахон Юсупджанович, и.ф.н., доцент		1.01. 2019	31.12. 2019	Ўзбекистон архитектура ва қурилиш кўмитаси	-	Реал сектор корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилади
6.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта	Илмий мақола	Юсупов Мухиддин Соатович, и.ф.н., доцент		1.01. 2019	31.12. 2019	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги	-	Маҳсулотларни етиштириш ва қайта ишлаш соҳасида

	ишилаш соҳасида иннова- цион техноло- гиялардан самарали фойдала- ниш					вазирли ги				иннова- цион техноло- гиялардан самарали гойдала- ниш бўйича таклиф- лар иш- лаб чи- қилади
7.	Реал сектор корона- лари самарадор лигини ошириш- да корпоратив бошқарув муносабат ларини такомил- лашти- риш	Илмий мақо- ла	Жўраев Толлибой Исмоилович, и.ф.н., доцент	1.01. 2019	31.12. 2019	Ўзбекис тон Респуб- ликаси Қишлоқ хўжали- ги вазирли ги	-	-	-	Корхона да кор- поратив бошқарув му- носабат- ларини такомил- лашти- риш бў- йича таклиф- лар иш- лаб чи- қилади
8.	Агросано- ат маж- муалари корона- лари фаолияти ни молиялаш нинг методоло- гик асослари	Илмий мақо- ла	Бауетдинов Мажид Жанизақович, катта ўқитувчи	1.01. 2019	31.12. 2019	Ўзбекис тон Респуб- ликаси Қишлоқ хўжали- ги вазирли ги	-	-	-	Агросано- ат маж- муалари корхонала ри фаоли- ятини молиялашти- ришни янада такомил- лаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади
9.	Агросано- ат маж- муалари корхонала ри фаоли- яти сама- радорлиги ни баҳо- лашнинг методоло-	Илмий мақо- ла	Юлдашев Фолибjon Тургунович, катта ўқитувчи	1.01. 2019	31.12. 2019	Ўзбекис тон Респуб- ликаси Қишлоқ хўжали- ги вазирли ги	-	-	-	Агросано ат корхонала ри фаолияти самарадор- лигини баҳолаш бўйича услугий

	ГИК асослари									ёндашув ишлиб чиқилади
10.	Саноат корона-ларидаги ишилаб чиқариш самарадор лигини ошириш йўллари	Илмий мақола	Карабаева Гулнора Шарофидиновна, катта ўқитувчи	1.01. 2019	31.12. 2019	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги	-	-	-	Корхона-ларда ишилаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий тавсифлар ишилаб чиқилади
11.	Корхоналар рақобатбар дошлигини оширишда ахборот комуникацион технологиялардан самарали гойдаланиш йўллари	Илмий мақола	Султанов Бахтияр Турсинбаевич, катта ўқитувчи	1.01. 2019	31.12. 2019	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги	-	-	-	Рақобатбардошликини таъминлашда рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишилаб чиқилади
12.	Ўзбекистон саноатини инновацион ривожлантириш истиқболлари	Илмий мақола	Исмоилов Алишер Жобир ўғли, асистент	1.01. 2019	31.12. 2019	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги	-	-	-	Ўзбекистон саноатини инновацион ривожлантиришнинг 2030 йилга бўлган прогнозлари ишилаб чиқилади

13.	Ўзбекистон саноатини ривожлантириш истиқболлари	Илмий мақола	Рўзиева Дилобар Исомжоновна, и.ф.н., доцент	1.01. 2019	31.12. 2019	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги	-	-	-	Саноат соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари таҳлил қилинади ва таклифлар ишлаб чиқилади
14.	Методологические основы управления интеграционных межотраслевых корпоративных структур в хлопковой индустрии Республики Узбекистан	Илмий мақола	Қосимов Сайдакмал Саидхолович, и.ф.н., доцент	1.01. 2019	31.12. 2019	АО Пахтасаноат	-	-	-	Тармоклараро корпоратив алоқаларни ривожлантириш юзасидан илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилади
15.	Ўзбекистон енгил саноатини ривожлантириш истиқболлари	Илмий мақола	Мадрахимова Гуласал Рўзимбой қизи, ассистент	1.01. 2019	31.12. 2019	Ўзтўқимачи саноатуюшмаси	-	-	-	Мамлакатда енгил саноатни янада ривожлантириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилади
16.	Намангандаро вилоятини комплекс ривожлантириш-	Илмий мақола	Хусанова Гулчехра, ассистент	1.01. 2019	31.12. 2019	Намангандаро вилояти хокимияти	-	-	-	Вилоятни комплекс ривожлантиришнинг

	нинг асосий йўналишлари								хусусиятлари таҳлил қилинади ва истиқбол даги холати бўйича сценарий ишлаб чиқилади
17.	Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	Илмий мақола	Исмоилов Алишер Жобир ўғли, ассистент	1.01. 2019	31.12. 2019	Инновацион ривожланиш вазирлиги	-	-	Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинади ҳамда илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилади

5. Ўқитувчилар, таянч докторантлар (PhD), докторантлар (DSc) ва мустақил изланувчиларнинг докторлик диссертацияси бўйича маълумотлар ва улар билан ишлаш режаси

T/p	Ўқитувчи, КИХИ Ф.И.Ш.	Диссертация мавзуси	Ишнинг якунланиши мўлжалланган (тахмин қилинган) муддат	Календарь йилга мўлжалланган параграф ва бобнинг номи	Иш олиб борилаётган ташкилотнинг номи
1	2	3	4	5	6
1.	Файзуллаев Жавлонбек Султонович, таянч докторант (2-курс)	Интеграциялашган транспорт логистика тизимини бошқариш самарадорлигини ошириш	2019	III боб. Транспорт логистикаси самарадорлиги ни ошириш устувор йўналишлари	ТДИУ
2.	Толипова Бахтигул Фарходов-	Озиқ-овқат корхоналарида инвестицияларни	2020	1-боб. Озиқ-овқат корхоналарида инвес-	ТДИУ

1	2	3	4	5	6
	на, таянч докторант (2-курс)	молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш		тицияларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари	
3.	Холикова Рухсора Санжаровна, таянч докторант (1-курс)	Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш шароитида пахтатўқимачилик саноати самарадорлигини ошириш стратегиялари	2021	1-боб. Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш шароитида пахтатўқимачилик саноати самарадорлиги ни оширишнинг назарий ва амалий асослари	ТДИУ
